# ИСЛОМ КАРИМОВ

Hi

## ЖАМИЯТИМИЗНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАЪНАВИЯТИМИЗНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ХАЛҚМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ-БАРЧА Ш1ЛАРИМИЗНИНГ МЕЗОНИ ВА МАҚСАДИДИР

ТОШКЕНТ
"УЗБЕ.КИСТОН" НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2007 •

66.3(5У) К
23

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларининг 15-жилдидан давлатимиз рахбарининг 2006 — 2007 йилларда Вазирлар Махкамаси мажлиси, Халк. депутатлари вилоятлар кенгашлари йигилишлари, турли халкаро анжуманлар, тантанали маросимларда сузлаган нутклари ва маърузалари урин олган.

Шунингдек, китобда Юртбошимизнинг мехнат жамоалари вакиллари билан учрашувлардаги чикишлари, интервью хдмда табриклари эътиборингизга хавола этилмокда.

ISBN 978-9943-01-150-2

«УЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2007 и.

# УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАКИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТК.

Лссалому алайкум, азиз юртдошлар!

К,адрли ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, сизларнинг тим-
MI in -мзда бутун халк^мизни барчамиз учун энг
энг азиз сана — Ватанимизнинг Мустакшт-
кун и, истиклолимизнинг 15 йиллик байра-
ми билан чин к,албимдан муборакбод этишдан
гиёрман.

Ьугун мамлакатимиз, халкимиз хаётида озод-
хуррият сах.ифасини очиб берган Муста-
и тик кунини катга хурсандчилик ва ишонч
ми иишонлар эканмиз, тарихан кдскд даврда
утган ун беш йиллик тарак.киёт йулимиз
нюмида руёбга чик.арган орзу-умидларимиз,
м -а оширган ишларимизни бах.олаб олиши-
ми из ким эдигу ким булдик, к.андай эзгу
ишларга эришмокчимиз, деган саволларни
........ миз табиийдир.

Мустакиллигимиз йул очиб берган маънавий юксалиши:

—хеч шубхасиз, узлигимизни англаш ва топталган кадр-кимматимизни, кддрият ва урф-одатларимизни, мукаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, авлиё ва мутафаккирларимизнинг муътабар номларини жой-жойига куйиш;

—миллий онг, миллий гурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни шу аснода тарбиялаш имконини бермокда, бугунги жамиятимизнинг рухий ва мафкуравий оламини узгартирмокда ва асл узбек миллатига мансуб киёфа, дунёкараш ва фазилатларга узгалар эътиборини тортмокда, кучимизга куч, гайратимизга гайрат кушмокда.

Иктисодий хаётимизда:

—собик. марказдан туриб режалаштирилган эскича таксимлаш тизимидан, бирёклама ривожланган иктисодиётдан воз кечиш;

—бутунлай янгича, эркин бозор иктисодиётига утиш, таркибий узгаришлар, модернизация, хусусийлаштириш ва либераллаштириш мак.садлари сари, хусусий мулкнинг мавкеини ошириш-га каратилган к.атъий ислох.отларни олиб бориш;

—энергетика ва ёкилги масаласида, ах.олимизни галла, гушт ва сут мах.сулотлари билан таъминлаш сохасида мустакилликка эришиш;

—кичик бизнес ва фермерлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик х.аракатларини устувор даражага кутариш, давлат ва жамият томонидан



уларни химоя килиб, барча хукук. ва эркинликларни яратиш, хар томонлама ривожлантириш учун кенг йуллар очиб бериш нак.адар тугри •жанини бугун х.аётнинг узи хар кадамда исботлаб турибди.

Бундай чукур уйланган ва узок.ни кузлаган, кенг куламда х.аётга татбик. этилаётган ислох.от ва янгиланиш жараёнлари охирги беш-олти йил давомида иктисодиётимизнинг ишончли ва бark,арор суръатлар билан ривожланишига, х.аётимиз даражасини оширишга мустахкам замин баргю этмокда.

Юртдошларимизда эгалик х.иссиётини, бу ер, бу юрт, шу уй, шу Ватан меники, деган муносабатларни уйготиш, шу замин обод ва унумли булиши учун к.анча мех.натим сингса, менинг узим оилам, фарзандларим, насл-насабим шунча манфаат куради, деган туйгу билан яшаш одамларимизнинг хаётга ва мех.натга к.арашини тубдан узгартирмокда ва диёримизнинг гуллаб-яшнашига хисса кушмокда.

Бугунги кунда давлат манфаати эмас, аввало, и неон, унинг х.аёти, хукук. ва эркинлигини энг юксак кадрият ва бойлик деб англаш, шу бойликни асраш, хдмоялаш ва жамиятимиз х.аётида энг устувор уринга кутаришдек эзгу вазифаларни амалга ошириш Конституциямиз, давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини,

суд-хукук. тизимидаги ислохртларни айнан шу максадларга буйсундиришга каратилган харакатларимиз уз амалий натижаларини тобора купрок. намоён этмокда ва халкаро майдонда тан олинмокда.

Айникса, мамлакатимизнинг якин ва узок, келажагини уйлаб, инсонпарварлик ва олижаноб максадларимизни кузлаб, халкимиз хаётида мехр-окибат ва мурувват, сахийлик ва мех.-рибонлик, миллатлар ва динлараро хурмат муХ.ИТИНИ мустахкамлаш, махдлла, кишлок. ва шахарларимизда амалга оширилаетган эзгу тадбир ва дастурларимиз ахрлимиз, кекса ва ёшларимизнинг онгу тафаккурига, иймон-эътикрдига курсатаётган, хеч нарса билан солиштириб булмайдиган ижобий таъсирини х.ар к.адамда куриб-сезиб турибмиз ва буларнинг барчасини юксак кадрлаймиз.

Юртимизда яшаётган хар к.айси сила ва фукаро, к.олаверса, мамлакатимиз ва жамиятимиз истикболининг янада юксалишини узи учун мак.-сад кдлиб олган ва шу интилишни хаётга изчил татбик. этаётган умуммиллий дастурларимиз, шулар каторида Кадрлар тайёрлаш, Согликни саклаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастурлари — узок, кишлок. ёки марказда буладими — бугуннинг узидаёк, мох.ияти ва амалий самарасини курсатмокда.



Ва уларнинг келажагимиз учун накадар катта ахамиятга эга эканини, уйлайманки, х.еч ким инкор этолмайди.

Лунда к.илиб айтадиган булсак, утган давр мобайнида — буни барчангизнинг олдингизда, сизлар оркали бутун халкимиз олдида х.исобот тарикасида айтмокчиман — мамлакатимиз асрларга тенг келадиган улуг ишларни амалга ширди на бундан 15 йил олдин танлаган, узбек модели деб ном олган йулимиз тугри эканини хаётнинг узи тасдиклаб бермокда.

Бугун бир х.ак.ик,атни х.еч иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор — кандай муаммо ва синовларни, кийинчилик ва тусикларни енгишга тугри келган булмасин, кандай туфонли ва суронли кунларни бопшмиздан угказган булмайлик, халк.имизнинг хох.иш-иродаси билан танлаган ва дадил к.адамлар билан бораётган йулимиздан к.айтмадик ва \еч к.ачон к.айтмаймиз.

Азиз ватандошлар!

Бизнинг кузлаган мак.сад-манзилимиз очик. ва равшан — демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш; халк.имизнинг хдётини х.еч кимдан кам булмайдиган даражага кутариш; жах.он х.амжамияти, як.ин ва узок, кушниларимиз билан хамкорликда тинч ва тотув х.аёт кечириш.

Халкимизнинг асрлар давомида орзикиб кутган ва интилиб яшаган мана шундай эзгу мак.садларидан, узини хар томонлама оклаган истиклол йулидан бизни оздириб, ортга кайтармокчи, тахлика ва тахдид етказмокчи булган куч ва харакатларга — булар Ватанимизни кура олмайдиган ганимларимиз, купорувчи ва тажовузкор кучлар буладими, бизга тазйик., зуравонлик курсатиб, ички ишларимизга аралашишга, кандай яшашни ургатишга каратилган уринишлар буладими, экстремизм ва халкаро терроризм каби бало-казоларни остонамизга олиб келишга уринаётган кимсалар буладими — кандай шакл ва никрбни юзига тортмасин, уларнинг барчасига жавобимиз битта: бундай номаъкул интилишлар, купорувчилик ва ёвуз харакатлардан кайтинглар — узбек халки х.еч к.ачон, х.еч кимга буйсунмаган ва х.еч к.ачон х.еч кимга карам булмайди.

Бунинг исботи — биз кечирган минг йиллик бой тарих ва буюк маданият, бутун жах.он, бутун башарият тан олган улуг олим ва мутафаккирлар, дунёга машхур, х.еч кимга таслим булмаган улуг сох.иб!чИрон ва саркардалар. Бунинг замини — купни курган, танти, багрикенг, ута чидамли, лекин вак.ти келса, хар кандай боск.инчи ва истилочининг хам адабини берган, бугун х.ам хушёр ва сезгир булиб, тинч хает кечираётган бунёдкор халк,имиздир.

Бунинг мезони — тйнчлигимиз ва хавфсизлик \имоясида, чегараларимизни дахлсиз сакдаш йулида мардона турган, бугун жасорат ва фидойилик мактабини утаётган, замон талабига жаиоб берадиган ва хар кандай зуравон боск.инчиларга зарба беришга крдир булган Куролли Кучларимиздир.

Бунинг тасдиги — билаги, бели бакувват, ота-боболаримиз шону шарафининг давомчиси, мамаман деганлар билан хам беллашувга тайёр, халкимизнинг таянчи ва суянчи булмиш униб-усиб келаётган фарзандларимиздир.

Азиз дустларим, к.адрдонларим!

Бугун, мана шу шукухди айёмда юртимиз озодлиги ва истиклолини юз йиллар давомида орзу к.илиб утган, шу йулда куп-куп курбонлар берган ота-боболаримизнинг рухлари шод булмок.да, десам, уйлайманки, сизлар х.ам шу фикрга кушиласиз.

Бугун х.аммангизни Мустак.иллик байрами билан яна бир бор кутлар эканман, авваламбор, барча ютукларимизнинг ижодкори ва бунёдкори булган азму шнисоати улуг, фидойи ва олижаноб халкимизга бош эгиб таъзим киламан.

Табаррук отахон ва онахонларимизга, хонадонларимиз курки булган мехрибон ва мунис аёлларимизга, навкирон ёшларимизга узимнинг самимий тилакларимни ИЗХ.ОР этаман.

Барчангизга сщат-саломатлик, омад ва бахт, фаровонлик, хонадонингизга файзу барака тилайман.

Аллох. назари тушган юртимизни ёмон кузлардан Узи асрасин!

Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, мустакиллигимиз абадий булсин! .

*2006 йил 31 август*

## ТИНЧ-ОСОЙИШТА ХДЁТНИ КАДРЛАШ ВА МУСТАХКАМЛАШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ХДР ТОМОНЛАМА РАВНАК, ТОПТИРИШ - БАРЧАМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Ассалому алайкум, кадрли дустлар!

Хурматли депутатлар!

Бугунги сессия кун тартибига куйилган асосий масалага утищдан олдин кейинги пайтда Андижон вилоятида вужудга келган ах.вол, мавжуд муаммо ва камчиликлар, уларнинг сабаб ва илдизлари хакида сизлар билан фикр алмашиб олсак, юзага келган вазиятни согломлаштириш, ишимизнинг самарасини ошириш буйича тегишли кдрорларга келсак, мак.садга мувофик. буларди, деб уйлайман.

Булар тугрисида гапирар эканмиз, хаммамизнинг, айник.са, вилоят ахлининг ^аётида битмас яра булиб к.олган утган йилнинг май ойидаги Андижон вокеалари ^ак.ида тухталмасдан утолмаймиз.

Содир булган террорчилик харакатлари ишгирокчилари устидан олиб борилган тергов ишлари ва суд жараёнлари давомида куп нарсалар аникдангани, жиноятчилар к.илмишига яраша

крнуний жазо олгани хдкида барчангиз хабардорсиз.

Халкаро экстремистик гурухлар томонидан пухта уилаб ташкил этилган бу ёвуз харакатлар, авваламбор, тинч-осуда хаётимиз ва орамизни бузишга, Узбекистонни узининг мустакил йулидан кайтаришга, юртимизда конституцион тузумни агдариш, кандайдир «халифалик давлати»ни урнатишдек хомхаелларни амалга оширишга кяратилгани бугун барчамизга аён.

Бугунги кунда хам минтакамизда, ён-атрофимизда сакланиб крлаётган мураккаб вазият, турли тахдид ва хавф-хатарлар Андижон вокеаларини хдр томонлама тахлил килиш, улардан зарур сабок. ва хулосалар чикаришга, заминимизда яшайдиган барча инсонларни доимий огохликка даъват этаётганини унутмаслигимиз лозим.

Албатта, бу мудхиш вокеалар ва уларнинг окибатида купгина одамлар халок булишининг тегишли сабаблари ва чукур илдизлари борлигини х.аммамиз яхши тушунамиз.

Бу фожиани келтириб чикарган сабаблар, жумладан, купорувчилик х.аракатларининг четдан туриб ташкил этилгани, бунга узок, тайёргарлик курилгани, катта маблаг ажратилгани х.ак.ида гапириш ва куп-куп далилларни келтириш мумкин. Булиб утган суд жараёнларида бу х.акикат тулик. уз исботини топди ва халкимиз,



жамоатчилигимиз бу масалани атрофлича англаб олди.

Лекин к.албларимизни ларзага солган бу фожиани яна ва яна бир бор куз унгимиздан, юрагимиздан утказиб, к.айгурар эканмиз, огир бир савол беихтиёр барчамизни кийнайди: к.андай булдики, х.аммамиз, биринчи галда, вилоят рах.барлари, мана шу юрт хаётига, унинг эртанги кунига масъул булган шахслар, депутатлар ва фаоллар остонамизга кириб келган бундай балок^азодан гофил к.олдик?

Бу вокеаларга сабаб булган х.олатлар х.акида, масъулият х.ак.ида гапирганда, албатта, турли хулосаларга келишимиз мумкин. Авваламбор, шу масалага мутасадди, масъул ва жавобгар булган тегишли вазирлик ва идоралар — хавфсизлик хизмати, хукук.-тартибот ва милиция органлари уз сезгирлиги ва хушёрлигини йу^отгани, уз вак.тида бундай ёвуз хуружларга тайёргарлик х.аракатларининг олдини олиш ва бартараф этишда уз куч ва имкониятларини курсата олмаганини афсус билан к.айд этиш зарур.

Лекин, шу билан бирга, аввало шу заминда яшаетган халкнинг дарду ташвишларидан доимо хабардор булиб, кундалик х.аётда учрайдиган норозилик ва эътирозлардан хулоса чик.ариб, бир суз билан айтганда, одамларнинг кайфияти ва интилишларини инобатга олган хрдда сиёсат олиб

бориш, ахрли томонидан кутарилаётган муаммоларни ечиш, агарки уларни хал килиш кулидан келмаса, бу масалаларни марказий хукумат олдига куйиш ва охирига етказиш — бу кимнинг вазифаси?

Бу биринчи навбатда шу юртнинг такдири ишониб тошпирилган вилоят рахбарлари, авваламбор, вилоят хркимининг вазифаси эмасми? Минг афсуски, вилоятда 2004 йилгача ишла-ган собик. хрким ва бугун шу лавозимда утирган С. Бегалиев уз зиммасига юкланган ана шундай ута масъулиятли вазифаларни уддалай олмади.

Бугун шу нарса тобора аён булмокдаки, утган давр мобайнида вилоят хаётининг турли сохаларида, айникса, ижтимоий сохаларда жиддий ва купол хатоларга йул куиилган.

Вилоятда ким кандай яшаяпти, хар кайси оилада канча одам ишлайди, канчаси иш тополмаяпти, улар рузгорини кандай тебратяпти — хаётнинг узи талаб киладиган бундай уткир саволларни кун тартибига куйиш ва уларга жавоб топиш устида, афсуски, мутасадди рахбарлар йиллар давомида бош к.отирмасдан келган.

Иккинчи масала — эски совет давридаги тушунча ва к.арашлар асосида хужакурсинга иш К.ИЛИШ, кузбуямачиликнинг авж олиши окибатида вилоят рахбарлари халк. х.аётидан, реал воеликдан узилиб к.олди.



Бу хакда гапирганда, вилоятда купрок. рак.ам ва курсаткичларни биринчи уринга куйиш, уларни асосий дастак килиб курсатиш, лекин бир карашда юксак натижалар булиб куринадиган бундай \олатлар ортида хужаликларнинг молиявий ахволи ёмонлашиб, уларнинг карзга ботиб кетгани, энг асосийси, захматкаш дех.к.он уз пешона тери, огир ва машакдатли мех.нати эвазига канча даромад оляпти, деган ута мухим саволлар четда крлиб кетганини к.андай бах.олаш мумкин?

Агарки, хрким фак,ат узининг ва уруг-аймок.ларининг манфаатларини кузлаш, дангиллама уй *курит,* бойлик орттириш билан банд булиб, одамлар куриб турган кингир-клйшик. ишларни худдики сезмасдан юрадиган булса, туман ва к^ишлокларда купчиликни кийнайдиган муаммолар сурункасига ечилмасдан крлаверса, бунинг окибатида жойларда норозилик пайдо булишини гуёки билмагандек юраверса, бундай номаъкул холатлар бизнинг олиб бораётган сиёсатимизга карши чик.адиган ганимларимиз кулига бамисоли курол бериб куйгандек булмайдими? Бунинг натижасида х.окимиятнинг обрусига путур етмайдими?

Шу нук.таи назардан к.араганда, мамлакат мик.ёсида кишлок. хужалигини ислох. к.илиш буйича кенг куламли узгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда Андижонда уз умрини утаб булган

колхоз ва совхозларга хос эски бошкарув тизимини саклаб крлишга уриниш, фермерлик харакатига йул бермаслик хрлатлари давом этганини хеч нарса билан изохлаб хам, оклаб хам булмайди.

Андижондек ахрли ута зич яшайдиган катта бир вилоят хаётини, унинг харажат ва даромадини х.исоб-китоб килиш, эртанги режаларни тузиш, якин ва узок, келажакда бу юртнинг истик.боли кандай булади, деб бош кртириш, купчиликни ана шундаи максадлар сари сафарбар килиш ишлари, минг афсуски, уз хрлига ташлаб куйидди.

Шу борада куп марта айтилган бир гапни яна такрорлашга тугри келади. Ахир, узингиз уйланг, бутун мамлакатимизда булгани каби, Андижонда хам ер купаймаса, сув купаймаса, ах.оли тез суръатлар билан усиб бораётган булса, ниманинг хисобидан тирикчилик киламиз, ниманинг ХТICOбидан одамларни бокамиз?

Бугун х.аётнинг узи кескин килиб уртага куяётган мана шундаи уткир саволларга жавоб излаш, уз ерида мех.нат килиш, узи ва оиласи учун даромад топиш максадида бутун имкониятларини, акл-заковати ва куч-кувватини сарфлашга тайёр булган одамларга йул очиб бериш урнига эски тизим, эски ишлаб чикариш усулларидан х.алибери халос булолмаган, бизларга булаверади,



деб, янгиликка, ислох.отларга к,арши турган рах.барлар аслида умумий давлат сиёсатига карши чик.аётганини узи англайдими, йук.ми?

Вилоятда илдиз отган яна бир нохуш хрлат борки, к.анчалик аччик. булмасин, бу х.акда гапиришга мажбурмиз. Бу ерда билимли ва истеъдодли ёшларга, ташаббускор ва изланувчан, уз мустакил фикрига эга булган кадрларнинг усибдлгайишига йул бермаслик билан боглик. купд^ущ мисолларни келтириш мумкин.

Мана шундаи хрлатлар охир-ок.ибатда вило-ятда маънавий мухитнинг бузилишига, носог-лом к.арашларнинг пайдо булишига олиб кел-дй. Вилоят, шахар ва туманларнинг рах.барла-рй, мутасадди шахсларнинг ах.оли орасида бузгунчи гояларни тарк,атиш билан шугуллан-щн «Акромийлар», «Хизбут-тахрир» каби за-.\
________р|.рли ок.имлар вакилларини куриб-курмасликка олгани, бу масаладан узини кандайдир четга тортиб, уни фак.ат хукук.-тартибот идораларининг иши деб караб келгани х.ам буни тасдик.лайди.

Надоматлар булсинки, «Сен — менга тегма, мен — сенга тегмайман» деган ана шундаи кайфият билан томошабин булиб яшаш кандай фожиали окибатларга олиб келишини Андижон вокеалари мисолида х.аммамиз курдик ва бунинг жабрини тортдик.;;:

Кддрли юртдошлар!

Андижон вилоятида содир булган ана шу фожиали вок.еалар окибатини бартараф этиш, парокандаликка йул куймаслик, вилоятда тинчлик ва баркарорликни саклаш ва мустахкамлаш, олиб борилаётган ислохотларни давом эттириш максадида давлатимиз, хукуматимиз томонидан уз вактида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чикилиб, изчиллик билан амалга оширилмокда.

Бу борада айникса «Андижон вилоятини 2005—2006 йилларда комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш худудий дастури»нинг хдётга татбик. этилиши мухим ахамият касб этмокда.

Бу х.акда куп гапирмасдан, авваламбор, одамларнинг кундалик хаёти ва кайфиятига бевосита таъсир утказадиган сода ва тармокдар ривожи билан боглик. баъзи бир ракамларни олиб келсак, уринли булади, деб уилайман.

Андижон вилояти буйича электр тармокдарини ривожлантириш, таъмирлаш ва кдйта куриш борасида 2005 йилда ва жорий йилнинг 9 ойи давомида кушимча равишда 470 миллион сумлик курилиш ишлари амалга оширилди.

Газ таъминотини яхшилаш буйича 4,7 миллиард сум, ичимлик суви таъминотини яхшилаш буйича жами 900 миллион сум, йул курилиши ва куприкларни капитал таъмирлаш учун 695



миллион сум, чегара худудларидаги уй-жойларии таъмирлаш, тартибга солиш буйича 934 миллион сум хажмида иш бажарилгани ах,олининг огирини енгил к.илиш, йиллар мобайнида ечилмасдан келган муаммоларни х.ал этиш масаласига катта хисса кушди.

Энг мух.ими, бу ишларнинг асосий кисми биринчи навбатда ушбу сохалар учун масъул булган вазирликлар, хужалик бирлашмалари ва компаниялар томонидан бажарилганини кайд )тиш лозим.

Хозирги вактда Андижон заминида истик.омат килаётган к.арийб 2 миллион 400 минг ахрлип инг 55 фоизи, яъни ярмидан купи мехнатга лаёк.атли булиб, бу уз навбатида одамларни иш билан таъминлаш масаласига алох.ида эътибор кдратишни так.озо этмокда.

Утган йили Андижон вилоятининг чегара худудида жойлашган туманларидаги кам таъминланган оилаларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун аник, максадли микрокредитлаш дастури к.абул килиниб, амалга оширилi анидан х.ам, уйлайманки, купчилигингиз хабардорсиз.

Ана шу дастур доирасида 2006 йилнинг бошида 4 мингдан зиёд оилага жами 2,5 миллиард сумлик микрокредит берилди, 9 минг 300 та, жумладан, аёллар учун 4 минг 700 та янги иш

урни ташкил этилди. Бу эса, уз навбатида, ахрли учун 1 миллиард 105 миллион сум даромад олиш имконини берди.

Бу борада яна бир мухим хукумат дастурини, яъни «Шахсий ёрдамчи, дехдон ва фермер хужаликларида чорва молларини купайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги карор буйича амалга оширилаётган ишларни алохида таъкидлаш зарур.

Шуни айтиш керакки, бу карор, биринчидан, кам таъминланган оилаларни моддий куллаб-кувватлаш борасида янги имкониятлар тугдирмокда.

Иккинчидан, хонадонлардаги ортикча ишчи кучини мехнат билан банд килиш ва улар учун барча ишчи-хизматчилар катори мехнат дафтарчаси очиш, пенсия дафтарчасига эга булиш, пенсия бадалларини жамгариб бориш каби крнуний хукуклардан фойдаланишга кенг йул очиб бермокда.

Бугунги кунда турт мучаси COF, куч-гайрати бор, энг мухими, мехнат килишга иштиёк.и ва интилиши булган одамларни иш билан таъминлаш масаласи хукуматнинг, барча бушндаги давлат идораларининг асосий вазифаси булиши керак. Биз амалга ошираётган дастурлар ва чора-тадбирлар аввало инсон манфаатларини таъминлашга к^аратилиши зарур.



Ушбу кдрорга мувофи^, 4 минг 900 га якдн оилага к,орамол сотиб олиш учун кдрийб 3 миллиард сум микдорида кредит ажратилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 9 ойи давомида х.омийлар хисобидан 3 минг 390 та кам таъминланган оилага бепул сигир таркатилди.

Вилоятда ах.оли даромадларининг утган йилга иисбатан 30 фоизга, жон бошига олинган даромадлар микдори эса 28 фоизга усганини одамлар \аётида булаётган ана шундай ижобий узгаришлар натюкаси сифатида кабул килишимиз керак.

Утган йили банклар томонидан вилоятдаги 40 та саноат корхонасига 3 миллиард 800 миллион сум ва 8,5 миллион АКД1 доллари микдорида кредит берилгани, шу йилнинг 9 ойи мобайнида эса вилоятда жойлашган енгил саноат корхonaларига 6,6 миллион АКД1 доллари микдорида кредитлар жалб килингани янги ишлаб чик,ариш кувватларини ишга солишга хизмат килди.

Шулар к.аторида «Навоий» ва «Антекс» акциядорлик жамиятлари, «Инвесттекс», «Олтинкул» ва «Булок.боши хаулуд» кушма корхоналарининг чет эл инвестициялари хисобидан ишга туширилиши вилоят ик.тисодиётини ривожлантиришга мухим хисса булиб кушилиши шубхасиз.

Буларнинг барчаси Андижондаги ишлаб чик,ариш корхоналарини куллаб-кувватлаш, шу тарик.а одамларни иш ва доимий даромад манбаи

билан таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида булиб келаётганини курсатади.

Яна бир мухим масала — ижтимоий туловлар масаласини оладиган булсак, шу йилнинг олти ойида пенсионер ва ижтимоий нафака олувчилар учун 62,6 миллиард сум маблаг сарфланганини, вояга етмаган фарзандлари бор оилаларга 8,5 миллиард сум, 2 ёшгача булган фарзанд тарбияси билан машгул оналарга эса 6,7 миллиард сум нафака туланганини таъкиддаш лозим.

АХ.ОЛИ СОГЛИРИНИ мухрфаза к.илиш буйича кабул килинган умумдавлат дастурларига мувофик. вилоятда 2005 йидда 9 та даволаниш муассасаси ва 17 та кишлок. врачлик пункти барпо этилгани тиббий хизмат курсатиш куламини кенгайтириш ва сифатини ошириш имконини бермокда.

Жорий йилнинг утган даври мобайнида вилоятда 15 та тиббиёт муассасасида капитал таъмирлаш ва реконструкция кдпиш ишлари якунига етказилди, уларнинг 30 тасида эса бундай ишлар давом эттирилмокда.

Айник.са, Андижон Давлат тиббиёт институти шифохоналари Япония хукуматининг гранти асосида берилган 87 минг АК.Ш доллари микдоридаги замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан таъминлангани алохида эътиборга молик.



Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида вилоятда биргина жорий йилнинг узида 64 та мактаб капитал, 13 та мактаб эса жорий таъмирлангани, 8 та касб-хунар коллежининг фойдаланишга топширилгани ёшларимизнинг замонавий билим ва хунар эгаллаш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат к;илади.

Албатта, бундай узгариш ва янгиланишлар ^ак.ида куп гапириш мумкин, лекин шу уринда габиий бир савол тутилади: мавжуд социал-ижтимоий ах.волни яхшилаш ва тупланиб к.олган муаммоларни ечиш учун вилоят рахбарияти томонидан нега уз вак.тида зарур чоралар курилмади? Нега шу ах.волга караб, кул к.овуштириб утириш керак? Кдни, айтинглар, мана шундай му\им масалаларни х.ал килиш учун кимдир тепадан туриб албатта туртки бериши, х.айфсанлар билдириши ва рахбарларнинг кулогидан тортиб тури ши керакми? Вилоятда бундай иш услубининг габиий хрлга айланиб крлганига чидаш мумкинми узи?

Барчангизга яхши маълумки, вилоятнинг собик. хркими К^.Обидов вазифасидан озод к.илинганидан кейин Андижон вилоятида униб-усган, купгина масъулиятли лавозимларда тажриба орттирган, жумладан, Тошкент вилоятида, К^ишлок. на сув хужалиги вазирлигида рах.барлик вазифа-

ларида ишлаган Сайдулло Бегалиевга биз мавжуд муаммоларни хал килишга билим ва тажрибаси етади, деб катта ишонч ва умид билдирган эдик.

Бу одам катта-кичик рах.барлар ва жамоатчиликни уз атрофида бирлаштиради, катъият ва талабчанлик, керак булса, каттиккуллик курсатади, бир суз билан айтганда, вилоятдаги вазиятни тубдан узгартиради, турли-туман кингир ва нопок ишларга бархам беради, деб ишонч билдиришга асосимиз бор эди. Шуни хам айтиш кераккки, янги рах.барга бу йулда feракли ёрдам, кумак ва маслахат беришдан хеч ким четда тургани йуХ-

Лекин бугун бир хдк.ик.атни очик. айтишга мажбурмиз: С. Бегалиев бу лавозимга келиши билан вилоятдаги долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни ечиш буйича бирон-бир амалий дастур ёки ташаббус билан чикдани йук..

Аксинча, у мавжуд ахволни унглаш, вилоятда изланиш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик мухитини жонлантириш, бу сохд вакилларини х.ар к^андай зуравонлардан х.имоялаш, одамларга ижобий таъсир утказиш масаласида заиф эканини курсатди.

Вилоятнинг собик, рах.барияти даврида шаклланган ярок;сиз иш услубини узгартириш, маънавий мух.итни яхшилашга унинг курби-кудра-



ти, энг мухими, талабчанлик ва катъияти етмаганини бугун купгина мисолларда куриш мумкин.

Шуни к.айд этиш лозимки, С. Бегалиев вилоятга рах.барлик кдлган даврда илгариги хужакурсинлик, дабдабали рапортлар бериш, булаётган ишларни буяб курсатиш, маь^танчоклик х.олатларига чек куйиш урнига, узини яхши курсатиш учун сохта маълумотлар ва купиртирилган ахборотлар беришдек номак.бул иш услуби давом эттирилди.

Бу одам лавозимга келганидан кейин орадан куп утмай, ён-атрофига узига содик. ва тили бир булган, давлат хамёнини худдики узининг х.амёни деб биладиган нопок шахсларни туплаб, маХ.аллийчилик ва к,абилачиликка берилиб кетгани бугун ошкор булмокда.

Прокуратура идоралари томонидан утказилган текшириш ва тергов ишлари натижасида Андижон шахрининг собик. х.окими А. Собиров, унинг курилиш буйича муовини А. Хамзаев, вилоят х.окимининг курилиш буйича уринбосари Э.Вохидов — бу руйхатни яна давом эттириш мумкин — давлат хисобидан, авваламбор, уй-жой, лицей ва коллежлар куриш, ижтимоий соха учун ажратилган маблагларни утирлаш ва талон-торож к.илиш билан шугулланганианик.ланди. Ва бу шахслар килмишига яраша жиноий

жавобгарликка тортилиб, тегишли жазосини олди.

Бундай конунга хилоф бошк.а хатти-харакат-лар буиича прокуратура идоралари томонидан суриштирув ва тергов ишлари давом эггирилмокда. Ана шундай номаъкул ишлар кдторида хали аниклик киритиш зарур булган, хеч кандай акл-га сигмайдиган кирдикорлар, яъни Андижон шахри ва Олтинкул туманида вилоят рахбари учун давлат хдсобидан дангиллама шахсий уйлар куриш ва бошка турли бемаза ишларга хам крну-ний бахр берилиши кутилмокда.

Авдижон вокеалари тахдили хам шуни курсат-мокдаки, бу жиноий хатти-харакатларда катнаш-ганларнинг аксарияти гур, хает тажрибаси етарли булмаган адашган ёшлардир. Вилоятда уларнинг муаммолари билан кдзикиш, очи^ муло^от кдлиб юрагига етиб бориш, к;андай кун кечираётгани, эртанги келажаги туррисида кайгуриш буйича етар-лича иш олиб борилмаган. Аксинча, мана шу му-хим масалаларга масъул рах.барлар эса факат уз манфаатини уйлаб, етти пуштига етадиган бой-лик ва мол-дунё туплашга берилиб кетган. Бундай рахбарлар етказган моддий зарар хдкида рак.ам-ларни келтириш мумкин, лекин уларнинг халки-мизга етказган маънавий зарарини нима билан улчаб булади?! Бундай кимсалар бир нарсада кат-тщ янглишади, яъни узларининг кирдикорлари-



ни оддий одамлар, эл-юрт билмайди, деб уилай-ди. Вах.оланки, одамлар хаммасини билади, аммо узбекчилик, андиша, юз-хотир деган гаплар бор. Ана шундай тушунчаларни суиистеъмол килиш одамларга нисбатан хиёнат эмасми?!

Вилоятдаги бюджет ташкилотлари ва муасса-саларида утказилган тафтиш ва текширишлар патижасида 1,2 миллиард сумлик бюджет мабла-і иннинг к.онунга хилоф равишда сарфлангани аниклангани х.ам мана шундай масъулиятсизлик ок^ибатидир.

Вилоят иктисодиётидаги етакчи тармот^ булмиш кишлок. хужалигини оладиган булсак, бу бора-даги ишларнинг ах.воли х.ам талабга жавоб бер-майди.

Маълумки, жорий йилда хукумат томонидан и илоят хужаликлари учун етарли микдордаги си-<|>атли уруглик, ёк.илги-мойлаш материаллари, минерал угит, техника воситалари ва бошка ре-сурслар шартнома асосида уз вак.тида етказиб берилди.

Энг мухдми, Яратганимизга минг бора шук-рона айтишимиз керак — бу йил хам биздан уз мархдматини дариг тутмади. Мана, х.атто табиий шароити энг мураккаб булган 1чорак.алпогистон Республикаси, Бухоро вилояти каби минтак.ала-римизда хам кишлок. хужалиги сох.асида ижобий натижаларга эришилмокда.

Лекин, минг афсуски, ер ва сув шароити, коммуникациялар, табиий ва мехнат ресурслари нуктаи назаридан катта имконият ва устунликка эга булган Андижон вилоятида эса, хукумат томонидан барча зарур шароитлар яратиб берилаётганига карамасдан, бу борада ижобий узгаришлар сезилмаяпти.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва туманлари уз шартнома режаларини ошириб бажараётган бир пайтда Андижон вилоятида пахта йигим-терим суръати кундан-кунга пасайиб бораётгани, вилоятнинг уз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши хавф остида крлаётгани жиддий хавотирлик уйготмокда.

Афсуски, бундай ачинарли хрлат бу ерда кейинги икки йилдан буен сурункали туе олмокда. Утган йили вилоят буйича 225 та хужалик томонидан шартнома режасининг бажарилмаслиги окибатида давлатга 44 минг 827 тонна пахта хом ашёси етказиб берилмади, 11,5 миллиард сум хажмидаги даромад бой берилди. Бошкача айтганда, хужаликлар, умид билан мехнат килган одамлар шунча бойликдан махрум булди.

Бундай ок,соклик галлачилик сохасида хам якдол кузга ташланмокда. Буни утган йили 3 минг 530 та хужаликдан 184 таси томонидан шартнома режаси бажарилмагани, бунинг натижасида 7



минг тонна дон кам етказиб берилгани мисолида х,ам куриш мумкин.

Жорий йилда эса 5 минг 91 та хужаликдан 940 таси шартнома режасини бажармагани туфайли давлатга 13 минг 620 тонна дон кам етказиб берди.

Ишга эскича ёндашув, одамларда ерга ва мулкка эгалик х.иссиёти, уз мех.натидан манфаатдорлик туйгусини уйгота олмаслик натижасида вилоятда фермерларнинг ялпи хрсил микдоридаги улуши республика буйича энг паст даражани, яъни галлачилик буйича 56 фоиз, пахтачилик буйича эса 65 фоизни ташкил этмокда. Кдни, айтинглар-чи, Асака, Улугнор ва Пахтаобод туманлари мисолида фермерлар харакатини ривожлантириш к.андай сезиларли натижалар бериши вилоят рахбариятини х.еч нарсага ургатмадими?

Республика хукумати, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Андижон вилоятидаги ижгимоий масалаларни уз вактида х.ал килиш буйича курсатилаётган доимий эътибор ва ёрдамга карамасдан, бу сохада х.ам талай камчилик ва нук.сонлар мавжудлигидан куз гомиб булмайди.

Айник.са, уй-жой фондларининг иссиклик ва ичимлик суви билан етарлича таъминланмаётгаі ш, ах.олининг табиий газга булган эхтиёжи тулик. крндирилмаётгани, газ тармокларига нок.онуний

равишда уланиш долатларининг ортиб бораётгани адолида дакли эътироз уйготмокда.

Окибатда табиий газ ва электр энергияси учун туловларни ундиришда жиддий муаммолар пайдо булмокда. 2006 йил давомида шадар ва туман тармокларида истеъмол килинган 15,6 миллиард сумлик газ учун туловларнинг атиги 48 фоизи ундирилгани дам бу фикрни исботлайди.

Бундай салбий мисолларни яна куплаб келтиришимиз мумкин.

Албатта, давлатимиз, дукуматимиз бундан буен дам барча дудуд ва минтакаларимиз катори Андижон вилоятига дам зарур ёрдам ва кумак курсатишца давом этади. Лекин, шу билан бирга, вилоятнинг узида дам даракат, интилиш булиши керакми-йукми?

Ахир, Яратганимиз дам, сендан — даракат, мендан — баракат, деб уз бандаларини интилиш билан яшашга даъват этиши бежиз эмас-ку. Аввало, эл-юртга етакчи булган, шу масъулиятни зиммасига олган радбарлар ана шундай янгиликка интилиш, изланиш даракатларига бош булиши, ибрат курсатиши шарт.

Аммо афсус билан такрор айтишга тугри келадики, Андижон вилоятидаги адвол бундай хулосалар чи^аришга асос бермайди.

Бугунги замонавий талабларга жавоб бера олмаслигини, уз фаолиятида йул куйган хато ва



нук^сонларни тан олиб, бундай масъулиятли вазифани бажаришга узининг заиф эканини тушуниб С. Бегалиев эгаллаб турган вазифасидан озод килишни сураб, ариза билан мурожаат килди.

Сиз, дурматли депутатлардан ана шу масала буйича уз муносабатингизни билдиришингизни сурайман.

Энди сизлар билан вилоятнинг янги радбарини тайинлаш масаласига утишимиз лозим.

Очигини айтадиган булсак, бу масала бугунги кунда Андижон вилояти шароитида ута огир ва мураккаб, масъулиятли ва нозик муаммога айланганини алодида таъкидлаш зарур.

Андижон водаси дакида, унинг кудна тарихи, бу гузал юртда к,андай ажойиб инсонлар яшаётгани, улар узининг гурури ва ^адр-к,имматини нак,адар юксак тутиши дак^ида мен илгари дам куп гапирганман.

Барчамиз яхши тушунамизки, Парвардигоримизнинг узи дар к,айси инсон, дар кдйси элга узига хос акл-идрок, куч ва кудрат, хусусият ва аломатларни ато этади. Шу нуктаи назардан к.араганда, бошка вилоятларимизни камситмаган долда, Андижон халкд узининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан дамиша ажралиб туради, десак, деч кандай хато булмайди.

Бу кадимий заминда купни курган, узига, узининг кучи ва салодиятига ишонган, меднаткаш,

ор-номусли одамлар яшайди. Андижон эли узининг кандай букж зотларнинг авлоди эканини, кандай бебахр мерос сохиби эканини яхши англайди. Бу замин дунёга Бобур Мирзо, Чулпон каби улуг инсонларни бергани билан барчамиз хакли равишда фахрланамиз.

Бугун мен сиз, хурматли Андижон ахли вакиллари билан рупара булиб, хаёлан утган йили содир булган вокеаларга кайтиб бир фикрни очик. айтишим зарур: бошимизга огир мусибат ва офат тушган 13 май куни тонг сахарда мен Андижонга етиб келиб, ярим кечага кадар сизлар билан бирга булиб, бу мудхиш фожиаларни бартараф этиш буйича биргаликда харакат килдик.

Энг мухими, Андижон аэропортига кадам куйишим билан мен биринчи булиб ким билан учрашишни сурадим? Аввало, махалла оксокрллари, Андижон фахрийлари, эл-юрт кайвонилари билан. Улар билан учрашиб, мана шундай огир ва хал щлувчи дамда х.ар томонлама маслахатлашиб, фикрлашиб олганимиз нак,адар тугри булганини бугун орадан шунча вак^ утиб, куп нарса очилганидан кейин яна бир карра чукур хис этмокдаман. Мен ушанда ок.сок;олларга мурожаат к.илиб, боринглар, уйларга, махаллаларга киринглар, масжидларга боринглар, Андижоннинг обрули одамлари, имом-хатиблари билан учрашинглар, уларга бу вок.еаларнинг сабабларини, террорчиларнинг гаразли мак.садларини, агарки бу офатнинг олдини олмасак, кянча-канча бегунох. одамлар х.алок булиши, нафак.ат Андижон шах.ри, бутун водий портлаб кетиши мук.аррарлигини тушунтириб беринглар, деб илтимос к.илганим х.озиргидек эсимда.



Сизларнинг эрталабдан шу ишга киришиб, халк. ичига кириб, одамларнинг юрагига етиб борганингиз, Андижон эли узининг акл-заковатини ва иймон-эътик.одини ишга солиб оёкда тургани натижасида жангари тудалар, аклини йуХотган кимсалар уз ёвуз мак^садига эриша олмади — Андижон халки уларга эргашмади.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, эл бошига иш тушган ана шундай огир синов дамларида вилоят ахлининг уз мардлиги, иродаси ва к.атъиятини курсатиб, уз юртига содик. булиб к.аттик. тургани учун бутун Андижон ахлига таъзим киламан.

Хурматли дустлар!

Бугунги сессия кун тартибига куйилган масала тугрисида, яъни Андижон вилоятининг янги рах.барини тайинлаш х,акида суз юритар эканмиз, к.андай огир булмасин, мана шу охирги йилларда вилоят собик. хркимларининг килмишлари,; нопок ишларини эслаб, куз унгимиздан утказиб, зарур сабок. ва хулоса чик.аришни хаётнинг узи биздан талаб килади.

Нега деганда, бу мураккаб масалани ечмокчи эканмиз, унга ута жиддий караб, имкон борича бошка адашишга йул куимаслигимиз, етти улчаб, бир кесишимизни бугунги тахликали даврнинг узи такрзо этмокда.

Бу масалада — очик. айтишим керак — С. Бегалиевнинг катъиятсиз ва заифлиги купдан бери маълум булган булса-да, Андижон вилоятини бопщаришга курби етадиган, юзимизни ерга каратмайдиган муносиб рахбар топиш учун канча-канча номзодларни урганишга тугри келди.

Андижон вилоятидаги бугунги вазиятни холисона бахрлаган хрлда, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни рози килиш, тинч ва осойишта хаётни асраб-авайлаш, мустахкамлаш учун вилоят олдида турган огир ва масъулиятли вазифаларни уз зиммасига олишга крдир булган рах.барни танлаш кераклигини ^аммамиз яхши хис ьршамиз, албатта.

Ю^орида билдирилган барча фикрларни инобатга олиб, сиз, хурматли халк; ноиблари олдида бу лавозимга бугунги кунда Наманган вилояти ички ишлар бошк;армаси бошлиги вазифасида ишлаб келаётган АХ.МЗД Усмонов номзодини тавсия этишга к;арор килдик.

Агарки, бу номзоднинг таржимаи холи хакдда ача тухталадиган булсак, у 1957 йили Самарвилоятининг Б^ушработ туманида тугилган. 

1981 йили Самарканд Давлат университетининг \укукхиунослик факультетини тамомлаган.

Уз фаолиятини оддий хукук(шунос-маслах.атчи вазифасидан бошлаб, хукук^тартибот идорал арида ишлаган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида масъул лавозимларда фаолият курсатган, 2003-2004 йиллар мобайнида ички ишлар иазирининг уринбосари вазифасида хизмат к.илган.

Кейинги икки йилдан буен у Наманган вилоятида ички ишлар бошкармаси бошлиги вазифасида ишлаб келмокда.

А. Усмонов узининг ишга масъулият билан кдраши, к.атъияти, энг мухими, оддий одамларнинг тили ва дили, дарду ташвишларини тушуниши билан алох.ида ажралиб туришини айтиш лозим.

У турли вилоятларда ишлаган пайтида кишлок. хужалиги сохаси билан х.ам таниш булиб, дехдончиликнинг сирларини урганиб, мехнаткашлар хаётини якиндан билиш учун астойдил харакат килиб, анча тажриба орттиргани х.ам бизга маълум.

Энг асосийси, Андижонда купгина сох.аларда мавжуд булган крнун бузилиши х.олатларини бартараф этиш, фукароларнинг хукук. ва манфаатларини х.имоя к.илиш, х.али-бери ечилмасдан келаётган муаммоларни хал этиш учун бу инсон-

нинг билими ва тажрибаси, салохияти ва катъияти етарли, деган фикр билан А.Усмоновни ушбу масъул вазифа — Андижон вилояти хркими лавозимига тавсия этмокчиман.

Сиз, хурматли халк, ноибларининг бу номзод буиича уз муносабатингизни билдиришингизни сурайман.

Азиз дустлар!

Бугунги кунда бутун халкимиз каби Андижон ахлининг *хам опту* тафаккури, дунёкараши тубдан узгармокда. Улар энди ок. билан крранинг фаркини, баландпарвоз гаплар нимаю амалий иш нима эканини жуда яхши билади.

Энг мухими, бугун Андижон заминида *хам* катта орзу-умидлар билан янги авлод хаётга кириб келмокда. Уларнинг муносиб вакиллари, улар эришаётган дастлабки умидбахш ютукларни хаётимизнинг куплаб жабхаларида куриш мумкин ва бу барчамизга катта кувонч ва мамнуният багишлайди.

Узингиз айтинг, Андижонда барпо этилган унлаб академик лицей ва коллежларда замонавий илм-хунарларни, иккита-учталаб хорижий тилларни, компьютер технологияларини эгаллаётган, озодлик х.авосидан туииб нафас олаётган фарзандларимизни «халифалик» деган таги пуч, ёлгон гаплар билан алдаб, онгини узгартириб буладими?



Хаммангиз гуводсиз — истиклол шарофати билан мамлакатимизда инсон хукук. ва эркинликларини, жумладан, диний эътик.од эркинлигини таъминлаш борасида жуда катта амалий ишлар килинди ва к.илинмокда.

Бу хакда гапирганда, авваламбор, неча йиллар давомида такдалаб келинган дину диёнатимиз тикланганини таъкиддаш лозим. Буни, узоккд бормасдан, мана шу Андижон вилоятида х.озирги кунда 181 та масжид фаолият олиб бораётгани мисолида х.ам куриш мумкин. Холбуки, шуро даврида уларнинг сони бор-йуги 12 тани ташкил килар эди.

Уйлайманки, мана шу биргина рак.амнинг узи \ам куп нарсани англатади.

Минг шукурки, бугун халкимизнинг асрий орзу-армонлари ушалиб, уз такдиримизни уз кулимизга олиб, озод ва эркин х.аёт кечиряпмиз, миллий урф-одатларимиз, тилимиз, динимизга, эътик;од эркинлигига х.еч ким дахл килаётгани йук..

Мана шундай тинч, осуда ва мазмунли х.аётимизнинг кадрига етиш, мамлакатимизни х.ар томонлама равнак. топтириш учун, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун белимизни мах.кам боглаб мех.нат килиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Шу борада хрзирги кунда олдимизда турган катта максад ва вазифаларни амалга ошириш

факат ва факсах узимизга, уз акл-заковатимиз ва куч-гайратимизга боглик. эканини хеч качон унутмаслигимизни истардим.

Такрор айтмокчиман — хаммамиз учун буюк бойлик булган тинчлик ва осойишталикни асраш, доимо огох. булиб яшаш бугунги тахликали замонда кандай мутдим ахамият касб этаётганини сизларга тушунтириб утиришнинг хржати йук., деб уйлайман.

Бу йулда авваламбор эл-юртнинг такдири учун жавобгар булган катта-кичик рахбарлар, депутатлар ва фаоллар фидойилик ва курашчанлик намунасини курсатиши керак.

Ана шундай мураккаб ва кескин бир даврда уз-узимизга, биз киммиз, к.андай буюк зотларнинг авлодимиз, деган саволни бериб, ^аётий позициямизни аник, белгилаб олишимиз, уз юртимизни узимиз хдмоя кдлиб яшашимиз х;ам к.арз, дам фарз, деб уйлайман.

Хеч к.ачон унутмайликки, биз — темурийлар, бобурийлар авлодимиз. Бу авлод деч к.ачон деч кимга к.арам булмаган ва карам булмайди, кимнингдир ишораси, курсатмасига к.араб уз даётини курмайди.

Ишончим комилки, таривда куп-куп синов ва машакдатларни курган, мард ва танти Андижон ахли булиб утган вок.еалардан зарур сабок. ва хулосалар чик.арган долда, вилоятнинг янги радбари атрофида бирлашиб, уз олдида турган улкан иазифаларни адо этиш учун сидкидилдан метщат к,илади, мана шу дар кдричи мук.аддас булган заминнинг тинчлиги ва осойишталигини куз корачигидек асраб яшайди.



Шу йулда барчангизга сщат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Холк, депутатлари Андижон вилояти кенгашининг навбатдан ташщари сессиясидаги нутц,*
*2006 йил 13 октябрь*

: - , - . . . . . .

## ЭЛ-ЮРТ ТАШВИШИ БИЛАН ЯТТТАТТТ, ОДАМЛАРНИНГ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИГА КДНОТ БЕРИШ - ХДР ВИР РА^БАРНИНГ БУРЧИ

Ассалому алайкум, кадрли дустлар!

Хурматли депутатлар!

Аввало, бугун сиз азизлар билан дийдор куришиб турганимдан хурсанд эканимни билдириб, барчангизга, сизлар оркали бутун Фаргона ахлига узимнинг самимий хурмат-эхтиромим ва эзгу тилакларимни изхрр этмокчиман.

Сизлар билан мана шу таркибда, яъни Фаргона вилояти депутатлари ва фаоллари билан учрашганимизга хам, мана, икки йилдан купрок. вакт буляпти.

Шунинг учун ^ам бугунги сессия кун тартибига куиилган масалаларни мухркама килишдан олдин уттан давр мобайнида Фаргона вилоятида амалга оширилган узгаришлар, эришилган ютук. ва натижалар билан бирга, бу ерда мавжуд булган, дали-бери ечилмасдан келаётган муаммолар хакида, одамларнинг кайфияти, муносабати, улар нимадан рози, нимадан норози экани тугрисида, бир суз билан айтганда, хаётнинг узи олди-



мизга кесБсин кдлиб куяётган долзарб вазифалар \акдда гаплашиб, фикр алмашиб олсак, мак;садга мувофи^ булур эди.

Бу ^акда суз юритганда, биринчи галда шундай ута му^им саволларни уртага куйиш ва уларга жавоб излаш зарур, деб уйлайман: бугунги кунда бизнинг эзгу максадларни кузлаб кдлаётган саъй->;аракат ва амалии ишларимиз оддий одамларнинг х,аётига к.андай таъсир курсатмокда?

Фаргонанинг бой ва ^ар томонлама ^авас киладиган сало^ият ва кенг имкониятларини, вилоят ме^натчиларини ана шу максадларга эришиш учун бирлаштириш, сафарбар этиш ишлари кай даражада йулга куйилган?

Умуман айтганда, вилоятда ишни ташкил этиш, бугунги замен талаб киладиган янгиликларни даётга жорий этиш, ишлаб чик^ариш тармок.ларини янгилаш, модернизация к.илиш, одамларнинг турмуш даражасини янги боскичга кутариш, энг му^ими, бу борадаги бошк.ариш ва ташкилотчилик ишларининг савияси ва самараси хакида атрофлича гаплашиб олишимиз керак.

Фаргонанинг куХна ва бой тарихи, улкан салох,ияти х.ак.ида ортикча гапиришнинг х.ожати йук., деб уйлайман.

Бу вилоят узининг буюк алломалари, ноёб истеъдод эгалари, асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган урф-одат ва анъаналари, табиий,

иктисодий ва маънавий салохияти хамда бошка куп-куп хусусиятлари билан мамлакатимиз хаётида узига хос алохида урин тутади.

Бу кутлуг заминдаги кддимий цивилизация ва маданият дурдоналарини узида мужассам этган кухна шахарлар Ватанимиз тарихининг ёркин сахифаларини ташкил этади.

Биргина Кукрнни оладиган булсак, бу латиф шахар халкимиз, миллий давлатчилигимиз таракдиёти билан боглик. канча-канча унутилмас вокеаларга гувох. булганини, куплаб атокли илмфан, маданият ва санъат намояндалари айнан шу ерда тугилиб, камол топганини барчамиз яхши биламиз.

Ёки 2000 йиллик туиини нишонлаш арафасида турган сулим Маргилон шахрининг Бурхрниддин Маргиноний каби улуг фарзандлари, асрий обидалари билан нафакат юртимиз, балки мусулмон оламида крзонган шухрати, обру-эътиборини х.ар к.анча таърифласак арзийди.

Кддимий Кубо — бугунги Кува заминидан етишиб чик.к.ан, узининг илмий кашфиёт ва ихтиролари билан дунёга машхур булган буюк бобомиз Ахмад Фаргонийнинг номи бугунги кунда бутун узбек халк.ининг гурур ва ифтихорига айланиб кетган.

Узбекистон деб аталган гузал юртимизга Аллох. таоло к.андай неъматларни ато этган булса, буларнинг барчасини саховатли Фаргона заминида, бу худудда мавжуд булган ер ости ва ер усти бойликлари, катта иктисодий салохиятга эга булган корхоналар, ривожланган коммуникация тармоклари, ижтимоий-иктисодий инфратузилмалар, бой мех.нат ресурслари мисолида якдол куриш мумкин.



Йирик саноат минтакаси булган Фаргона вилоятининг бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички мах.сулот х.ажмидаги улуши карийб 8 фоизни, жумладан, саноат махсулотлари ишлаб чик.ариш буйича 9 фоизни, кишлок. хужалиги мах.сулотлари етиштириш буйича эса 9 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани х,ам бу фикрни тасдик.лайди.

Бу ерда жойлашган «Азот», Нефтни кайта ишлаш заводи, «Кварц», «Кувасойцемент», Кувасой чинни заводи, «Автоойна», Фаргона механика заводи каби йирик ва ноёб ишлаб чикариш мажмуалари нафакат вилоят, балки республикамиз иктисодиётига х.ам катта ва сезиларли таъсир курсатади.

Бу корхоналарнинг х.ар бири узига хос тарих ва таракдиёт йулига, тажриба макгабига эга. Уларда минг-минглаб уз касбига мехр к.уйган, уз ишининг чинакам устаси булган, азму шижоатли инсонлар мехнат к,илмокда ва шу юртнинг таракдиётига муносиб хисса кушмокда.

Азалдан илм-маърифат маскани булиб келган Фаргона вилоятининг илмий салохияти хам эътиборга сазовор.

Бу диёрда узига хос илмий мактаб ва анъаналари билан танилган Фаргона давлат университета, Фаргона Политехника института, Кукрн давлат педагогика института, Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари, 93 та замонавий касб-хунар коллежи, 8 та академик лицей фаолият курсатмокда. Х&Р йили минг-минглаб ёшлар ана шу билим даргохларида таълим ва тарбия олиб, мустакил хаётга кадам куймокда.

Мазкур укув масканларида бой илмий ва хаётий тажриба орттирган, шу юрт ривожига х^исса кушиб келаётган куплаб олимлар, домла ва профессорлар борлигини хисобга оладиган булсак, бу хам вилоятда хеч нарса билан киёслаб-улчаб булмайдиган яна бир катта салохият мавжуд эканидан далолат беради.

Фаргона замини кадимдан узининг дехдончилик анъаналари билан бутун юртимизда маълум ва машхурдир. Мех.натсевар ва тадбиркор вилоят дехдонлари хар карич ердан омилкорлик билан фойдаланиб, йиллар давомида нафак.ат пахтачилик ва галлачилик сох.аларида, балки сабзавот ва мевачиликда х.ам Узбекистон худудидан узок.-узок. жойларда донг таратганини айтиш л озим.



Мисол учун, Кува анори, Олтиарик.нинг хусайни узуми ва бодринги, турпи, Риштоннинг кантак уриги ва шу каби хар к.андай одам бир татиб курса, мазаси умрбод эсда крладиган ширин-шакар меваларни етиштиришда фаргоналикларга тенг келадиган уста миришкорларнинг узи топилмайди. Уларнинг бу борада бошкаларга доимо урнак ва намуна булиб келаётганини куп-куп мисолларда куриш мумкин.

Бир суз билан айтганда, Фаргона вилояти узининг улкан салох.ияти ва бекиёс имкониятлари, авваламбор, одамларининг уз касб-корига содик.-лиги ва махррати билан чиндан х.ам Узбекистоннинг таянч тогларидан биридир.

Бу заминда уз юртини х.ар томонлама обод к.илиш, унинг шухратини бутун дунёга тараннум этишга к.одир булган, узига, узининг куч-кудратига ишонган, иймон-эътикрдли, омилкор инсонлар яшайди.

Кддрли дустлар, шу борада узимизга табиий бир савол берайлик: АЛЛОХ.НИНГ узи бизга ато этган мана шундай сулим ва бетакрор табиат ва иклим, унумдор ва саховатли тупрокдан, ишнинг негизини биладиган, багрикенг халкнинг бунёдкорлик кучидан, катта интеллектуал имкониятдан, куп йиллар давомида шаклланган ишлаб чик.ариш кувватларидан бугун биз кай даражада фойдаланаяпмиз ва бу бойликни эл-

юрт фаровонлигини ошириш учун кандай ишлатяпмиз?

Бундай савол бугун шу юртда яшайдиган, унинг такдирини юрагидан, калбидан утказиб, келажаги учун куюнадиган, бу йулда уз хиссасини кушишга тайёр булган хар кайси инсонни уйлантириши табиий, албатта.

Минг афсуски, вилоятда охирги йилларда *куп* сохаларда мавжуд булган крлоклик ва салбий хрлатларни хисобга оладиган булсак, очик. айтиш керак, бу саволга ижобий жавоб топиш кийин.

Бундай хрлатнинг сабаб ва илдизлари хакида куп гапириш мумкин. Лекин мен биринчи навбатда эътиборингизни шу вазиятга бевосита дахлдор булган мухим бир масалага жалб килмокчиман.

Таассуфлар булсинки, иктисодиётимизнинг кайси сохасини олманг — бу саноат ёки курилиш буладими, кишлок. хужалиги ёки ижтимоий масалалар буладими — купгина сохаларда ва энг мухими, хаётимизни тебратадиган ва таракдиётни таъминлайдиган, бугун замоннинг узи талаб к.иладиган юк.ори технология, ишни ташкил килиш услублари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида вилоят йилдан-йилга сурункасига орк.ада к.олиб келаётганига рахбарлар, авваламбор, шу сох.а ва тар-



мокларга масъул булган мутасаддилар танкддий бах.о бермасдан, куюнмасдан чидаб келмокда.

Вах.оланки, агар рахбар мавжуд ах.волдан, уз ишининг натижасидан мамнун булиб, бизларга булаверади, деб ёнбошлаб ётаверса, бундай хрлатдан энг аввало ким зарар куради — шу ерда яшаётган одамлар.

Шу боисдан масъул вазифага сайланган шахслар бошкаларга нисбатан х.аётни чукуррок. англаши, узок.ни куриши, факат бир кунлик иш билан эмас, балки эртанги куннинг режа ва ташвишлари, муаммолари билан яшаши ва уларнинг ечими устида тинимсиз мехнат к.илиши шарт.

Бугунги кунда Фаргона вилоятида юзага келган вазиятни шу нук,таи назардан бахрлар эканмиз, юк.орида зикр этилган камчилик ва нуксонлар, рахбарларнинг лок.айд ва бепарволиги натижасида руй бераётган купгина нохуш х.олатларни кузатиш мумкин.

Саноат сохасини оладиган булсак, утган йили вилоятдаги И та корхона, шу йилнинг саккиз ойи давомида эса 10 та корхонада ишлаб чикариш хажми пасайиб кетгани, 10 та корхона эса уз фаолиятини зарар билан якунлагани тармокда бугунги кун талаблари асосида ишни ташкил этиш борасида жиддий хато ва нуксонларга йул куйилаётганини якдол курсатиб турибди.

Бундай корхоналар каторида Маргилон шах.-ридаги «Алишер Навоий» ва «Ип-газлама ишлаб чикариш» фабрикаси, Кукрн шахридаги «К^уконмотор-таъмирлаш» заводи хамда «Фаргонапиво», «Осиётекс» хиссадорлик жамиятлари каби йирик ишлаб чикариш мажмуалари борлигини, 13 та енгил саноат корхонаси тулик. кувват билан ишламаётганини афсус билан айтишга тугри келади.

Лекин мана шундай мураккаб бир вазиятда вилоят шахарларининг рахбарлари томонидан бу ахволни узгартириш учун хеч кандай харакат ва ташаббус кузга ташланмаяпти.

Юкррида зикр этилган бундай салбий хрлатлар хакида курилиш, транспорт, хизмат курсатиш ва бошка сохалардан хам куплаб мисоллар келтириш мумкин.

Мана шундай ачинарли ахвол хусусида гапирар эканмиз, бугунги кунда фойда ва самара бермайдиган, зарар билан ишлайдиган ташкилот ва корхоналарни хусусий мулкка айлантириш буиича к^абул килинган к,арорлар уз ваь;тида х.аётга жорий этилмасдан крлиб кетаётганини кузатиш к,ийин эмас.

Вилоятда жорий йил буиича хусусийлаштириш дастурига киритилган 65 та корхона ва объектдан бор-йуги 35 таси сотилгани, айник,-са, чет эл инвесторларига бирорта акция пакети ёки объект сотилмагани шунинг исботи эмасми?



Барака топкурлар, айтинглар, нима учун хрзирги пайтда купол булса хам, худдики улик булиб ётган корхоналарни «тирилтириш» чоралари курилмаяпти?

Ахир, уларни сармоя ва имконияти бор, кучли жисмоний субъектларга сотиш, керак булса, бепул бериш х.акида дам тегишли к.арорлар к.абул к.илинганини бу ердаги мутасаддилар биладими, йукми? Нима учун вилоятда ана шу хукумат к.арорларининг талаблари бажарилмаяпти?

Бунинг сабаби фак.ат битта булиши мумкин — бу масалага дахлдор, мутасадди булган мансабдорларни бугун аллакачон тухтаб, ёнбошлаб ётган корхоналарни жонлантириш чоралари х.ам, шунинг ортида турган мухим муаммо — одамларни иш билан таъминлаш масаласи х.ам к.изик.-тирмайди. Улар купрок. узининг шахсий манфаатлари билан овора.

Бундай амалда утирганлар, бугун оёгимизга кишан булаётганлар, аввало, узига наф топиш билан банд булиб, тадбиркор ва ишбилармонлар, тер тукиб ишлайман, даромад топаман, узимга х.ам, юртимга дам фойда етказаман, деб интилаётганлар йулида тусик.-гов булиб к.олмокда.

Хамма бало, аслида, мана шунда, десак, хеч кандай хато булмайди. Минг афсуски, бундай амалдорларнинг сони кам эмас.

Кдшлокда саноатни олиб кириш, жойларда замонавий ишлаб чикдриш тузилмаларини ташкил этиш масаласи кдйта-кайта кун тартибига куиилаётганига карамасдан, бу борада аксарият туманларда амалий ишлар кдлинмаяпти.

Бувайда ва Дангара, Ёзёвон ва Олтиарик. туманларида, пахта тозалаш ва ёг-мой ишлаб чикарадиган корхоналарни хисобга олмаганда, махдллий хом ашё асосида ишлайдиган биронта саноат корхонаси барпо этилмагани хам буни исботлайди.

Агарки, иктисодиёт ривожига четдан амалий кумак, сармоя ва юксак технологиялар кириб келмаса, хеч каерда иш олдинга силжимайди. Иктисодий таракдиётнинг мухим шарти булган чет эл инвестицияларини жалб этиш масаласида хам Фаргона вилоятида бугунги кунда узибуларчилик хрлатлари хукм сураётганидан куз юмиб булмайди.

Мисол учун, биргина 2006 йилда вилоятда карийб 10 миллион AKJII доллари микдоридаги чет эл инвестициясини жалб этган хрлда бешта лойихани амалга ошириш кузда тутилган эди. Амалда эса шу кунга к,адар уларнинг атиги иккитаси бажарилган ва бир миллион доллардан



зиёд хорижий инвестиция жалб кдлинган, холос.

Ёки тутридан-тугри хорижий инвестициялар киритиш буйича жорий йилга мулжалланган худудий дастурнинг гокроси бор-йуги бир фоизга бажарилганини ь^андай изохдаш мумкин?

Фаргона шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунинг х.исобидан янги иш уринларини яратиш нафакат ижтимоий, балки сиёсий ах.амиятга молик масала экани х.ак,ида гапириб утириш ортикда, деб уйлайман. Лекин, афсуски, бу борада х.ам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Холбуки, Фаргона вилоятида кичик бизнес сохасини ривожлантириш учун имкониятлар етарли.

Биргина курилиш материаллари ишлаб чик.ариш масаласини оладиган булсак, сох.а ривожи учун кандай табиий ресурслар керак булмасин — мармар, гранит дейсизми, гипс, шагал ёки охакгош дейсизми, Фаргона заминида буларнинг хдммаси топилади.

Ё булмаса, вилоятда етиштирилаётган богдорчилик ва сабзавот махсулотларини к.айта ишлаш, ушбу тармок.ни замонавий асосда кенг ривожлантириш учун нима тускинлик киляпти?

Бугун барчамиз оддий бир хдкикатни яхши англаб олишимиз лозим: кичик бизнес ва тад-

биркорликни ривожлантириш, янги-янги кушма корхоналар барпо этиш учун отанг яхши, онанг яхши деб, чет эллик ишбилармонларни кундириш, замонавий технологияларни олиб келиш, бунинг учун кандай имконият ва имтиёзлар зарур булса, хаммасини яратиб бериш керак.

Четдан сармоя ва илгор технологияларни олиб келиш нафакат ишлаб чикаришни модернизация килиш, унинг усиш суръатларини ошириш имконини беради, айни вактда мана шундай корхоналарда ишлайдиган юксак малакали мутахассислар тайёрлашни тубдан яхшилаш, уларнинг билим ва тажрибасини амалий хает билан боглашга хам хизмат килади. Бугун шу сохада килинган амалий иш, сарфланган маблаг, хеч шубхасиз, эртага икки-уч баробар фойда булиб кайтади.

Азиз дустлар!

Кейинги йилларда Узбекистон пахтачилиги тарихида том маънода янги, ёркин сах.ифа яратилмокда. Пахтакорларимизнинг бу йил хам октябрь ойининг биринчи ярмидаёк. белгиланган юксак маррани эгаллаб, катта мехнат галабасига эришгани — кдшлок. хужалигида амалга ошираётган ислох.отларимизнинг самараси, одамларимизда ерга, мулкка эгалик х.иссиётининг ортиб бораётгани натижаси, десак, янглишмаган буламиз.



Айтинглар, бундан ун-ун беш йил аввал бундай ютукларни узимизга тасаввур кила олармидик?

Демакки, астойдил интилсак, харакат килсак булар экан-ку! Мана, куни кеча пойтахтимиз Тошкентда II Халкаро Узбекистон пахта ярмаркасини утказдик. Унда 36 мамлакатдан 250 дан зиёд компания ва фирма вакиллари иштирок этди, уларга дехдонларимиз яратган 1200 дан ортик. тола турлари намойиш кдлинди. Ярмарка к.атнашчилари узбек пахтасининг сифатига юксак бахр берди. Бу барчамизда гурур уйготиши табиий, албатта. Аммо мамлакатимиз микёсида ана шундай салмокли натижаларга эришилаётган бир пайтда, катта дехдончилик тажрибаси, х.ам билим-интеллектуал, хам иктисодий салох.иятга, замонавий кадрларга эга булган Фаргона вилояти кдшлок. хужалиги сох.асида х.ам ок.сокликдан кутула олмаётгани албатта ташвиш уйготади.

Жорий йилда Багдод ва Риштон, Тошлок. ва Узбекистон каби туманлар галлачиликда шартнома режасини бажармагани, унлаб фермер ва ширкат хужаликлари томонидан 15 минг 800 тонна дон кам топширилгани, 14 та фермер хужалиги эса мутлакр галла топширмаганини хеч нарса билан оклаб булмайди.

Кейинги беш-олти йилда вилоятда пахта хрсилдорлиги сурункасига пасайиб, карийб 6

центнерга камайиб кетди. Бу йил эса пахта буийча шартнома мажбуриятини бажариш масаласи гумон булиб крлаётганини барчамиз куриб турибмиз.

Ахир, бир вактлар дехдончилик илмининг асл мактаби Фаргонада эмасмиди? Як.ин-як.ингача кишлок. хужалигида юкрри хрсил олишнинг сир-асрорини бошкдлар келиб сизлардан урганиб кетар эди. Бугун нима учун ана шу мавке ва имкониятлар бой берилмокда? Аччик. булса-да, узимизга шу саволларни бериб курайлик.

Суз йук,. Бундай саволларга жавоб топишда кишлок. хужалиги сохасига дахлдор булган мутасаддилар турли-туман сабабларни келтириши мумкин. Балки бундай к;арашларга ишониб, уларнинг фикрига ь^ушилишимиз, тан беришимиз х.ам тугри булиши мумкин.

Аммо охирги йилларда бу сох.ада юзага келган хрлатнинг негизида ётган мух.им бир масалага эътиборингизни к.аратмок,чиман.

Яъни, вилоятда кишлок. хужалиги сох.асидаги ислох.отларнинг туб мохдятини х.ар томонлама чукур англаш, уларни амалга оширишда изчиллик ва катьиятлик етишмаётганини, бошк.арув ва хужалик юритиш борасида йиллар давомида суяк-суягимизга сингиб крлган эскича к.араш ва ендашувлардан хали-бери воз кечилмаётганини куп-куп мисолларда куриш мумкин.



Бу соханинг истик.болини белгилаб берадиган фермер лик харакатини олайлик. Албатта, вилоятда бу масалада муайян ишлар килинаётганини эътироф этиш лозим. Лекин, шу билан бирга, фермер хужаликларини ташкил этишда купинча юзаки ва чала-ярим иш тутиш хрлатлари хам якдол кузга ташланмокда.

Бунинг натижасида вилоятда шундай хужаликлар вужудга келмокдаки, уларнинг ярмида ширкат хужаликлари, ярмида эса фермер хужаликлари фаолият юритмокда.

Масалан, Бувайда туманидаги «Окхургон» ширкат хужалиги худудида 45 та фермер хужалиги ташкил этилган. Фойдаланилаётган 3 минг 368 гектар ернинг 1 минг 865 гектари ёки 55 фоизи ана шу фермерларга ажратиб берилган. Крлган 1 минг 500 гектардан зиёд ер майдонида эса ширкат хужалиги саклаб крлинган.

Бундай хужакурсин кабилидаги ёндашув Дангара туманидаги «Найманча», Тошлок, туманидаги «Зардуст», Учкуприк туманидаги Дех.к.онов номидаги, Фаргона туманидаги Бобур номли, Фурк.ат туманидаги «Кукрн» ва Фурк.ат номли ширкат хужаликларида х.ам мавжудлигини к.андай бахрлаш мумкин?

Ак.лга сигмайдиган бу ах.волни, фаргонача айтганда, ё акда, ё бакда узгартириш керак. Бундай ута мух.им ва масъулиятли масалада пала-

партиш, чала-ярим ишларга мутлакр йул куйиб булмайди.

Бугун масалани кескин тарзда куииш, ё фермерликка угасал, ёки крлокликка тортадиган эски тизим боткргида крлиб кетасан, деб одамларимизга тушунтириб бериш зарур.

Айни пайтда бу масалага жиддий куз билан карайдиган булсак, бундай хрлатларни вилоят рахбарияти, аввало, вилоят хркимининг заифлиги ва катъияти етишмаслиги, иккинчидан, фермерлик харакатига карши дали-бери оёк. тираб турган купгина шахслар борлигининг далили, деб бахрлаш керак.

Агротехника сохасида х.ам бугунги давр талаби асосида иш гугмасак, ерни ишлаш, сув ресурсларидан окилона фойдаланиш, мелиорация, махаллий шароигга мое булган янги навларни экишга угиш масалаларида ишни тугри гашкил эгмасак, ахвол яна уша-уша — эски х,аммом, эски тос булиб к,олаверади.

Фаргона шароитига мое, эргапишар ва юксак сифагли гола берадиган пахта навларини яратиш масаласи шунча пайгдан буен эъгибордан чегда крлиб келаёгганини хеч нарса билан изох.лаб булмайди. Бунинг учун олдиндан бош кргириш, марказда буладими, водийда буладими, олим ва мугахассисларнинг салодиятини шу масалага сафарбар килиш учун нима керак — аввало ташкилотчилик, ташаббус керак. Афсуски, вилоятда шу ишлар булмаяпги, амалий х.аракаг сезилмаяпги.



Лекин бугун замон узгармокда, х.аёг узгармокда. Шунга караб бизнинг дунёк.арашимиз, х.аёгга муносабагимиз хам узгариши керак. Бугунги Узбекисгон бир вактлардаги аграр республика эмас. Хозирги пайтда мамлакатимизнинг ялпи ички махрулогида кишлок. хужалигининг улуши 24—26 фоизни ташкил этади.

Бизнинг устувор вазифамиз саноатни х.ар томонлама ривожлантириш, узимизда етиштирилаётган хом ашёни уз корхоналаримизда кайта ишлаш х.ажмини ошириш, тайёр махсулот ишлаб чик.аришни купайтиришга алохида эътибор бериш, коммуникация, информацией технологиялар, хизмат курсатиш тармоьдтарини кенгайгириш хисобидан мамлакатимизни янги тарак.к,иёт боск.ичига олиб чикищдан иборат. Бу борада мен бугун хаётга кириб келаётган, замонавий билимларни эгаллаётган ёшларимизга катта умид ва ишонч билан карайман. Чунки уз олдимизга куйган ана шундай юксак максадларга эришиш учун ешларимизда барча имконият — акд-заковат хам, куч-гайрат х.ам етарли. Энг мухими, фарзандларимиз дунёда х.еч кимдан кам булмайдиган инсонлар булиб вояга етиши учун давлатимиз, жамиятимиз барча шарт-шароитларни

яратиб бермокда. Фурсатдан фойдаланиб ёшларимизга мурожаат килмокчиман: «Хеч качон буш келманглар, азиз фарзандларим!» Кддрли юртдошлар!

Юкррида зикр этилган муаммоларни хал этишда бир мухим масалага караш ва ёндашувимизни узгартирмасдан туриб, х.еч нарсага эришиб булмайди. Бу масала олиб бораётган барча ислохртларимизнинг негизида, томирида ётганини чукур англаб олишимиз зарур.

Суз авваламбор ахрлининг ижтимоий муаммоларини ечиш, кундалик эхтиёжларини крндириш хакида бормокда. Такрор айтаман, биз нимаики иш киладиган булсак, уни бошлашдан олдин бир саволга жавоб беришимиз керак — амалга ошираётган ишларимиз охир-окибатда одамларнинг хаётига, кайфияти ва манфаатига кандай таъсир кдпади, уларнинг огирини енгил к;илишга к^андай ^исса кушади?

Шу маънода, Фаргона вилоятидаги мавжуд ижтимоий адвол ^ак,ида гапирадиган булсак, биринчи галда адолини иш билан таъминлаш муаммосига тухталиб утиш зарур.

Бугунги кунда Фаргона вилоятида истикрмат к,илаётган к;арийб 2 миллион 900 минг ахрлининг салкам 1 миллион 600 минг нафарини мех.-натга лаёкатли одамлар ташкил этади. Бу масала, айникса, кишлок. жойларда ута долзарб булиб



турибди. Чунки вилоят адолисининг карийб 60 фоизи к.ишлокда яшайди.

Лекин, вилоятда утган йили янги иш уринлари яратиш буйича йиллик топширик. 64 фоизга, аеллар учун иш жойи ташкил этиш режаси эса атиги 54 фоизга бажарилгани бу сохадаги ишларнинг крникарсиз эканидан далолат беради.

Юртимизда касаначиликни ривожлантириш буйича кабул кдлинган хукумат дастурига мувофик. вилоятдаги 85 та йирик саноат корхонасида 8 минг 230 нафар фукарони касаначилик асосида иш билан таъминлаш кузда тутилган эди. Таассуфки, рах.бар ва мутасаддиларнинг бу масалага масъулиятсиз муносабати туфайли ушбу режа жорий йилнинг 1 сентябрига кадар бор-йуги 35 фоизга бажарилган, холос.

Яна бир мухим масала — тиббиёт сохасини оладиган булсак, бу борадаги ишларнинг ахволи х.ам талабга жавоб бермайди. Айникса, тиббиёт муассасаларини куриш ва таъмирлаш ишларида жиддий камчиликлар кузга ташланмокда.

Буни капитал таъмирдан чик.арилиши лозим булган 8 та оилавий поликлиникада режадаги ишларнинг атиги 25 фоизи бажарилгани, реконструкция килиниши кузда тутилган 33 та кишлок. врачлик пунктидан 22 таси ишга туширилгани хам тасдиклайди.

Жойларда ахрлининг хакли эътирози ва норозилигини уйготаётган коммунал сохадаги ахвол хам ижобий томонга узгармасдан крлмокда, бу сохада хизмат сифатини ошириш, хисоб-китоб ишларини тутри йулга к.уйиш буйича амалий чоралар курилмаяпти.

Вилоятдаги куп каватли уйларнинг карийб 40 фоизида ички коммуникация тармокдари таъмирга мухтож булиб тургани хрлда, 2005 йилда уй-жой мулкдорлари ширкатларига кредит ажратилмаган. Уларнинг моддий-техник базаси хам ночорлигича крлмокда.

Утган йил мобайнида коммунал хизматлардан жами кдрздорлик 112 фоизга усгани, жорий йилда бу курсаткич табиий газ буйича НО фоизни, ичимлик суви буйича 142 фоизни ташкил этгани жиддий муаммога айланмокда.

Хабарингиз бор, мен якинда вилоятда булиб, Фаргона туманидаги Бобур номли ширкат хужалигида теримчи аёллар билан сух.батлашганимда уларнинг бири узи яшаётган кишлокда сув таъминоти масаласида муаммо борлигини тортиниб булса х.ам айтишга мажбур булди.

Савол тугилади: нима учун мах.аллий рах.барлар шу масалага эътибор бермаган? Нима, юз-икки юз метр кувур тортиб, бу масалани х.ал этиш шунчалик кийинми? Буларнинг барчаси нимани курсатади? Аввало, рах.бар ва мутасаддиларнинг



хаётдан, оддий одамларнинг дарду ташвишларидан узоклашиб к.олганидан далолат эмасми бу?

Ёки Фаргона шахрида янгитдан барпо этилган бозорнинг ахволини олинг. Бу аслида бозор эмас, хакикий хужакурсинчилик намунаси, деса булади.

Махаллий рах.барларни олдиндан огохлантирмасдан, бу кимсасиз бозорни бориб курганимизда, факат расмиятчилик, х.ар томонлама уйламасдан тузилган ах.мок.она лойих.аларни амалга ошириш, иккита одам сигмайдиган товукнинг катагидек дукончаларни куришдек хунук манзарага дуч келдик. Булар кимнинг ижоди, бундай юзаки ишларга кандай бах.о бериш мумкин?

Лунда кдлиб айтганда, бозорни куриш пайтида хеч ким оддий кишиларнинг талаб ва эх.тиёжини инобатга олмаган.

Холбуки, шу юртда яшаётган хар бир одам яхши билади — бозорнинг ахволи, бозордаги нарх-наво одамларнинг кайфиятига бевосита таъсир к.илади. Шундай экан, бундай хужакурсин ишлар кимга керак?

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Юк.орида баён этилган фикр ва мулохазаларни мужассам килиб айтадиган булсак, кейинги бир неча йил мобайнида вилоят х.аётида, купгина соха ва тармокдарда сурункали туе олаётган

ОК.СОКДИК долати дали-бери бардам топмасдан келмокда.

Ана шундай салбий адволни узгартириш мак.-садида бундам икки йил олдин Шермат Нурматовга катта ишонч билдириб, уни вилоят докими вазифасига тайинлаган эдик. Айни пайтда вилоятнинг кагор шадар ва туманларида дам радбарлик вазифасига янги одамлар куйилди.

Адолат юзасидан айтиш керакки, ана шундай узгаришлар туфайли жойларда бирмунча жонланиш кузатилмокда. Буни утган йили вилоятда пахта ва галла буйича шартнома мажбуриятининг бажарилгани, амалга оширилаётган курилиш ва ободончилик ишлари мисолида дам куриш мумкин.

Энг мудими, нафакат вилоят ёки туман марказлари, балки олис кяшлокдарда дам одамларнинг фикри, меднатга, даётга муносабати узгармокда. Мен яклнда вилоятда бир катор фермерлар билан учрашув пайтида уларнинг даётдан мамнун булиб турганини куриб, уйгок. фикрларини эшитиб, бунга ишонч досил килдим.

Яъни, одамларда интилиш бор, даракат бор. Улар давлат микёсидаги катта-катта масалалар дакида дам уз фикр ва к.арашларига эга. Табиийки, бундай инсонлар энди вилоят даётидаги мана шундай мудроклик ва узибуларчилик кайфиятига чидамайди.



Фаргона заминида уз кучига, эртанги кунга ишониб-инониб, сидкидилдан меднат килаётган, нафак.ат узининг оиласи, айни пайтда эл-юртга дам наф келтиришга бел боглаган минг-минглаб одамларда мана шундай эзгу интилиш борлигини курмаслик, сезмаслик мумкин эмас. Уларнинг йулини очиб бериш, куллаб-кувватлаш — узини жонкуяр радбар, дакикий етакчи дисоблайдиган дар кайси инсоннинг асосий вазифаси булиши шарт.

Буюк шоиримиз Чулпон айтганидек, денгиз тулкинидек кудратли кучга айланиши мумкин булган бу одамларнинг худо берган акд-заковати, куч-гайратини руёбга чикариш учун уларнинг олдидаги гов-тусикларни олиб ташлаш, ишни янгича ташкил этиш, алмисокдан к.олган иш услубларини узгартиришни бугун даётнинг узи барчамиздан талаб ьдилмокда.

Афсуски, бугун бу ерда келтирилган мисоллар бунинг аксини курсатмокда. Яъни, турли радбарлик вазифасида утирганлар одамларнинг даётий интилишларига, дарду ташвишларига совукдонлик билан караб, кул-оёгимизни ипсиз боглаб турган эски крлиплардан чик.иб кетиш учун етарли даракат килмаяпти.

Бир дакикат барчамизга аён булиши шарт: деч ким деч качон четдан келиб бизнинг ишимизни унглаб, огиримизни енгил килиб, муаммоларимизни ечиб бермайди.

Факат узимиз, уз кучимиз ва салохиятимиз, акл-заковатимизга суянган хрлда, олдимизга куиган максадларга эришиш учун тинимсиз ^аракат, харакат ва яна бир бор харакат килишимиз даркор.

Албатта, хает бор экан, муаммо бор, бу хам табиий хрл. Лекин мавжуд муаммоларни яширмасдан, халк. билан бевосита мулокрт килиш зарур.

Хдр кандай огир ва мураккаб ахволга тушганимизда хдм, жамоатчилик, махалла, фукаролар йигинлари оксокрллари, обрули фахрийлар, кайвонилар билан бамаслахат мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, вазиятни очик.-ойдин тушунтириш — бугунги куннинг долзарб вазифаси, хаётда учрайдиган хар кандай нохуш хрлатларнинг олдини олишнинг асосий шартидир.

Уз вазифасига мана шундай куз билан, мана шундай ёндашув билан кдрайдиган рах.бар х.еч ^ачон кам булмайди, эл-юрт олдида муносиб обруга эга булади.

Хурматли депутатлар!

Энди кун тартибидаги ташкилий масалага утадиган булсак, шуни айтиш жоизки, х.озирги кунда Фаргона вилояти хркими вазифасида ишлаб келаётган Ш.Нурматовни купчилик яхши одам сифатида билади. Лекин х.аёт х.ак.ик.ати, замен талаби шундайки, бундай катта лавозимда фаолият курсатиш учун яхши одам булишнинг узи етарли эмас.



Бундай ута мураккаб ва масъулиятли вазифани ад о этиш учун нафакат яхши одам, шу билан бирга, эртаю кеч жон куйдириб ишлайдиган, кузлаган ишини охирига етказмасдан туриб, узи хам тинмайдиган, бошкаларга хам тинчлик бермайдиган, хаётда катъий принципларга эга булган инсон керак.

Нега деганда, рахбар уз фаолиятида талабчанлик, керак булса, к.аттикдуллик курсатиб, билими ва тажрибаси, дунёкараши, фидойилиги билан бошкаларга намуна булиб, х.акикий эл-юрт етакчисига айланмаса, ишда хеч кандай силжиш х.ам, ижобий натижа хам булмайди.

Маълумки, Ш.Нурматов вилоят хркими этиб тайинлангунга к.адар х.ам бир канча масъулиятли вазифаларда ишлаган. Жумладан, 2001—2004 йилларда Кдшлок. ва сув хужалиги вазири уринбосари, вазир лавозимларида фаолият курсатган.

Виз бу инсонни вилоят хркими вазифасига тавсия этганимизда унинг хаётий тажрибаси, уз сохасини яхши билишини х.исобга олган эдик.

У узининг билими ва крбилияти, куч-гайрати ва малакасини ишга солиб, вилоятдаги камчиликларни бартараф этади, мавжуд муаммоларнинг ечимини топиб, Фаргонанинг илгариги мавк.еини тиклашга хисса кушади, деб ишонган эдик.

Лекин, афсуски, Фаргона вилоятида вужудга келган ахволни узгартиришга унинг курби-кудрати етмаганини бугун очик. айтишга мажбурмиз.

Бу хакикдгни Ш.Нурматовнинг узи хам тугри тушунган хрдда, эгаллаб турган вазифасидан озод кдлишни сураб ариза берди. Ижозатингиз билан ана шу аризани овозга куйиб, сизлардан бу масала буиича уз муносабатингизни билдиришингизни сурайман.

Энди вилоятнинг янги рахбарини тайинлаш масаласига утишимиз лозим. Виз Фаргона вилоятидаги мавжуд ахволдан яхши хабардор, бугун вилоят олдида турган муаммолар билан якиндан таниш, етарли билим ва хает тажрибасига эга булган номзодни топиш устида куп уйладик. Вилоятдаги фаоллар, депутатлар, купни курган оксокрллар билан шу тугрида атрофлича маслахатлашдик.

Билдирилган таклиф-мулохазаларни батафсил урганиб, инобатга олиб, Фаргона вилояти хркими лавозимига хрзирги пайтда Маргилон шахар хркими вазифасида ишлаб келаётган Абдухошим Абдуллаев номзодини тавсия этишга карор килдик.

Бу рахбарни ортик.ча таърифлаш, унинг ижтимоий фаолияти хакдда куп гапиришнинг хржати йук., деб уйлайман. Бу залда утирганларнинг купчилиги Абдухошим Абдуллаевни яхши танийди.



У уз фаолиятини оддий электромонтёрликдан бошлаб, Фаргона вилоятида турли масъул вазифаларда ишлаган. Куп йиллар давомида Фаргона «Азот» ишлаб чикариш бирлашмаси билан уз х.аётини боглаб, ун йилдан зиёд вак.т мобайнида шу бирлашманинг бош директори вазифасини бажарган.

Айтиш керакки, бу инсон Фаргона вилоятининг шарт-шароитини, имконият ва салохиятини, бу ерда яшаётган ахрлининг узига хос хусусиятларини хаьдикатан х.ам якиндан билади. Бир суз билан айтганда, шу вилоятнинг пасту баландини яхши тушунадиган, билимли мутахассис ва тажрибали инсон.

Кейинги пайтда Маргилон шахрининг хркими вазифасида ишлаб, у узининг жонкуярлиги ва х.аракатчанлиги, оддий одамлар билан тил топиша олиши, уларнинг дарду ташвишларини хис этишини курсатди. Маргилон шах.-рининг 2000 йиллик туйига тайёргарлик куриш борасидаги ишларга катта х.исса кушиб, узини ташкилотчи рах.бар сифатида намоён к.илмокда.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, Фаргона вилояти хркими вазифасига тавсия этилаётган Абдухошим Абдуллаев номзоди буиича сиз, хурматли халк. ноибларидан уз фикрингизни билдиришингизни сурайман.

Азиз дустлар!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен барчангизга, бутун Фаргона ахдига мурожаат кдлиб айтмок.-чиман: Фаргона эли уз тарихида, узининг босиб утган мураккаб тарак.киёт йули давомида кандай буюк ютукларга эришган, кандай юксак марраларни забт этган, шу билан бирга, уз бошидан канча-канча синов ва туфонларни утказмаган.

Лекин бошига тушган хар кандай кийинчилик ва муаммоларни енгиб утиш учун бир мушт булиб, бир тану бир жон булиб, хар кандай огир хрлатлардан ёруг юз билан чикдан.

Мен ана шундай яхши-ёмон кунларда, хар кандай вазият ва ^олатларда доимо сизлар билан бирга булганман ва сизларнинг барчангизни узимнинг энг якин к.адрдонларим, деб биламан.

Ишончим комил, купни курган, ок,кунгил, багрикенг Фаргона ахли янги ра^бар етакчилигида кулни кулга бериб, ба^амжи^ат ишлаб, олдимизда турган катта ва масъулиятли вазифаларни адо этишга, бу кадимий заминнинг шухратини кайта тиклашга эришади.

Шу йулда барчангизга сих.ат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Халц депутатлари Фаррона вилояти кенгашининг навбатдан ташцари сессиясидаги нутц, 2006 йил 19 октябрь*

## МУАЗЗАМ ВА МУКАРРАМ ШАХДР ШОДИЁНАСИ

Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз мехмонлар!

Бугун Узбекистон х.аётида унутилмас кун, улкан тантана. 1чашк.адарё эли, бутун

• халкимиз гузал ва бетакрор диёримиз тарихидаги кутлуг сана — кадимий Насаф — навкирон Карши шахрининг 2700 йиллик туйини катта хурсандчилик билан нишонламокда.

Мана шу кувончли айём муносабати билан сиз, азиз юртдошларимни, сизларнинг тимсолингизда Кдшкадарё ахдини, бутун узбек халк.ини чин калбимдан муборакбод этиб, барчангизга узимнинг хурмат-эх.тиромим ва эзгу тилакларимни ИЗХ.ОР этишдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамга узок.-якиндан ташриф буюрган к.адрли мех.монларимизни, ЮНЕСКО ташкилоти, хорижий давлатлар элчилари ва халкаро ташкилотлар вакилларини, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини багрикенг ва мехмондуст халкимиз номидан самимий куглашга ижозат бергайсиз.

Хурматли юртдошлар!

Хар бир карич ери мукаддас булган она Узбекистонимиз тупрогида жойлашган ва бутун жахрн ахлига узини танитган, ёши асрлар, минг йилларга тенг келадиган машхур шахдр ва масканлар, бебахр моддий ва маънавий мерос ёдгорликлари билан халкимиз, барчамиз хакли равишда фахрланамиз. Биргина саховатли Кашкддарё заминида 2700 йиллик тарихга эга, нуфузли ЮНЕСКО халкаро ташкилоти томонидан эътироф этилган Шахрисабз ва Карши каби шах.арларнинг мавжудлиги хдм бизнинг тарихий илдизларимиз накадар чук.ур ва накадар кадимий эканидан якдол далолат беради. Узининг узок, ва бой утмиши давомида гох. Никшапа, гохр Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кух.на К^арши шахри тарих ва башарият учун, аввало, бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, куп-куп улуг сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз-авлиёларнинг ватани сифатида кадрли ва мукаррамдир. Бу юрт уз тарихида кимларни, кандай огир ва машакдатли синовлар, туфон ва суронларни курмаган. Бу ерга кимлар келиб кетмаган. Александр Македонский боскини, сосонийлар хужуми, араб истилоси, Чингизхоннинг крнли юришлари, табиий офатлар окибатида шахри неча бор яксон булиб, вайронага



айланган. Бу юрт не-не хонлар, амирлар, чор истилосининг зулм ва зуравонликларини бошидан кечирган.

Якдн утмишда, мустабид тузум даврида х.ам шу бетакрор ерда яшаётган, уз кадр-кимматини чукур англайдиган элни к.атагон килиш, тазйик. остига олиш, унинг устидан турли бух.тон ва уйдирмаларни тукиш, шаъни ва гururини топташ каби кандай азоб-укубатларни К,ашк.адарё ахли бошидан кечиргани, жабр тортгани хали-бери ёдимизда. Лекин, х.ар к.андай киргин ва фожиаларга к.арамасдан, бу воханинг, К^аршидек умри бокий шахарнинг х.аёт ва давр синовларидан омон утиб, мана шу ёрур кунларга етиб келгани шу заминда яшаб утган аждодларимиз, бугун х.аёт кечираётган авлоднинг мустахкам иродаси, эркинлик ва озодликка интилиш туйгуси накадар кучли эканининг тасдигидир, десам, х.еч к.андай муболага булмайди.

Бугунги кунда Карши шах.рининг нафак.ат кух.на тарихий маскан, балки хар к.андай одамнинг х.ам эътиборини узига тортадиган навк.ирон, замонавий шах.арга айланиб тургани истик.-лолимизнинг бек.иёс кудрати, халкимиз бунёдкорлик салохиятининг амалий исботидир. Азиз дустлар!

Кадимий Насаф шахри нафакат узининг мух.-ташам асрий обидалари, балки илму фан, хунар-

мандчилик, адабиёт ва санъат, мукаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига улкан хисса кушган буюк фарзандлари билан тарихимизда алохида урин тутади. Унинг уз даврида мусулмон оламидаги мадина, яъни муаззам шахар макрмига эга булган саккиз шахарнинг бири сифатида тарихий манбаларда эътироф этилиши хам бу фикрнинг ёркин далилидир.

Айникса, бу табаррук масканда шаклланган юксак маданият, илмий-маънавий мухит туфай-ли бу ердан Насафий тахаллуси билан ном козон-ган юзлаб фозил инсонлар етишиб чикдан ва улар уз она юрти шухратини бутун дунёга таран-нум этган. Ана шундай бетакрор сиймолар като-рида хадис илмининг билимдонларидан Абул Аббос ал-Мустагфирий, Абу Туроб Нахшабий, етук шоир ва олимлар Зиёвиддин Нахшабий, Муйидиддин Насафий, Сайидо Насафий, хукукшунос аллома Нажмиддин Насафий, калом илмининг намояндаси Абул Муъин Насафий, файласуф Азизиддин Насафий, мохир меъморлар Али Насафий, Олим Насафий ва бопща куплаб улуг зотларнинг муътабар номларини бугун хурмах ва эхтиром билан тилга оламиз. Уларнинг бой илмий ва ижодий фаолияти, крддирган меросини хар томонлама чукур урганиш, бу бебахр бойликни келгуси авлодларимизга етказиш х.ар биримиз учун х.ам к,арз, х.ам фарздир.



Таассуфки, юртимизда истилочи ва мустабид тузумлар, к,адриятларимизни йук, килишга кдратилган зуравон мафкура хукмронлик килгак йилларда бизни ана шундай буюк маданий мерос, маънавий бойликлардан, узлигимиз, дину диёнатимиздан жудо килиш, халкимизнинг миллий гурурини синдириш максадида К,арши шахридаги куплаб к.адимий ва бетакрор обидалар бузиб ташланди. Абдулазиз ва К^иличбек мадрасалари, Одина масжиди каби омон крлган айрим меъморий обидалар эса камокхоналарга айлантирилди. Аллак.андай «Ардом», «Домзак» деган МУДХ.ИШ номлар билан аталди.

Мана шунинг учун буюк тарихимизни х.ар томонлама чукур урганиш, ундан зарур сабок. чикарган х.олда йул тутиш, бош^ача айтганда, мозийга к.айтиб иш куриш хайрлидир. Бугунги дориламон кунларда эркин ва озод нафас олиб яшар эканмиз, якин утмишимизда юз берган ана шундай машъум кунларни, уларнинг сабокдарини х.еч качон унутмаслигимизни истардим. К,адрли ватандошлар!

Виз Кдрши шахрининг 2700 йиллик туиини нафак,ат миллий тарихимиз, балки умумбашарий тарак.к.иёт тарихида бек.иёс урин эгаллайдиган улуг аждодимиз, буюк давлат арбоби ва саркарда, сох.ибк.ирон Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик таваллуд айёми билан бирга нишонла-

мокдамиз. Бунинг замирида теран рамзий маъно, узига хос тарихий богликлик бор, албатта. Нега деганда, уз тимсолида миллатимиз, халкимизга мансуб булган акл ва заковат, багрикенглик ва Ватанга содиклик, катьиятлик ва бунёдкорлик салохиятини мужассам этган ва дунега намоииш килган Амир Темурнинг хаёти ва фаолиятини, унинг миллий озодлик учун, мустакил ва кудратли давлат барпо этиш учун олиб борган курашини Кдрши шахрисиз тасаввур этиб булмайди. Сох,ибк.ирон х.азратларининг халк.имизни мугул зулмидан халос этиш, пароканда эл ва элатларни бирлаштириш, диёнат ва адолатни карор топтириш, илм-фан, маърифат ва маданиятни юксалтириш йулидаги буюк орзу-ният ва интилишларига мана шу Кдрши замини мустахкам канот берган, десак, хакикатни айтган буламиз. Айни Кдрши диёридан етишиб чикдан табаррук зот — пири муршид Шамсиддин Кулолнинг ок. фотихасини олиб, Амир Темур эзгу максадлар йулида илк кддамлар куйгани, Сох.ибк,ирон бобомизнинг осилена сиёсати ва саъйх.аракатлари туфайли ушбу шах.ар Мовароуннахрнинг йирик сиёсий, иктисодий ва маданий марказларидан бирига айлангани х.ак,ида кух.на тарихимиз гувохлик беради.

Мана, кдрийб етти асрдирки, Амур Темур бобомизнинг улмас номи, сунмас шон-шавка-



ти, бунёдкорлик фаолиятига булган к.изикиш бутун дунёда тобора кучайиб бормокда. Буни биргина шу йилнинг узида Испания, Бельгия, Франция каби мамлакатларда улуг аждодимизнинг таваллуд айёмига багишлаб утказилган к,атор илмий анжуман ва маърифий тадбирлар, хусусан, куни кеча Парижда машх.ур олим Льюсен Керен томонидан «Самаркандга — Амир Темур даврига саёхат» номли фундаментал асарнинг нашр этилгани мисолида хам куриш мумкин.

Бир суз билан айтганда, уз даврининг енгилмас к.ахрамони, миллатнинг х.акикий етакчиси, фавкулодда буюк шахе, буюк инсон булган Амир Темурнинг бетакрор хаёти ва фаолияти, жасорати ва ибрати бугунги кунда бизнинг ёруг келажагимизга ишонч багишлайди, олдимизга куйган мак.садларга эришиш учун чексиз куч-кувват, к,атъият ва шижоат бахш этади.

Хурматли дустлар!

Такдир деймизми, туз-насиба деймизми, хаётимнинг узвий бир кисми, хеч унутилмас даври мана шу Кдшкадарё заминида кечди. Шу боне, мен бу гузал юртга нисбатан калбим турида мехрмух.аббат туйгусини сакдаб, кизгин мех.нат, эзгу орзу-ният ва интилишлар билан утган угла йилларни доимо миннатдорлик билан эслайман. Уша мураккаб пайтларда огир муаммолар гирдобида

крлиб кетган Кдшкадарё вилоятида мавжуд булган ночор ахволни унглаш, юртни обод этиш йулида сиз, азизлар билан кандай харакатлар, кандай катта максад ва режаларни амалга оширишга эришганимиз, уилайманки, барчамизнинг хотирамизда ёркин сахифа булиб крлажак.

Шахсан мен умримнинг энг кизгин, суронли ва бахтли дамларини Кдшка вохасида утказганимни, шу юртда узим учун хаётий мактаб, катта тажриба топганимни, сизларнинг кувонч ва ташвишларингизга шерик булиб, мехр-окибат курганимни хеч качон унутмайман.

Орадан йиллар утиб, истиклолга эришиб, уз такдиримизни уз кулимизга олганимиздан сунг, К,ашка вохасининг кадимий тарихи, юксак нуфузини к,айта тиклашга, К^арши шахрини уз салох,ияти ва аввало, шу юртда яшаётган мард ва танти халкнинг мехнати билан мамлакатимизнинг энг гузал ва куркам шахарларидан бирига, йирик саноат ва маданият марказига айлантиришга муяссар буддик. К^арши шахрининг кутлуг туии муносабати билан вилоятда фак.ат сунгги икки йил давомида куплаб объектларда амалга оширилган курилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларига карийб 50 миллиард сум маблаг сарфланганининг узиёк. бажарилган ишлар кулами к.анчалик улкан эканини якдол курсатиб турибди.



Бу хдкда гапирганда, аввалambор, бу к.адимий шахарнинг тарихий к.иёфасини тиклаш мак.садида килинган ишларни, хусусан, эски шахар к.исмининг, Регистон майдони, унлаб меъморий обидаларнинг тубдан к.айта тикланиб-таъмирланганi, янгича курку салобат касб этгани барчамизга мамнуният билан бирга, беихтиёр халкимизнинг рухини кутарадиган бунд аи бунёдкорлик ишларини давом эттиришга ишонч багишлайди.

Айни пайтда Мустакиллик майдони, Марказий ва Болалар истирох.ат боги, амфитеатр майдони, куплаб янги тураржойлар, тиббиёт ва маданият муассасалари, кенг ва равон кучалар, обод бозор ва куркам хиёбонлар мисолида Кдрши шахрининг замонавий киёфасини куришимиз мумкин. Айникса, бизнинг олий максадимиз булмиш соглом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига хизмат киладиган замонавий лицей ва коллежлар, янги мактаблар, Олимпия захиралари спорт коллежи, енгил атлетика манежи ва ёпик. сув спорти хавзаси, янги марказий стадион, хотин-кизлар спорт мажмуаси нафак.ат вилоятда, балки бутун мамлакатимизда алох.ида урин эгаллайди.

Кадрли дустлар, биродарлар, менга буюрса, мана шундай х.аяжонли дакикаларда Сох.ибк.ирон Амир Темур бобомизнинг юксак гурур ва

ифтихор хула сузларини давом эттириб, шундай деган булардим: кимки бизнинг куч-кудратимизни, халкимизнинг азму шижоатини, кандай буюк ишларга крдир эканини курмокчи булса, мана шу Кдрши шахрида, бутун Узбекистонда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизни келиб курсин.

Азизларим, «Кдрши» деган сузнинг «кдср, сарой» деган маънони англатишини купчилигингиз яхши биласиз. Мен бугунги хурсандчилик кунида кадимий Кдрши шахрини саройдек гузал шахдрга айлантириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демасдан сидкидилдан мехнат килган кули гул курувчи ва ишчиларга, мухандис ва меъморларга, пудратчи ва хрмий ташкилотларга, республика вазирликлари ва хркимият идоралари мутасаддиларига, бу олижаноб ишга уз х.иссасини кушган барча инсонларга уз номимдан, бутун халкимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, к.арийб 700 минг тонна галла, 435 минг тоннадан зиёд улкан пахта хирмонини бунёд этиб, бугунги байрамни ёруг юз билан кутиб олаётган Кдцща вохасининг миришкор ва фидойи дехдонларини, барча мех.неткашларини куглаб, багримга босиб, к.албимдаги энг эзгу тилакларимни ИЗХ.ОР этаман. Азиз ва мухтарам ватандошларим!



Ишончим комилки, ёш авлодимиз, келгуси насллар биз бошлаган мана шу ишларнинг муносиб давомчилари булиб, она юртимиз, бебахр тарихимиз, улуг аждодларимиз, кадимий шахарларимиз билан х.амиша гурурланиб яшайди. Улардан куч ва рухий кувват олиб, жонажон Узбекистонимиз довругини бутун оламга тараннум этади.

Гузал К,арши шахрининг кутлуг туйи билан сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат тилайман.

Она заминимиз доимо гуллаб-яшнасин, файзу баракага тулсин!

Эл-юртимизни Яратганнинг узи панох.ида асрасин!

Кдрши шахри, К.ашк.адарё ахли х.амиша омон булсин!

*Кflpiши шсщрининг 2700 йиллигига батшланган*
*тантанали маросимдаги табрик сузи,*
*2006 йил 27 октябрь*

## КДРШИ ПМХРИДА БАРПО ЭТИЛГАН «ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ» МОНУМЕНТИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СУЗИ

*%арши шаурининг 2700 йиллиги муносабати билан ша%ар марказида янгитдан барпо этилган Мустациллик майдонида ме^наткаш, мард, танти К,ашцадарё халцининг тимсоли булган ёдгорлик мажмуи цад ростлади. Юртбошимиз таклифи билан ушбу ёдгорлик монументы «Эл-юрт таянчи» деб аталадиган булди. Шу муносабат билан Президент нутц сузлади. Юртбошимиз уз нутцида, жумладан, шундай деди:*

Кдрши шахрининг кок. марказида кад ростлаган бадиий обиданинг бугун нишонланаётган тарихий вокеа билан узвий богланиши хакида, Узбекистан худуди ва тарихида илк бор бунёд этилган ушбу мажмуанинг шакл-шамойили ва киёфасида кандай маъно-мазмун ва РОЯ мужассамлашгани хакида кизикиш ва турли саволлар пайдо булиши табиийдир.

Шундай саволлар хакида фикр юритар эканмиз, жуда бир содда, лекин ута чукур ва маъноли бир масалани уртага куйишимиз уринли. Бир уйлаб курайлик, бугун мамлакатимиз мик^ёсида кенг нишонланаётган сана, кадимий Насаф деб ном олган калъа, дозирги навкдрон К,арши шахрининг 2700 йиллик туйининг асосий сабабчиси ким узи?



Кднча-канча синов ва буронларни бошидан кечириб, уз она заминини не-не боскинчи, ёвуз кучлардан, хар ^андай бало-к,азолардан куз і^орачигидай асраб-авайлаб келган, уз зурриёди ва насл-насабини акл-заковат, мардлик ва матонат сохиби этиб тарбиялаган, улар орасидан дунёни х.айратга солган олиму уламолар ва саркардаларни вояга етказган, шу эл-юртнинг мана шундай мунаввар кунларга етиб келишида бек.иёс кучкувват ва мадад берган ким?

Бунга жавоб битта — минг йиллар олдин мана шу муътабар заминда илдиз отиб, АЛЛОХ.НИНГ мархамати ва неъмати, узининг огир ва машак.к.атли мехднати билан шу юртни обод этган, хаётни тебратган — бу инсон ва шу инсонни тарбиялаган оила ва халкдир. Биз ана шу эзгу гояни томирлари теран ва бакувват, хар кандай сурон ва. туфонларга бас келиб, енгилмасдан яшаб келаётган азамат ва кудратли халк.имиз х.аётининг негизи булмиш оддий узбек оиласи тимсолида ифода этишга интилдик. Лунда к.илиб айтадиган булсак, бу х.аётнинг огир юкини уз елкасида кутариб келаётган, хает бокийлигини таъминлайдиган инсонлар сиймосини мужассам этган мана шу гузал бадиий обида айнан шу тарика дунёга келди. Дарх.акик.ат, «Эл-юрт таянчи» деган ном едгорликнинг мазмун-мох.иятига тулик. мое эканлиги билан хаммага маъкул тушди.

*2007 йил 27 октябрь*

'•и

# ИЛМУ МАЪРИФАТ ЗИЁСИ ХЕЧ КДЧОН СУНМАЙДИ

Ассалому алайкум, к.адрли ватандошлар!

Мухтарам мех.монлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, аввало, сиз, азиз мезбонларимиз — Хоразм ахлини, бугунги маросимда иштирок этаётган хорижий мехмонларимизни, жамоатчилик вакилларини, бутун халкимизни мамлакатимиз х.аётидаги к^утлуг ва унутилмас сана —Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик туии билан чин калбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Х.урматли дустлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг шонли санаси х.акида гапирар эканмиз, авваламбор, бутун дунёга юксак ном ва довруг таратган бу илму фан учоги айнан Хоразм вохасида тузилгани, бунинг учун к.андай замин, к.андай шароит асос булгани х,акида киск.ача тухталиб утсак, айни муддао булур эди.

Башарият тарихи шуни курсатадики, халклар ва жамиятлар хаётида цивилизация ва маданият



ривожи хеч качон уз-узидан ва тасодифан пайдо булиб крлмайди.

Бу борада биринчи галда хар кандай тарак.киётнинг асосий шарти булган объектив омил ва \олатлар мавжуд булиши лозим. Айнан куп йиллар давомида тупланиб, вужудга келадиган кулай шароит ва вазият, шу заминда униб-усган истеъдодлар, турли сохаларда олиб бориладиган чу*кур* изланишлар тадрижий ривожланиб, охирок^ибатда мана шундай мантикий натижаларга олиб келиши табиийдир.

Бошкача айтганда, ижтимоий ва маданий таракьдиётнинг юксак чукдиларини эгаллашга ^аракат килиб, шу максад сари интилиб яшайдиган \ар кайси миллат бу йулда давомли ва машак.к.атли, узига хос тарихий ривожланиш боскичларидан албатта утиши зарур.

Шу нук.таи назардан Караганда, Маъмун академиясининг айнан саховатли Хоразм замипида пайдо булишини х.ар томонлама объектив 1фнуний хрлат деб кабул килишимизга тулик. асос бор.

Тарих буни жуда яхши билади — бу бетакрор улкада жуда кадим замонлардан бошлаб утрок. гурмуш тарзи, дехдончилик ва сугориш тартиби, савдо ва хунармандчилик, маданият ва таълим юксак даражада ривож топгани барчамизга аён.

Жахрн маданиятининг ноёб маънавий ёдгорлиги булган, одамзодни эзгулик ва бунёдкорликка даъват этадиган «Авесто» китоби бундан 2700 йил олдин мана шу диёрда яратилгани, Шарк. гавхари булмиш Хива шахрига хам бундан икки ярим минг йил аввал айнан шу ерда пойдевор солингани бу фикрни якдол тасдиклайди.

Хоразм Маъмун академиясининг майдонга келиши, хеч шубхасиз, айнан шу даврда бу минтакада кучли марказлашган давлатчилик тизимининг хукм сургани билан узвий богликдир.

Хусусан, X асрнинг бошида пароканда ва таркрк. Хоразм улкасини бирлаштириб, кудратли давлат барпо этган, узаро низо ва зиддиятларга бардам бериб, тинч ва осойишта хает, хдмжихатлик ва бунёдкорлик мухитини карор топтирган Маъмун хоразмшохнинг маърифатпарварлик сиёсати мана шундай том маънода ноёб ва нуфузли илм-фан масканининг майдонга келишига мустахкам замин яратган.

Юкррида зикр этилган хулосани тасдиклаш учун бундай тарихий ва мантиеий далил-исботларни яна куплаб келтириш мумкин.

Вир суз билан айтганда, бундан минг йил аввал Хоразм заминида «Дорул-хикма» деб аталган Хоразм Маъмун академиясининг пайдо булиши бу кухна вох.ада неча-неча асрлар мобайнида кечган буюк тарихий, иктисодий ва маданий



/караёнларнинг крнуний х.осиласи ва натижаси, дссак, айни хакикатни айтган буламиз.

Чиндан х.ам, Хоразм Маъмун академияси умумбашарий цивилизация ривожидаги урни ва а\амияти жихатидан к.адимий Афинадаги Плагон академияси, Мисрдаги Александрия кутубхонаси, Шарк. оламида «Байтулхикма» номи билан шухрат к.озонган Багдод академияси каби машхур илмий марказлар билан бир каторда туриб, Шарк. мусулмон Ренессанси — Уйгониш даврининг ёркин намоёни сифатида тарихимизIIинг зархал сах.ифаларини ташкил этади.

Шу даврда айнан бизнинг юртимиздан Шарк. Ренессансининг мумтоз вакиллари — алгебра фани ва алгоритм тушунчасига асос солган буюк математик Мухаммад Мусо Хоразмий, ер куррасининг шар шаклида эканини биринчилардан булиб исботлаб берган улуг астроном ва географ Ахмад Фаргоний, х.адис илмининг султони сифатида бутун мусулмон оламида эътироф этилган Имом Бухорий ва Имом Термизий каби унлаб-юзлаб беназир алломалар етишиб чикди.

Бу дах.о зотлар гарчи Хоразм Маъмун академиясида бевосита фаолият олиб бормаган булсада, узининг буюк кашфиётлари, илмий жасорати, крлдирган бебах.о мероси, куплаб истеъдодли издошлари билан ушбу илм даргохининг

вужудга келиши ва тараний топишига билвосита таъсир курсатгани шубхасиз.

Уз таркибида юздан ортик. машхур алломалар, бир неча юз шогирдларни бирлаштирган, улкан кутубхона, истеъдодли ёшлар учун Мадраса, таржимон ва хаттотлар мактаби каби тузилмалар, илмий тадкикрт ва изланишлар олиб бориш учун барча зарур шароитларга эга булган Хоразм Маъмун академияси бугунги тушунчадаги Фанлар академияси талабларига хула жавоб бериши билан хар томонлама эътиборга сазовор.

Хоразм Маъмун академиясида Шарк. ва Рарбдаги куплаб улкалардан келган, турли миллат ва динга мансуб булган олимлар фаолият курсатган булса-да, унинг негизини Абу Наср ибн Ирок., Абу Райх.он Беруний ва Ибн Сино, Махмуд Хужандий, Ахмад ибн Мухаммад Хоразмий ва Ахмад ибн Хамид Найсабурий каби мана шу минтакдда тугилиб, камол топган етук алломалар ташкил этгани барчамизга гурур ва ифтихор багишлайди.

Хар бири улкан бир илмий мактаб яратган бундай крмусий истеъдод сохибларининг умумбашарий тафаккур ривожига кушган бекиёс хиссаси хакида куп гапириш мумкин.

Айникса, Хоразм Маъмун академиясининг ташкилотчиси ва рахбари булган Абу Райхрн



Берунийнинг хаёти ва серк.ирра фаолияти хдр к.андай инсонни х.айратга солиши мукаррар.

Бу улуг ватандошимиз математика ва астрономия, геодезия ва фармакология, кимё ва ботаника, география ва этнография, тарих ва фалсафа каби фан сохаларида 150 дан зиёд асар яратиб, нафакат уз даври, балки бугунги юксак технологиялар асри учун хам гоятда кимматли кашфиётларни амалга оширганини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис хам жахрннинг машх.ур олимлари томонидан XI аср хакли равишда «Беруний асри» деб таърифланиши бежиз эмас.

Яна бир буюк аждодимиз — Берунийнинг усгози, Хоразмнинг кадимий пойтахти Кот шахрида таваллуд топган Абу Наср ибн Ирок, математика ва астрономия сохасидаги тенгсиз кашфиётлари билан «Иккинчи Птолемей» деган юксак унвонга сазовор булган.

Хоразм Маъмун академиясининг таянч устунларидан булмиш, Шарк.оламида «Шайхур-раис», яъни алломаларнинг алломаси деб эътироф этилган Абу Али ибн Синонинг хаёти ва илмий фаолияти хакида х.ам хар к.анча фахрланиб гапирсак арзийди.

Улуг бобомизнинг бой мероси, унинг 400 дан ортик. илмий кашфиётлари, айник.са, машхур «Тиб к.онунлари» асари 500 йил давомида Евро-

па университетларида асосий дарслик сифатида кулланганининг узи куп нарсани англатади. Бу фундаментал асар бугунги кунда хам дунё табобат илмида узига хос крмус булиб хизмат килмокда. Бундай мумтоз зотлар руихатини яна узок, давом эттириш мумкин.

Мухтасар килиб айтганда, Хоразм Маъмун академиясининг довругини олам узра тараннум этган унлаб беназир алломаларнинг муътабар номлари илм-фан осмонида бамисоли Галактика багридаги юлдузлардек то хануз ёркин нур сочиб турибди.

Шуниси эътиборлики, ушбу фан маскани нисбатан киска давр — 15 йил фаолият курсатганига карамасдан, узининг юксак нуфузи ва улкан салохияти билан нафакат минтакамиз, балки бутун дунёда илм-маърифат тарак.киётига бекиёс даражада таъсир курсатганини куп-куп мисолларда куриш мумкин.

Айник.са донишманд аждодларимизнинг кадимги юнон, хинд ва хитой, форс ва араб халк.-ларининг илмий ютукларини чук.ур урганиб, инсониятнинг тафаккур хазинасини янги-янги назарий роя ва амалий кашфиётлар билан бойитганини жах,он илм ахли яхши билади ва юксак кадрлайди.

«Дорул-хикма» алломалари томонидан яратилган бебах.о бойликни лотин тили оркали Европа халкларига етказиш учун уз даврида Рарб мамлакатларида юзлаб таржимонлар захмат чеккани Хоразм Маъмун академиясининг уша олис урта асрлар шароитида, бугунги кунда хам гоят катта ах.амиятга эга булган турли цивилизациялар уртасида мулокрт ва х.амкорлик алок.аларини ривожлантиришга кандай салмокди х.исса кушганидан далолат беради.

Шу тарифа Хоразм Маъмун академияси олимлари Шарк. ва Рарб уртасида узига хос маънавий-маданий куприк, умуминсоний к.адрият ва маданиятлар силсиласида узвий бир халка вазифасини адо этган, десак, хеч к.андай хато булмайди.

Афсуски, ана шу к.адимий илм-фан марказида яратилган, х.озирги кунда мамлакатимиз кулёзма фондларида сакланаётган бетакрор илмий мерос х,али-бери тула урганилган эмас. Уни х.ар томонлама чукур урганиш, х.озирги ва келгуси авлодларга етказиш барчамизнинг мухим ва долзарб вазифамиз булмоги керак.

Бугунги тантанали маросимда турли хорижий мамлакатлардан келган атокди олимлар катнашаётганидан фойдаланиб, аввало уларга юксак х.урмат-эхтиромимни билдириб, уларни шу борада узаро илмий х.амкорлик алок.аларини янада кучайтиришга даъват этмокчиман.

Азиз дустлар!

Виз истиклол йилларида буюк боболаримизнинг шаъну шавкати, муборак номларини кайта тиклаш, уларнинг бой ва ноёб меросини урганиш, табаррук кадамжоларини обод килиш буйича кандай эзгу ишларни амалга ошираётганимиздан барчангиз яхши хабардорсиз.

Айни пайтда Хоразм Маъмун академияси фаолиятини кайтадан тиклаганимиз она заминимизда яшаб утган ана шундай минглаб аждодларимиз хотирасига куйилган буюк ва муаззам ёдгорлик булди, десам, уйлайманки, сизлар хам бу фикрга кушиласиз.

Албатта, ушбу навкирон илм маскани салкам ун йиллик фаолияти мобайнида мамлакатимиздаги илмий-интеллектуал жараёнларга уйгун хрлда, мухим изланиш ва тадкикрт ишларини амалга ошираётгани барчамизни кувонтиради. Жумладан, Хоразмнинг кадимий тарихи, миллий давлатчилигимиз асослари, вох.анинг тарихий ва археологик ёдгорликлари, узига хос маданиятини урганиш, ушбу минтакадаги экологик х.олат, ер ва сув ресурслари, к;ишлок. хужалиги сохасида мах.аллий икдим шароитига мое навлар яратиш, алмашлаб экиш муаммолари билан боглик. куплаб масалалар буйича жиддий изланишлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз.



Табиийки, келгусида бу борадаги ишларнинг кулами ва самарасини ошириш, илмий ишлар доирасини янада кенгайтиришни бугун хаётнинг узи талаб этмокда. Мен бу мухим муаммоларни Х.ал этишда Хоразм Маъмун академиясининг илмий жамоаси, катта салохдятга эга булган хоразмлик олимларимиз уз билим ва тажрибаларини аямасдан мех.нат килишига ишонаман.

Кддрли ватандошлар!

Виз к.адимий тарих, бой илмий-маданий мероснинг, улуг алломаларнинг ворислари булганимиздан доимо фахрланиб яшаймиз. Шу билан бирга, бундай ворисийлик туйгуси х.ар биримизнинг зиммамизга ана шу аждодларга муносиб булишдек улкан масъулият юклашини хам чукур англаймиз.

Хеч шубхасиз, буюк аждодларимиз меросига таянган хрлда, х.озирги замон ва таракдиётнинг янги ва юксак чукхиларини эгаллашга интилишимиз, узимизнинг нималарга, к.андай улкан ишларга крдир эканимизни амалда намоен этишимиз, барчамиз, аввало, навкирон авлодимиз учун х.ам к.арз, хам фарз булиши шарт.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мен республикамиз олий уХув юртлари, лицей ва коллежларида Хоразм Маъмун академиясининг инсоният тарихида чукур из крлдирган бебах.о меросини урганиш буйича факультатив даре ва

семинарлар киритишни ва бунинг учун Фанлар академиямиз томонидан керакли дастур тайёрлашни таклиф этмокчиман.

Нега деганда, бой тарихимиз, кддимий илдизларимизни, бизнинг кандай буюк мерос сохдблари эканимизни чукур урганиш миллий узлигимизни англашга хизмат килади. Узлигини англаган халкни эса хеч кандай куч енга олмаиди ва бундай халк. уз олдига куйган эзгу максадларга эришиши мукаррар.

Мухтарам дустлар!

Бугун Хоразм Маъмун академиясининг кутлуг санасини бугун узбек халки билан бирга нишонлаётган купни курган, мехмондуст, мард ва танти Хоразм ахли барчамизни уз багрига кабул кдлмокда.

Бу элнинг билим ва хаётга, маданият ва санъатга самимий иштиёк. ва чукур интилиши бу заминни якиндан биладиган хар кандай одамни хдйратга солади, десак, айни хакикдтни айтган буламиз. Бу халкнинг яна бир буюк аломати ва фазилати борки, мен бу хакда такрор-такрор гапиришдан чарчамайман. У хам булса, Хоразм ахлининг уз ерига мехр-мух.аббати ва садок.атидир.

Кдлбида, юрагида ана шундай хислат мужассам булгани учун хам бу эл «Ёт элларнинг боги билан богчаси Хоразмнинг янтогича куринмас»



деган эътик.од билан, уз юртига доимо садок.ат курсатиб яшайди.

Хоразм ахли узининг акд-идроки, куч ва салох.ияти билан бу заминда кандай буюк муъжизалар яратишга к.одир эканини олис ва суронли тарихи давомида неча бор исботлаган ва бугун хам исботлаб келмокда.

Бугун биз купрок. Хоразм Маъмун академияси хакида суз юритмокдамиз. Лекин, менга буюрса, мана шу воханинг жазирама иссиги, изгирин шамоллари ва огир тупрок. шароитига карамасдан, йил ун икки ой мардонавор мехнат килиб, мул хрсил етиштираётган зах.маткаш ва фидойи Хоразм халки дехдончилик илмининг х.акдкий академиги, Хоразм замини эса узига хос академиядир, деган булардим.

Мана шу кувончли дак.ик.аларда бу йилги мавсумда астойдил жонбозлик курсатиб, 275 минг тонна пахта, 63 минг тоннадан зиёд галла тайёрлаб, шартнома режаларини муваффакиятли адо этган Хоразм вохасининг кули кадок., миришкор дехдонларига, барча мехнаткашларига, мен учун кадрли булган сиз, азиз ёшуллиларга чин калбимдан ташаккур билдиришга ижозат этгайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узбек халкининг жах.он цивилизациясига кушган улкан х.иссасини муносиб бахрлаб, мана шундай тарихий саналарни халкаро мик.ёсда кенг нишонлаш масала-

сида куллаб-кувватлаб келаётган ЮНЕСКО халкаро ташкилотига, чет эллардан ташриф буюрган хурматли олимларга, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик туйини утказиш муносабати билан к.урилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширган курувчи ва меъморларга, бу олижаноб ишга хисса кушган барча инсонларга уз номимдан, бутун халкимиз номидан миннатдорлик изхрр этаман.

Азиз юртдошларим!

Бу хает, бу умр бамисоли Амударё сувидек тез ва шидцат билан утиб кетар, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзгу хотираси бокий яшайди. Ишончим комилки, Хоразм Маъмун академияси алломалари бизга, башарият ахлига крлдирган бой илмий мерос завол билмайди, х,еч к.ачон узининг киммати ва ах.амиятини йук.отмайди.

Буюк олимлар ва мутафаккир зотлар, азиз-авлиёлар ва енгилмас саркардаларга бешик булган мукаддас диёримиз уларнинг муносиб давомчилари булмиш бугунги авлод вакилларига хам куч-кувват ва к.анот беради, халкимиз орасидан янги-янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синоларни тарбиялаб вояга етказади.

Барчангизни бугунги улуг айём билан яна бир бор кутлар эканман, хаммангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда омад ва зафарлар тилайман.



Буюк аждодларимиз ёкдан маърифат чироги юртимизда доимо порлаб турсин!

Хоразм диёри, Хоразм эли х.амиша омон булсин!

Узбекистонимизнинг шону шухрати янада ш еда булсин!

*Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги нутц, 2006 йил 2 ноябрь*

## ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИЖТИМОИЙ ЭДНМОЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ - УСТУВОР ВАЗИФАМИЗДИР

Ассалому алайкум, муххарам ватандошлар!

Аваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ун турт йиллик байрами билан чин калбимдан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орк.али бутун халкимизга узимнинг самимий хурмах ва эххиромимни изхрр эхишга ижозах бергайсиз.

Кддрли дустлар!

Виз Консхихуциямизнинг ахамияхи ва мохияхи хакида гапирар эканмиз, аввало, бир хакикдхни эъхироф эхишимиз л озим.

Яъни, биз мамлакахимизда хукукий давлах, демокрахик жамиях барпо эхиш, инсон манфаахи, хукук. ва эркинликларини энг олий ва усхувор кадриях сифахида карор хопхириш борасида ухган давр мобайнида крнунчилик сохасида ва амалии сиёсахимизда кандай нахижа ва юхукларни кулга кирихган булсак, уларнинг барчаси Консхихуциямизда мухрлаб куйилган халаб ва хамойиллар билан узвий богликдир.



Биз бугун изчиллик билан амалга ошираёхган хинч ва фаровон даёх куриш йули ва бу йулнинг асосий к.онунчилик негизлари ^ак.ида гапирганда, бамисоли хордай хаянч буладиган иккиха мезон-мак.садни узимизга як.к.ол хасавиур к.иламиз.

Биринчиси — юксак даражада харакдий хопган демокрахик давлахларнинг узини хар хомонлама оклаган хажрибасини ханкидий хах^лилдан ухказиб, узимизга кабул кдлиш ва жорий эхиш, шу асосда ^аёхимизни куриш.

Иккинчиси — к.адимий ва бой харихимиз, кадрияхларимиз, оха-боболаримиз азалдан асрабавайлаб келган ва биз хам бугун амал килаёхган мук.аддас дину диёнахимиз, урф-одах, удум ва анъаналаримизга риоя эхган хрлда, х.ар кандай Х.олах ва бошимизга хушган синовда хдм узлигимизни йук.охмасдан, биз кимнинг, к.андай буюк зохларнинг авлоди эканимизни унугмасдан яшаш, фарзандларимизни хам шу аснода харбиялаш ва хаёхга йулланма бериш.

Мана шу иккиха йуналиш — замон халаб киладиган демокрахик принциплар ва миллий хусусияхларимиз-кадрияхларимизни узаро уйгун харзда бирлашхиришдек уха мухим ва схрахегик ахамияхга эга булган вазифани руёбга чик.ариш, к.ахъиях ва изчиллик билан х.аёхимизнинг барча жабхдларида жорий эхиш —

булар биз танлаган йулни белгилаб бераётган асосий омиллари ва шарти, десак, айни хакикатни айтган буламиз.

Хеч кимга сир эмас — биз кураётган янги жамият, хаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислохртларнинг такдири ва келажаги, аввало, халкимизнинг бу узгаришларни куллаб-кувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёкараши, онгу тафаккурининг юксалишига борлик,.

Бу оддий хакикатни хеч качон унутмаслигимиз керак.

Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда узгармайди, албатта. Унинг дунёкараши узгариши ва кенгайишига вакт керак, тажриба керак. Четдан туриб кандай ташвикрт ва таргибот, борингки, кандай зуравонлик булмасин, одам зоти уз хаёти мисолида, тажрибасида таклиф этилаётган ва амалга оширилаётган узгаришлар унга нима бераётганини, кандай наф келтираётганини куриши керак ва икрор булиши даркор.

Шунинг учун х.ам биз Узбекистоннинг миллий таракдиёт моделини ишлаб чикишда инкилобий сакрашлар йулини эмас, аксинча, тадрижий йулни, имкон кадар х.еч кимнинг бурнини Б^онатмайдиган, боскичма-боскич ривожланиш йулини танладик.



Истикдолга эришиб, уз такдиримизни уз кулимизга олгандан кейин биз уз олдимизга келажаги буюк давлат, х.еч кимдан кам булмайдиган жамият куришдек улуг мак.садни куйдик. Эхтимол, бу уша пайтда кимларгадир баландпарвоз ёки афсонавий ran булиб туюлган булиши х.ам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу максад йулида эришган ютукларимизни бутун дунё тан олмокда.

Чет эллардаги таникли сиёсатчилар, эксперт иа шархловчилар х.озирги пайтда биз кулга киритган натижаларни холисона ва хаккрний ба\олаб, «Узбекистон узи белгилаб олган ана шу принципларга огишмай амал килса, албатта, келажаги буюк булади», деган фикрни билдирмокда.

Як.инда К,арши шах.рининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан булиб утган байрам тадбирлари давомида нуфузли халкаро ташкилотлар етакчиларининг бизга йуллаган табрикномаларида, юртимизга ташриф буюрган атокди хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан бундай юксак эътирофнинг такрор ва такрор билдирилганига барчамиз гувох. булдик.

Бундай фикр ва хулосаларни эшитганда юртимизда яшаётган х.ар к.айси инсоннинг юраги кувонч ва гурурга тулиши табиий, албатта.

Аммо биз узимизнинг пировард максадимизга эришиш учун замон кандай тез ва шиддат билан узгараётганини хисобга олган хрлда, вок.еликнинг ортида эмас, балки унинг олдида юришимиз, дар к.андай нохуш харакат ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тарак.киётимиз ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган крнунларни уз вактида кабул килишимиз, уларга хает такрзо этаётган узгартириш ва кушимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечогли долзарб эканини англаш, тушуниш кийин эмас.

Шу муносабат билан якинда умумхалк. мухркамасига куйилган «Давлат бошкарувини янгилаш ва янада демократлаштириш хамда мамлакатни модернизация кддишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тугрисида»ги Конституциявий к;онун лойихаси айнан ана шундай фикр ва мак;садлар билан озикланган десам, хеч ь;андай хато булмайди.

Мазкур крнун лойидасини тайёрлашнинг амалий эхтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари хакида гапирганда:

**Биринчидан,** юртимизда олиб борилаётган ислохртларни янада чукурлаштириш ва давом эттириш мак,садида амалда узини оклаган босщчма-боскич ривожланиш йулидан изчил бориб, ислох.отларнинг бир босщчи охирига етиin и билан уларни янги боск,ичга кутариш заруратини таъкидлаш л озим.



**Иккинчидан,** мустак.иллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий ну(|>узи ортгани ва анча пишиб етилганини хисобга олган хрлда, уларнинг фаолият самарадорлигиии ошириш ва х.аётимизда х.ал кдлувчи сиёсий кучга айлантириш учун крнуний йул-йурикларпи яратиб беришни бугун замоннинг узи талаб |\илаётганини кдйд этиш зарур.

**Учинчидан,** х.озирги кунда халкдмизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга кдраб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, таклиф этилаётган к^онун лойи\асидаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустах.камлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, бар-к,арор таракдиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иктисодиётимизнинг усиш суръатлари ва халкимизнинг хает даражасини изчиллик билан кутариб борищдек эзгу максадларга хизмат к.илиши мукаррар.

Биз демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш йулини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халк. иродасининг тула хукм суриши,

инсон хукук. ва эркинликларини карор топтириш масалалари бугун хаётимизда кай даражада уз аксини топмокда ва шу талабларга тулик. жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор кдратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга куиишимиз табиий.

Бу борада бошка мухим йуналиш ва вазифаларни инкор этмаган хрлда, аввало, ахрлимизнинг фаоллиги, сиёсий ва хукукий онгини ошириш буиича килаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кун тартибида туриши зарур.

Одамларнинг фаоллигини ошириш йули эса уз навбатида жамиятдаги ижтимоий-сиёсий карашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боглик. эканини хаётнинг узи тасдик.ламокда.

Хар кайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги кучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий-маънавий сохаларда таклиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни куллаб-кувватлаётган тарафдорлари сони билан улчанади.

Бинобарин, партиялар узининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ахрли орасида к.анча жонлантириб, кенгайтириб борса, халкимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги



шунча юксалиб, уларнинг ислохрт ва узгаришларга утказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, ^озирги вак.тда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият курсатмокда. Улар парламент сайловлари ва махаллий сайловлар пайтида уз дастурлари, сиёсий маслагини эълон кдлган хрлда, узаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишли уринни эгаллаган ва Крнунчилик палатасида уз фракцияларини, мах.аллий кенгашларда эса депугатлар гурухларини ташкил этиш оркали фаолият олиб бормокда.

Хеч шубх.асиз, 2000 йиллардан бошлаб бу сохада амалга оширилаётган ислох.отлар мамлакатимизда демократик жараенларни давом эттирипгда, хукук.ий демократик давлат, фукдролик жамияти куриш йулида уз ижобий таъсирини курсатмокда.

Шу билан бирга, бизнинг бу йуналищда эришган натижаларимиз юк.орида зикр этилган мак.садларимизга бугунги кунда тулик. жавоб бермаётганини х.ам холисона тан олишимиз лозим.

Бундай ута мухим масалаларни х.ал килиш зарурати хдкида, сиёсий партияларимизнинг фаолияти хали-бери реал х.аёт муаммоларидан узок. булиб тургани х.акида куп чикишларимизда илгари х.ам айтилган.

Ана шундай хрлатларнинг ечимини топиш учун мазкур крнун лойщаси сиёсий партияларнинг хукук. ва ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг крнунчилик ва давлат бошкаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташки сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йулида янги-янги имкониятлар очиб бермокда.

Шу максадда Олий Мажлис Крнунчилик палатасидаги фракциялар ва махаллий кенгашлардаги сиёсий партия гурухларининг макрмини аник; белгилаб куйиш, барча бугиндаги халк. ноибларининг ваколати ва мавкеини ошириш буйича крнуний механизмларни кабул кдлиш назарда тутилмокда.

Содда килиб айтганда, сайлов натижалари асосида шаклланган Крнунчилик палатаси ва махаллий кенгашларда кайси сиёсий партиянинг вакиллари купчилик макрмига эга булади, ^айси партиянинг вакиллари эса озчиликни ташкил килади, тузилаётган хукумат сиёсатига нисбатан кайси партия мухолифатлик позициясини узига маък.ул куради — буларнинг барчаси таклиф к,илинаётган к.онун лойих.асида узининг аник,- равшан хукукий ифодасини топган.

Сайловлар натижасида К^онунчилик палатасида уз фракциялари ва мах.аллий кенгашларда депутатлик гурухларини тузиш хукук.ига эга булган



сиёсий партияларнинг хукумат рах,бари ва вилоят хркимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифасидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу оркали ижро х.окимияти фаолиятига бевосита таъсир курсатиши — мана шу хрлатларнинг узи сиёсий партияларнинг х.аётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг ЯК.КРЛ исботи, десак, ршайманки, айни хакикатни айтган буламиз.

Барчамизга маълум: бугунги кунда энг мух.им масалалардан бири — бу бошк.арув ва ижро х.окимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини урнатишдан иборат.

Мазкур к.онун лойих.аси сиёсий партиялар ва жамоатчилигимизнинг марказий хукуматдан тортиб мах.аллий х^окимият идораларигача — бутун ижро тизими устидан назорат урнатишга хукукий замин яратиши билан эътиборга сазовордир.

Лунда килиб айтганда, бу крнун к.абул килиниши билан марказда ва жойларда мансаб вазифасида утирганларнинг, керак булса, х.окимият идораларининг кенг жамоатчилик олдида хисоб беришининг амалий тартиби урнатилади.

К,онунни амалга ошириш натижасида крнунчилик х.окимияти булмиш Олий Мажлис ва жойлардаги махаллий кенгашларнинг ваколатини, шулар к.аторида ижро хркимияти, шу жумладан, хукуматнинг мустакиллигини ошириш, шу би-

лан бирга, Президентнинг ваколат ва вазифаларига узгартиришлар киритиш ва уларни кискартириш, хукукий меъёрлар доирасида аник, белгилаб олиш имкони тугилади. Шунинг хдообидан биз мамлакатимизда давлат хркимияти тармоклари уртасида узаро мутаносиблик ва мувозанатни янада мустахдамлашга эришамиз. Бошкача килиб айтганда, бу ^ар кандай ривожланган демократах тизимга мое талабни амалга ошириш демакдир.

Бугун кун тартибига куйилган мазкур крнун лойи^аси ва Конституциямизга айрим узгартиришлар киритиш тугрисидаги таклифларнинг ахдмияти ва мох,ияти, таъсири ва окибатлари, бу хужжатлар хдётимизнинг демократик даражасини юксак боскичга кутаришда янги кадам булиши хдкида яна кутглаб фикр-муло^азаларни келтириш мумкин.

Албатта, ушбу крнун лойихдсини му^окама килиш ва кабул килиш уз йули билан, энг мух,ими, уни ^аётга жорий этиш, одамлар онгига бу узгаришларнинг барчаси эл-юртимизга нима беришини ва \ар к.айсимиздан нималарни талаб К.ИЛИШИНИ етказиш — бугунги кундаги асосий вазифамиздир, десак, х,ар томонлама тугри булади.

Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавк.еи ва обруйини дунёда муносиб даражага кутариш ^аммамизнинг мук.аддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир скддан бош чик.ариб, белимизни каттик. боглаб, жорий этилаётган исло^от ва янгиланиш жараёнларини к.атъият билан давом эттирсак — х,еч шуб^асиз, марра бизники — Узбекистонимизда узгаларнинг хавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта курамиз, узимизнинг эзгу мак.садларимизга албатта етамиз.

Хурматли ватандошлар!

Бундан бир йил олдин мана шу му^ташам залда сиз, азизлар билан бирга 2006 йилни юртимизда «Хомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон килган эдик. Бундан кузланган асосий мак.сад — жамиятимизда ме?ф-окибат, узаро дамжщатлик мурггини муста^камлаш, оналик ва болаликни х,имоя килиш, соглом турмуш тарзини карор топтириш, шифокорлик касбининг нуфузини ошириш буйича олдинги йилларда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва уларни янги, юксак боскичга кутаришдан иборат эди.

Хаммамизга маълум, шу вазифаларни амалга ошириш учун «Хомийлар ва шифокорлар йили» буйича аловдца давлат дастури ишлаб чик.илди ва йил давомида унинг ижроси назоратга олинди.

Мазкур дастурнинг бажарилиши шуни курсатадики, инсонпарварлик ва мехр-мурувват

билан йугрилган ва бутун мамлакатимизни камраб олган бундай олижаноб харакат юртимизда хеч кимни четда крлдирмади.

Дарх.ак.ик.ат, беминнат х.омийлик ёрдами курсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силаш, мухтож ва кам таъминланган тоифаларга кумак бериш каби халкимизга хос фазилатлар хаётимизда миллий кадрият даражасига кутарилганини куп-куп мисолларда куриш мумкин.

Эл-юртимиз орасида кадимдан яшаб келаётган «Кули очикнинг йули очик», «Бирни берганга мингни беради» деган чукур маъноли макрллар юкррида айтилган фикрни якдол тасдик.лайди.

Жорий йил мобайнида «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида ахрли учун янги иш уринлари ташкил этиш, жумладан, кишлок. жойларида касаначилик харакатига кенг йул очиб бериш, уй шароитида чорва махсулотлари етиштириш билан шугулланаётган кишиларга мех.нат дафтарчаси очиш ва пенсия бадалларини жамгариб бориш имконияти яратилгани айник.са мух.им ах.амият касб этмокда.

Дастурда белгиланган мух.тож оилаларга моддий ёрдам курсатиш ва уларни маънавий куллаб-кувватлаш буйича х.ам куплаб тадбирлар амалга оширилди.



Хусусан, давлат ва нодавлат ташкилотлари хамда хрмийлар кумагида юртимиздаги куп болали, кам таъминланган оилаларга 10 миллиард сумликдан зиёд к.орамол олиб берилгани мамлакатимизда саховат ва химматлиликнинг яна бир ёрк.ин намоёни булди, десак, х.еч к.андай хато булмайди. Чунки бундай тадбирлар одамларнинг мехнат билан шугулланиши, авваламбор, оила аъзоларини гушт ва сут махсулотлари билан таъминлаш, крлаверса, кушимча даромад топиш имконини беришини англаш кийин эмас.

Миллионлаб юртдошларимиз иштирок этган умумхалк. хайрия хашарларидан тушган маблаглар х.исобидан 2 минг нафар ёлгиз кекса ва 66 минг кам таъминланган оиланинг 3 миллион 570 минг квадрат метр уй-жойи таъмирлаб берилгани хам шундай савобли ишлар жумласидандир.

Айни пайтда карийб 23 минг нафар каровчисиз кария ва ногирон кишиларга ижтимоий хизмат курсатилгани, республикамиздаги барча «Саховат» ва «Мурувват», «Мех.рибонлик» уйлари хамда махсус мактаб-интернатларга х.омийлар томонидан 3,5 миллиард сумлик моддий ёрдам берилганини бу борадаги мух.им ишлар сифатида к.айд этиш л озим.

Шунингдек, жорий йилда кам таъминланган оилаларга мансуб салкам 725 минг нафар бошлан-

гич синф укувчиси 16 миллиард сумликдан зиёд кийим-бош билан таъминланди.

Мактабга илк бор кадам куйган фарзандларимизни дарсликлар ва укув куроллари билан бепул таъминлаш ишлари давом эттирилиб, 521 минг нафар болага карийб 15 миллиард сумлик дарслик ва укув куроллари совга сифатида берилди.

Ногирон болаларни согломлаштириш максадида СОЕДИКНИ сакдаш вазирлиги, «Соглом авлод учун» жамгармаси ташаббуси билан, хорижий хамкорларни жалб этган хрлда, тугма нук.сонлари мавжуд булган болаларни мураккаб жаррохлик йули билан даволаш ишлари амалга оширилди.

Дастур доирасида яна бир мухим масала — ёш авлодни жисмонан соглом ва баркамол этиб тарбиялаш буйича килинган кагор амалий ишлар дам эътиборга сазовор. Утган давр мобайнида жами 161 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилгани, шулардан 18 таси янгитдан барпо этилгани, 108 та мактаб спорт зали хамда 35 та спорт мажмуаси эса реконструкция килингани бунинг тасдигидир.

Бундан ташк.ари, 237 минг нафар фарзандларимиз ёз мавсумида республикамизнинг СОЕЛОМлаштириш масканларида кунгилли дам олиб, уз саломатлигини мустах.камлаб к.айтганини х.ам к.айд этиш даркор.



«Экосан» халк.аро ташкилоти томонидан чет эллик х.омийлар иштирокида Оролбуйи минтак.асига саломатлик поездлари ташкил этилиб, бу ерда яшаётган ах.олига 1,2 миллиард сумлик хайрия ёрдами курсатилгани х.ам ана шундай амалий ишлар сирасига киради.

Йил давомида мамлакатимизнинг барча худуд ва минтакаларидан к,арийб 30 минг нафар уруш ва мех.нат фахрийси, нуроний отахон ва онахонлар, ногиронларнинг пойтахтимиздаги дикхатга сазовор жойларга хамда Самарканд ва Бухоро, Хива ва Шахрисабз сингари к.адимий шахарларимизга саёх.атлари амалга оширилди.

Хомийлик фаолиятининг к.онуний кафолатланиши ва ижтимоий нук.таи назардан кенг эътироф этилишини таъминлаш мак.садида Олий Мажлис К^онунчилик палатаси томонидан «Хомийлик тугрисида»ги к.онун лойих.аси биринчи укишда к.абул килинди.

Мазкур крнун лойих.асида давлат х.окимияти ва бошкарув органлари томонидан х.омийлик фаолиятини куллаб-кувватлашнинг мавжуд шаклларини, Узбекистон худудида х.омийлик тузилмаларини ташкил этиш тартиби, уларнинг мак.оми ва фаолият йуналишларини белгилаб бериш кузда тутилган.

АЗЙЗ дустлар, бйродарлар!

Шу борада кунглимдаги бйр фйкрнй сйзлар билан уртоклашмокчиман. Хаммамиз яхшй биламйзкй, бу дунёда узидан орттйрйб бйровга бегараз, бемйннат ёрдам курсатиш, узгалар манфаатйНй уз манфаатидан устун куйиб, хайрлй йшлар килиш, очик. айтйш керак, хамманинг хам кулйдан келавермайдй. Мйнг шукуркй, юртймйзда халкимизга хос ана шундай азалий кадриятларнй улуглаб, уларнй давом эттирйб келаётган инсонлар куплаб топйладй.

Бундай йнсонларнйнг килаётган эзгу ва саховатлй йшларйнй эшйтганда, «Савоб ишни хар кжм килиши керак, савоб йшни хар кун килиш керак» деган даъват мйнг-минглаб юртдошларимйзнйнг калбйда акс садо бераётганйни курганда одам бейхтйёр тулкинланиб кетади.

Кдни энди, ймконй булсаю ана шундай инсонларнйнг х.ар бирини багрймга босиб, уларнйнг барчасйга уз номймдан, халкдмйз номйдан чукур мйннатдорлйк ЙЗХ.ОР этган булардйм.

Лекйн, бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, йжозатйнгйз бйлан ана шундай ватандошларимйзнинг айрйм вакшшарй номларини катта хурмат ва эх.тйром бштан айтйб утйшнй уринли, деб бйламан.

Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани, «Янгй шах.ар» мах.алласй ок.сок.оли РЙХСЙВОЙ Орйпов



купчйлйкка бош-к,ош булйб, махдилани обод этйш, бу ерда болалар спорт майдончасйни барпо этйшга хрмийлик кйлган.

К,ашк.адарё БЙЛОЯТЙ, Рузор туманвдагй фермер хужалигй рахбари Райрат Пулатов эса йил давомвда 50 та оштага х.омийлйк ёрдами курсатган, шу бйлан бйрга, кам таъминланган оилаларга 4 бош сигйр олйб берган.

Бутун х.аётйни ёш авлод тарбиясйга багйшлаган, табаррук ёшга етган булйшига к.арамасдан, Самарканд вйлоятида халк, таълими сохасвда х.амон фйдойийлйк курсатйб келаётган Иброхим Рауповнинг бевосйта ташаббуси билан БЙЛОЯТдагй болалар богчаларй, мактаблар ва СОЕЛИКНЙ сакдаш муассасаларйга 15 миллион сумдан ортик. хрмийлик маблаги ажратилган.

Яна бир саховатлй инсон — Тошкент шахар, Сиргали туманида истик.омат киладиган пенсионер Суяркул Туроббоев уз хисобидан 1,7 миллион сум маблаг сарфлаб, каровсиз ётган жойни обод кйлган, 4 мингдан зиёд кучат экиб, куркам хиёбон барпо этган.

Андижон вилояти, Кургонтепа к.ишлогида истик.омат киладиган хурматли мех.нат фахрийси Умрзок. Холмирзаев эса к.ишлок. мактабйни ободонлаштириш, унинг атрофида бог яратишга уз маблаги ва мех.нати билан муносиб хисса кушмокда.

Яна бир нуроний отахон — Тошкент шахар, Шайхонтохур туманида яшовчи Жахрнгир Усмонов узининг 8 миллион сум маблаги хисобига болалар спорт майдончаси куриб берган.

Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги фермер хужалиги раиси Салом ота Шойматов хакида алохида тухталмокчиман. Пири бадавлат, эл-юртга куп хизмати сингган 75 яшар бу мухтарам оксокрлимиз кам таъминланган оилаларни куллаб-кувватлаш, махалла худудидаги йулни асфальт килиш, кабристон атрофини ободонлаштириш, к.ишлок. мактабини таъмирлаш ишларига жами 27,5 миллион сум маблаг сарфлаган.

Тошкент шахар, Мирзо Улугбек туманидаги «Хумоюн» махалласи фукаролар йигини раиси Зикрилла Эрматов уз хисобидан 12,6 миллион сум маблаг сарфлаб, минг тупдан ортик. кучат экиб, 6 минг квадрат метрдан иборат хиёбон барпо этган, махалла чойхонасини ободонлаштиришга хисса кушган.

Наманган вилояти, Мингбулок. туманидаги фермер хужалиги рахбари Хакимжон Юсупов эса 75 гектар курик. ерни узлаштириб, 36 кишини иш билан таъминлаган. Олинган фойда х.исобидан 5 миллион сумдан зиёд хрмийлик ёрдами курсатган. Бу руихатни яна давом эттириш мумкин.



Барчамизга яхши аёнки, эл-юрт манфаати йулида к.илинган савобли ишлар х.еч к.ачон беиз кетмайди. Бундай ишлар Яратганимизга х.ам, халк.имизга х.ам хуш келади. Мук.аддас Куръон оятида «Яхшиликнинг мукофоти фак.ат яхшиликдир» деган сузлар албатта бежиз айтилмаган.

Бундай багрикенг, олийх.иммат ватандошларимизни хар томонлама к.адрлаш, х.урматини жойига куйиш барчамиз учун х.ам карз, х.ам фарз булиши лозим, десам, уилайманки, сизлар х.ам бу фикрга кушиласиз.

Шу муносабат билан узининг эзгу ишлари билан урнак курсатган ана шу юртдошларимизни, уларнинг улуг ёшини инобатга олган хрлда, хдр бир мусулмон учун орзу булган, к.олаверса, фарз булган, якин кунларда бошланадиган мук.аддас хаж зиератига давлат хисобидан юборишга карор К.ИДДИК. Бу к.арор бошк.аларга хам ибратли бир кадам булишига ишонаман.

Мухтарам дустлар!

«Хомийлар ва шифокорлар йили»да тиббий хизмат сифатини юксалтириш, сох.анинг моддий-техник базасини мустахкамлаш, тиббиёт ходимлари мех.натини кадрлаш, нуфузини ошириш буиича х.ам анча ишлар килинганини таъкидлаш жоиз.

Айникса, согликни саклаш муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, улар-

ни замонавий асбоб-ускуналар, зарур жихрз ва мебеллар билан таъминлаш максадида давлат бюджетидан 7,6 миллиард сум, яъни утган йилдагига нисбатан тахминан бир ярим баробар куп маблаг ажратилгани, капитал таъмирлашга эса хрмийлар хисобидан 7 миллиард сум сарфлангани бажарилган ишлар куламини якдол курсатиб турибди.

Республика ихтисослаштирилган куз микрохирургияси, хирургия ва кардиология марказлари, Фтизиатрия ва пульмонология илмий тадкикрт институтида 60 уринли даволаш булими капитал таъмирлангани ва бу ерда замонавий даволаш усуллари жорий килинганини айтиб утиш лозим.

Шу борада марказдан узок, худудларимизда бажарилган ишлар хам эътиборга сазовор. Хоразм вилоятида Республика ихтисослаштирилган урология марказининг филиали ташкил этилгани, Республика жаррохлик маркази ва «Саломатлик» институтининг Нукус филиаллари, Жиззах вилоятида кардиология диспансери ва вилоят болалар шифохонаси, Кдшкадарё вилоятида сил касалликлари диспансери, Сурхондарё вилоятида болалар шифохонаси капитал таъмирлангани, куплаб олис шахар ва туманларда янги-янги касалхоналар, 250 дан зиёд кишлок. врачлик пункти барпо этилгани шулар жумласидандир.



Шу билан бирга, Фаргона вилоятининг Тошлок. ва Багдод туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод шахри тиббий муассасалари зарур асбоб-ускуналар билан, Самарканд вилоятидаги 310 та кишлок. врачлик пункти эса керакли жихрзлар билан таъминланди.

Навоий вилоятида «Кдзшщумцемент» акциядорлик компанияси профилакторийси капитал таъмирланиб, замонавий талаблар асосида жих.озлангани х.ам беморларнинг огирини енгил килишда уз хиссасини кушади, албатта. Бундай мисолларни бошк.а худуд ва минтак.аларимиздан х.ам куплаб келтириш мумкин.

Мазкур йилда тиббий таълим тизимини кенгайтириш, сох.а ривожи учун малакали мутахассислар тайёрлаш максадида Маргилон шахрида 360 укувчига, Гулистон шахрида эса 540 укувчига мулжалланган тиббиёт касб-хунар коллежлари ишга туширилганини алохида кайд этишимиз зарур.

Мамлакатимизда кейинги йилларда оналик ва болаликни мухрфаза к.илиш борасида к.андай катта ишлар амалга оширилаётганидан барчангиз хабардорсиз.

Айникса, х.омиладорлик ва тугиш пайтида она ва бола саломатлигини назорат к.илиш, тугиш ёшидаги аёлларни чукур тиббий курикдан утказиш, тугрукхоналар, «Она ва бола» согломлаш-

тириш марказларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш каби бундам 10—15 йил илгари олдимизда жиддий муаммо булиб турган масалалар бугунги кунда узининг ижобий ечимини топаётгани барчамизни сузсиз кувонтиради.

Бу сохада биз эришган натижа ва ютуклар нуфузли халкаро ташкилотлар томонидан хам хакли равишда эътироф этшшокда.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамгармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий ва Шаркий Европа, Мустакдл Давлатлар Хамдустлиги мамлакатлари буйича минтакавий директори Мария Каливис ноябрь ойида юртимизда булиб, Узбекистонда бу йуналишда урганса арзийдиган тажриба тупланганини алохида таъкидлагани бу фикрнинг исботидир.

Тиббиёт сохасининг бутун юки ва огирлигини уз зиммасига олган шифокорларнинг жамиятдаги мавкеини ошириш, уларнинг мех.натини рагбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширган тадбирларимиз х.ам мухим ах.амиятга эга экани шубх.асиз.

Сох.а ходимлари учун иш хд^инийг такомиллаштирилган тариф сеткаси жорий РЧИЛИНДИ, шифокорлар мехнатини рагбатлантиришнинг янги ва самарали тизими шаклланди.

Натижада мамлакатимиздаги умумий ойлик иш хдкини индексация к.илиш даражасини хисобга



оладиган булсак, уларнинг уртача ойлик маоши тахминан 2,2 баробар ошди.

Шу борада хар бир тиббиёт муассасасида моддий рагбатлантириш ва ривожлантириш буйича янги тузилган жамгарма тулак.онли фаолият курсатмокда.

Ушбу жамгармани шакллантиришга бюджетдан ажратилган маблагларнинг узи к.арийб 23 миллиард сумни ташкил этаётгани ва шунинг хисобидан 100 минг нафардан зиёд тиббиёт ва фармацевтика ходимига кушимча иш хаки ва мукофот пули туланаётгани шифокорлар мех.натини куллаб-кувватлашда янгича усул к.анчалик самара бераётганини курсатиб турибди.

Айник.са, хавфли ва зарарли шароитда фаолият юритадиган тиббиёт муассасалари, карантин ва ута хавфли юкумли касалликлар мух.офазаси буйича марказий лабораторияларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жихрзланганини, уларда фаолият курсатаётган тиббиёт ходимларининг мех.нат шароитини яхшилашга каратилган амалий ишларимиз эътиборга сазовордир.

Мамлакатимизда Узбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тугрисидаги крнун к.абул кдлингани ва бу сана 12 ноябрь куни биринчи бор юртимизда кенг нишонлангани, шунингдек, Вазирлар Махкамасининг мах-

сус карори билан «Согликни саклаш аълочиси» кукрак нишони таъсис этилгани шифокорлар хизматини холисона бахрлаш ва кдцрлаш йулида, хеч шубхасиз, мухим бир кладам булди.

Азиз юртдошлар!

Барчангиз яхши тушунасиз, киска бир чикишда тиббиёт тармогини ривожлантириш, ахрли саломатлигини химоялаш, бу сохани янги боскичга кутариш буйича амалга оширилган ишлар хакида тулик. маълумот бериш ута мураккаб вазифа. Бу борада бажарилган ишларнинг куламини узимизга тасаввур килиш учун баъзи бир ракамларни келтириб утсак, уйлайманки, куп нарса уз-узидан аён булади.

«Хомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кузда тутилган тадбирлар ижросининг узи карийб 284 миллиард сум, жумладан, 133 миллиард сум бюджет маблаги, 151 миллиард сумдан зиёд идора ва ташкилотлар, хрмийлар маблагини сарфлашни талаб к.илгани бир йил давомида канчалик кенг к.амровли ишларни бажарганимизнинг як.крл далолати, десам, тугри булади.

Ана шундай улкан ишларни амалга оширишда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари, х.омийлар, савобталаб инсонлар билан бирга, халкаро гуманитар тузилмаларнинг х.ам муносиб х.иссаси борлигини кдйд этиш зарур.



Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасига уз номимдан, халкимиз номидан самимий ташаккур билдиришга рухсат бергайсиз.

Албатта, «Хомийлар ва шифокорлар йили»-нинг якуни ва хулосалари хакида яна куп гапириш мумкин. Лекин мана шу олижаноб роя ва хдракатнинг хдётимизда чук.ур из к.олдирган асосий фалсафасини мухтасар тарзда ифода этадиган булсак, купмиллатли юртимизда хеч ким х.еч к.ачон давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидан четда крлмаслигига булган ишонч, одамийлик, ахиллик ва тотувлик мух.итининг янада мустахдамланганини алох.ида таъкидлаш лозим.

Кддрли ватандошлар!

Энди сизлар билан янги 2007 йилга к.андай ном бериш, бу борада кандай эзгу мак.садларни узимиз учун устувор вазифа сифатида белгилаб олиш х.акида атрофлича фикр алмашиб, маслах,атлашиб олсак, уилайманки, мак.садга мувофик. булади.

Хаммангизга маълум, биз 1997 йилдан бошлаб юртимизга кириб келаётган йилга ном бериш асосида, аввалambор, хаётимизда мух.им ах.амиятга эга булган муайян ижтимоий масалани ечиш макрадида куч ва имкониятларимизни сафарбар килиб, катта-катта ишларни амалга ошириб келмокдамиз.

Кдйси йилга кандай ном беришдан катъи назар — бу оила ёки аёллар масаласи булади-ми, соглом авлод тарбияси, мадаллаларимиз-ни обод килиш ёки карияларни кадрлаш була-дими, оналик ва болаликни мудофаза этиш ёки жамиятимизда ме?ф-мурувват, инсонпарварлик рудини кучайтириш буладими — **буларнинг бар-часини бирлаштирадиган умумий бир мезон бор. У х,ам булса, инсон, унинг ^аёти, орзу-ниятла-ри, дарду ташвишларини эътиборимиз маркази-га цуйиб, одамларнинг огирини енгил к.илишга царатилган интилишларимиз мисолида якдол намоён булмокда.**

Лунда килиб айтганда, карийб ун йил даво-мида эълон килинган йилларнинг барчаси узи-нинг маъно-мазмуни ва адамиятига кура узаро чамбарчас богланиб, мантикан бир-бирини тулди-риб, айнан а^олимиз манфаатларини таъминлаш-дек мак.садга хизмат к.илиб келаётганини куриш ва кузатиш кийин эмас.

Шу билан бирга, йилларга ном бериш анъ-анасини давом эттирар эканмиз ва шунга багиш-лаб амалга оширилган ишларимизни куз олди-миздан утказар эканмиз, бир масалага фикрин-гизни жалб этмокчиман.

Утган давр мобайнида маълум бир ном берил-ган х,ар к.айси йил узида мужассам этган маъно-мазмуни, уз олдига куйган мак,садлари, долзарб-



лиги ва а^амияти билан ^аётимизда мавжуд булган муаммоларни ечишда бир йиллик муддат билан чегараланиб к.олмайди.

Мисол учун, 2004 йилни «Ме?ф-мурувват», 2005 йилни «Сщат-саломатлик», жорий йили-мизни эса «Хомийлар ва шифокорлар» йили деб аташдан кузда тутилган мак.садларни чукур анг-лаб, инобатга оладиган булсак, уз-узидан аён-ки, амалга оширган тадбир ва ишларимизнинг дали канча-канча давоми, шу борада уз ечимини кутаётган канча-кднча муаммолар бор.

**Шуларнинг барчасини, энг аввало, халци-мизнинг кайфият ва э^тиёжини, орзу ва интилиш-ларини дисобга олган ^олда, рухсатингиз билан, мен кириб келаётган янги — 2007 йилни юрти-мизда «Ижтимоий ^имоя йили» деб эълон кдпишни таклиф этмокчиман.**

Азиз дустлар!

Хаммангизга маълумки, узбек модели деган ном билан бутун дунёда тан олинган мустакил тарак.к.иёт йулимизнинг негизида машдур беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сиё-сат олиб бориш масаласи дам туради.

Ана шу тамойилни даётга жорий этиш учун истиклолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсати дакида, бу борада кандай карорлар кабул килин-гани ва кандай ишлар амалга оширилаётгани

хдкида, уйлайманки, барчангиз яхши хабардорсиз.

Энг аввало, бозор иктисодиёти муносабатларига утиш жараёнида эл-юртимиз хаётига кескин салбий таъсир курсатадиган ошр окибатларни имкон кадар камайтириш, ижтимоий мухрфазага биринчи галда мухтож булган ахрли тоифалари — куп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлгиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини хар томонлама химоя этиш буйича килган ишларимизни таъкидлаш жоиз.

Якинда тасдикланган 2007 йилнинг давлат бюджетида бу йуналиш буйича, яъни ахрлини ижтимоий химоялаш буйича ажратиладиган молиявий маблаглар микдорини анчагина ошириш кузда тутилган.

Кяска килиб айтганда, давлат бюджетимизнинг социал сох.а ва ахрлини ижтимоий куллабкувватлашга кдратилган умумий харажатлари 2006 йилда 51 фоизни ташкил этган булса, бу курсаткич келгуси йилда 54,1 фоизни ташкил этади. Кам таъминланган, ёш болали оилаларга бериладиган ижтимоий нафакалар учун мулжалланган харажатлар микдори эса 2007 йил бюджетида 7 фоизни ташкил этмокда.

Шулар к.аторида бюджетда белгиланган харажатлардан ташк.ари, хукуматимиз томонидан



хар йили ёлгиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аник, ижтимоий мухрфаза килиш ва уларга ижтимоий хизмат курсатишни янада кучайтиришга каратилган махсус к,арорлар кабул килинади.

Жамиятимизда сиёсий барк.арорлик ва ижтимоий адолатни карор топтиришнинг мухим воситаси булмиш, хаётимизда к.адимдан узини оклаб келаётган махалла идораси бу масалада алохида урин тутиши х.акида гапириш ортикча.

Кенг халк. оммасини давлат ва хркимият идоралари билан бамисоли куприкдек боглаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий мухрфаза сиёсатини амалга ошириш йулида кушаётган улкан хиссаси билан халк.имиз назарида катта обру к.озонаётгани бежиз эмас, албатта.

Вир суз билан айтганда, бугун юртимизда х.ар томонлама мустахкам хукукий асосга эга булган ишончли ижтимоий х.имоя тизими шаклланди ва у амадда узини окдамокда.

Аммо бундай ута мухим йуналишда эришилган ютукларни к.айд этган хрлда, х.али ечилмаган масалалар, бартараф этиш зарур булган купгина муаммолар борлигини хам тан олишимиз лозим.

Бу борада биринчи навбатда олиб бораётган сиёсатимизнинг хукукий асосларини ва крнуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни хаётимизнинг узи так.озо этмокда.

Бу уринда ran ана шу асос ва нормаларни замон талабларига мое равишда аник.-равшан белгилаб куйиш, мавжуд крнунчилик базасини кайта куриб чикиш ва амалдаги хукукий-меъёрий хужжатларга тегишли кушимча ва узгартиришлар киритиш зарурати, бугун мавжуд булган ижтимоий химоя тизимининг самарадорлигини ошириш масаласини кун тартибимизга куйиш хакдца бормокда.

Энг мухими, ёрдамга эхтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир куз билан карамасдан, балки хар бир тоифанинг узига хос кийинчилиги ва дарди, гаму ташвишларини якиндан урганиб, бу эхтиёжларни крндиришга кулимиздан келганча харакат килишимиз керак.

Бу борада амал килаётган нормаларни нафакат янада чукурлаштириш, балки давлат ва жамиятимиз томонидан берилаётган ёрдам мик.-дорларини имкон даражасида ошириш буйича х.ам тегишли чора-тадбирларни жорий к.илиш зарур.

Олдимизда турган яна бир долзарб вазифа — биринчи галда, ёш авлоднинг хдр томонлама соглом булиб тугилишига алохида ах.амият к.аратиш, «Соглом она — соглом бола» деган шиор остида катта эътибор билан бошлаган харакатимизни давом эттириш ва унга том маънода янги туртки бериш, бу муаммога замонавий куз билан



караш ва етарли даражада маблаг ажратиш масалалари доимий дик.к.ат марказимизда туриши даркор.

Нега деганда, очик. айтадиган булсак, аслида бизни кийнайдиган купгина хаётий муаммоларимиз худди шу масалага эътиборсизлигимиздан бошланади.

Айни вак.тда, барча «Мехрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларнинг ижтимоий ахволини ва моддий-техник базасини танкидий куриб чик.иш, шу асосда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, етим-есир, каровчисиз к.олган болаларга эътиборни янада кучайтириш, мухтасар айтганда, «Сен ёлгиз эмассан» деган шиорни жамиятимиз хаётига чинакамига жорий этиш гоят мух.им ах.амиятга эга.

Албатта, ён-атрофимизда ёрдамга эх.тиёж сезиб яшайдиган ёлгиз кексалар ва ногиронларга хамдард булиб, уларга зарур кумак ва маънавий мадад бериш масаласи дам кун тартибидан асосий урин эгаллаши керак.

Ана шундай ночор ва ёрдамга мух.тож одамларнинг огирини енгил килишга, уларга хизмат курсатишга узини багишлаган инсонлар — бевосита «Мех.рибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уиларида ишлаётган хамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу сохага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг мехнатини тугри бах,олаш, улар-

ни рагбатлантириш масаласини хам куриб чикишимиз зарур.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ахрлисининг карийб ярмини ташкил киладиган ёшларимизнинг хаётий манфаатларини таъминлаш — бу уларнинг замонавий таълим ва тарбия олиши, зарур касб-хунарларни эгаллаши буладими, иш урнига эга булиши, уз крбилияти ва салохиятини юзага чикариши учун имконият яратиш буладими, ёш оилаларни куллаб-кувватлаш, оёкда туришида кумак бериш буладими — бу масалаларнинг барчаси биз учун энг мухим ва устувор вазифа булиб крлаверади.

Табиийки, «Ижтимоий х.имоя йили»да элюртимизга куп хизмати сингган, хрзир дам узининг хаётий угитлари билан ибрат булиб келаётган мухтарам фахрийлар ва пенсионерларимизнинг СОЕЛОМ ва мазмунли умр кечириши учун шароит яратиб бериш буйича аввалги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни албатта давом эттирамиз.

Уз-узидан равшанки, ижтимоий химоя масаласи — бу факат давлат ва хокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши булиб крлмаслиги лозим. «Ижтимоий» деган сузнинг купчиликка, жамоатчиликка мансуб деган маънони ифода этишини инобатга оладиган булсак, буута мухим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор.



Айнан мана шундай к,араш ва ёндашув «Ижтимоий химоя йили» буйича хукуматимиз томонидан ишлаб чик;иладиган давлат дастурининг асосий гояси ва маъно-мохиятини белгилаб бериши зарур.

Бу дастурни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотлари, хркимият идоралари, махалла, хотин-кизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилигимиз узларининг амалий таклифлари, фикр-мулох.азалари билан фаол иштирок этишига ишонаман.

Чунки даммамиз яхши тушунамиз, 2007 йил-га «Ижтимоий химоя йили» деб ном берганимиз шу йулда олдимизда турган вазифаларнинг маъ-но-мазмуни ва пировард натижаларини янада кучайтириши *билан* жамиятимизда узаро к.адр-киммат, мехр-ок.ибат туйгусини, энг катта бойлигимиз булмиш тинчлик ва осойишталикни мустах.-камлашга, х.аётимизни *янада* обод ва фаровон этишга хизмат килади. Бунга хеч к.андай шубх.а йук..

Ь^адрли юртдошларим, азизларим!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сиз оркдии бутун халкимизга яна бир бор узимнинг чукур хурмат ва эх.тиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Жамиятимизни янгилаш, хаётимизни хеч кимдан кам булмайдиган даражага кутариш йулида бундан ун беш йил олдин бошлаган ишларимизда халкимизга Аллохнинг узи куч-кувват берсин, узи мададкор булсин.

Амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг самараси ва хрсилидан бахраманд булиш барчамизга насиб этсин.

*Узбекистан Республикаси*
*Конституциясининг 14 йиллигига*
*баришланган тантанали маросимдаги*
*маъруза, 2006 йил 7 декабрь*

## УЗБЕКИСТОН ХАЛЩГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз юртдошларим, ватандошларим!

Аввaламбор, барчангизни кириб келаётган янги — 2007 йил билан чин кдлбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун биз якунига етиб бораётган 2006 йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган кувончли ва ташвишли кунларни, юртимиз хаётидаги мудим ва унутилмас вок.еаларни беихтиёр хаёлимиздан утказишимиз табиийдир.

Уз поёнига етаётган йил мамлакатимизнинг тарак.киёт йулида, хаётимизнинг барча йуналишларида олдин бошлаган ислохртларни чукурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иктисодиётимизнинг барк;арор усиш суръатларини таъминлаш, халк.имизнинг фаровонлигини оширишда алохида урин эгаллайди, десак, уйлайманки, хато булмайди.

Иктисодиётимизнинг барк.арор усиш суръатлари 107,2 фоизни ташкил этгани, харидорбоп мах.сулотларимизни четга сотиш, яъни, экспорт микдори тахминан 30 фоизга, олтин-валюта за-

хираларимиз 33 фоизга, давлат бюджетимизнинг хажми 27 фоизга усгани, шулар хисобидан, мех.натчиларимизнинг реал иш хаки, пенсия, стипендия ва нафакалар 36 фоизга купайгани, инфляция — нарх-навонинг усиш даражаси эса 7 фоиздан ошмагани мамлакатимиз жорий йил мобайнида кандай юксак марраларга эришганининг якдол тасдигидир.

Шу билан бирга, «Хомийлар ва шифокорлар йили» доирасида амалга оширган тадбирларимиз, саховат ва мурувват туйгулари билан йугрилган саъй-харакатларимиз, шу максадда 280 миллиард сумдан зиёд давлат бюджети ва хрмийлик маблаглари сарфлангани ахрлининг, авваламбор, кумак ва мададга мухтож тоифаларнинг огирини енгил килишда катта амалий ёрдам булди, десак, айни хакикатни айтган буламиз.

Утган йили иктисодиётимизни ривожлантириш, эл-юртимиз фаровонлигини ошириш иулида кулга киритган ана шундай ютукларимиз юртимизда демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиш, к;ись;а ва лунда к,илиб айтадиган булсак, мамлакатимизни модернизация 1дилиш, сиёсий ва иктисодий ислох.отларни чукурлаштириш, давлат боищарувини либераллаштириш жараёнлари билан чамбарчас боглиь; эканини яхши англаб олишимиз зарур.



Шу борада амалга оширилаётган кдтъий узгаришлар, авваламбор, хаётга татбик, этилаётган ислох.отларни замен талаблари даражасига кутариш, хусусий мулк эгаларига, кичик бизнес ва тадбиркорликка, к.ишлок, хужалиги сох.асида фермерлик харакатига х.ам ь^онуний, х.ам амалий жихатдан кенг йуллар очиб бериш, уларни жамиятимизнинг х.ак.ик.ий таянчи ва суянчи, мамлакатимиз исти^болининг хал ь^илувчи кучига айлантириш масалаларига к^аратилгани ва бу вазифалар бундан буен хам давлатимизнинг эътибор марказида булишини таъкидламокчиман.

Халк^имизнинг эзгу орзу-умиди булмиш баркамол авлод, комил инсон тарбиясини уз олдига ма^сад щлиб куйган умуммиллий дастурларимиз, шу жумладан Кадрлар тайёрлаш ва Мактаб таълимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш иулида бажарган ишларимиз жамиятимизни янги боскдчга кутариш, юксак марраларни эгаллашга хизмат к.илаётганини х.озирнинг узида кузатиш кийин эмас.

Бугунги х.аётимизнинг кузга ташланаётган мухим аломатлари ва мох.ияти х.ак.ида гапирганда, аввало, юртдошларимизнинг ички дунёси, онгу тафаккури тубдан янгиланиб, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги тобора ортиб бораётгани — буларнинг барчаси замонамиз канчалик узгараётгани-



J

нинг энг ёркин белгиси, десак, уилайманки, хеч кандай хато булмаиди.

Ишончим комил, мана шу саховатли Узбекистан заминида яшаётган барча инсонлар, миллати, тили ва динидан, караш ва эътикрдидан к.атъи назар, бугунги ва эртанги хаётимизнинг энг катта бойлиги, Аллохнинг узи бизга инъом этган бебахр неъмат булмиш юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва баркарорлик, жамиятимизда мустахкамланиб бораётган узаро хурмат ва хамжщатлик эканини чукур англайди ва юксак кадрлайди.

Азиз дустлар!

Бугун, барчамиз байрам дастурхонлари атрофида жамулжам булиб утирган мана шу файзли окшомда, табиийки, уи-хаёлларимиз, фикру зикримиз янги йил билан чамбарчас богланиб, бу йил хам оиламизга, элу юртимизга тинчлик-омонлик, яхшилик ва тукинлик олиб келсин, деб эзгу ният киламиз.

Ана шундай орзу-умидларнинг ушалиши учун кириб келаётган янги йилда х.ам энг устувор вазифамиз — авваламбор, ён-атрофимиз ва дунёдаги ута мураккаб вазиятни инобатга олган х.олда, халкимизни х.ар к.андай хавф-хатарлардан асраш, уйимиз, оиламиз, Ватанимизнинг осойишталиги ва баркарорлигини, сарх.адларимиз дахлсизлигини сакдаш мак.садида бутун кучимизни са-



фарбар этишимиз зарур, десам, уилайманки, бу фикрга сиз, кадрли юртдошларим албатта кушиласиз.

Айни вактда мамлакатимизнинг барча сох.аларида олиб борилаётган ислох.отларни жадаллаштириш, ахрлимизнинг к.абул к.илинаётган к.арорлардан хабардор булиш ва уларнинг ижросини таъминлашга таъсир утказиш имконини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш — уз олдимизга куиган юксак максадларга етиш учун гоят мухим ах.амият касб этади.

Ижтимоий-иктисодий сох.аларни ривожлантириш, ах.оли эхтиёжларини таъминлаш буйича 2006 ва ундан олдинги йилларда бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттириш, жумладан, ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик иш х,аки х.амда пенсия, стипендия ва нафакалар мик.-дорини утган йилга нисбатан купрок. ошириш масаласи х.ам янги йилдаги режаларимиз к.аторига киради.

Айник.са, азиз фарзандларимизнинг келажагини уилаб бор куч ва имкониятларимизни ишга солиш, оналик ва болаликни химоя к.илиш, табаррук кексаларимизнинг иззат-хурматини жойига куйиш сингари масалаларга х.ам доимий эътибор кдратишимиз табиий.

Шу маънода, 2007 йилга «Ижтимоий х.имоя йили» деб ном берганимиз замирида хам, авва-

ло, хаётимизни янги боскичга кутариш, мухтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жихатдан куллаб-кувватлащ, энг мухими, жамиятимизда узаро кадр-киммат, мехр-окибат ва багрикенглик мухитини мустахкамлаш каби олижаноб максадлар мужассам экани барчамизга аён.

Вир суз билан айтганда, 2007 йилда амалга оширадиган режа ва дастурларимизнинг маъно-мазмуни ва пировард натижаси утган йиллардагидан асло кам булмайди, деб ишонтириб айтишга барча асосларимиз бор.

Азиз дустларим, биродарларим, кадрли ватандошларим!

Мана шундай шукухли дамларда ер юзидаги барча мумин-мусулмонлар катори муборак Курбон хайитини шоду хуррамлик билан байрам килаётган сиз, азизларни, бутун халкимизни чин дилдан куглаб, узимнинг самимий тилакларим, мехр ва хурматимни изх.ор этаман. Барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат ва омад тилайман.

Янги — 2007 йилнинг кадами кутлуг ва хосиятли келсин!,

Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Юртимиз тинч, халкимиз омон булсин!

Янги йил барчамизга муборак булсин!

*Ислам КАРИМОВ, Узбекистан Республикаси Президенты*

## ВАТАН ХИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, Ватан химоячиси деган шарафли ва олижаноб ишга узини багишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз хаётидаги кутлуг сана — Ватан химоячилари куни ва Узбекистан Республикаси К^уролли Кучларининг ун беш йиллиги билан чин к.албимдан муборакбод этаман.

Виз утган 15 йил мобайнида юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Куролли Кучларимизни барпо этиш, мамлакатимиз мустакиллиги, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, баркарор ва изчил демократик таракдиётимизнинг ишончли кафолати булган миллий армиямизни шакллантириш йулида кулами ва мохияти жих.атидан том маънода улкан ишларни амалга оширдик. £Мамлакатимизда кабул килинган Миллий хавфсизлик концепциясига асосланиб, Марказий

Осиё минтакасида тез суръатлар билан узгариб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни хисобга олган хрлда, юзага келаётган тахдид ва хатарларнинг дар томонлама чукур тахлили ва Куролли Кучларни барпо этишнинг мутлакр янги принциплари негизида армиямизни ислох. килиш буйича узок, муддатга мулжалланган Дастур яратилди. Бу борада биз уз олдимизга куйиган бош максад — ихчам, тезкор ва харакатчан, замонавий курол-ярог ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали хал эта оладиган, сархадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва баркарорликни бузишга кдратилган хар кандай ёвуз харакат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга крдир булган кучли армияни яратишдан иборат эди/7

Шундай ута мухлм ва ута масъулиятли вазифаларни амалга ошириш йулида гоят киск.а вак.т ичида чегаравий минтакалар, х.арбий округлар тузилди. Мудофаа вазирлигининг булинма ва кисмларини, чегара кушинларини, шунингдек, бошк.а вазирлик ва идораларнинг х.арбий тузилмаларини ягона, кучли тизимга бирлаштирган Куролли Кучларимизнинг таркиби ва жойлашуви кайта куриб чикилди, уларнинг узаро уйгун х.аракатини таъминлайдиган ва мувофиклаштирадиган яхлит тизим шакллантирилди.



Энг ривожланган демократах мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кечираётган тинч, фаровон ва осуда хаёти, керак булса, уз шароитимиз, босиб утган йулимиздан чик^арадиган хулосалар шуни курсатмок,- дакж, **юксак билим ва малакага эга булган ощша аелларимиз ^окимиятнинг ^онунчилик, ижро ва суд тармоцларида нуфузли уринни эгаллаб, хотин-щ!зларимизнинг, халщшизнинг ишончли вакиллари сифа гида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу долат ижтимоий х;аётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, х^кукдой демократик давлат ва фукдролик жамиятини барпо этиш йулида салмокли кадам ^уйган буламиз.**



Уйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ута мухим масаланинг мохияти ва ахамиятини теран англаган х.олда, уз фук.аролик ва сайловчилик бурчимизни адо этищда бу масалага алохдда эътибор берамиз.

Кадрли опа-сингилларим!

Сизларни гузал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узок., ризку насибангиз зиёда булсин!

*Ислам КАРИМОВ, Узбекистан Республикаси Президенты*

## НАВРУЗ БАИРАМИГА БАРИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СУЗИ

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар!

Мухтарам мехмонлар!

Она заминимиз ям-яшил либосга бурканиб, узининг бетакрор курку жамолини намоён килаётган, бахрр нафаси уфуриб турган шу нурафшон кунларда барчамиз интизор булиб, орзикиб кутадиган Наврузи олам юртимизга кириб келмокда.

Мана шу уйгониш ва яшариш, гузаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи — Навруз айёми билан сиз, азизларни, сизлар оркали барча юртдошларимизни, бутун халкимизни чин калбимдан табриклаб, узимнинг самимий мех.рим, хурмах ва эхтиромимни изхрр этишдан бахтиёрман.

Бугун мана шу муаззам майдондаги тантанамизда катнашаётган хорижии давлатларнинг элчилари, халкаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини, барча мухтарам мехмонларимизни Навруз айёми билан кутлаб, кизгин олкишлар билан уларга уз хурматимизни билдирамиз.



Виз билан хамнафас булиб яшаётган узок.-якин к.ушни мамлакатларнинг халкларига, хорижии хамкор ва дустларимизга эл-юртимиз номидан табрик ва тилакларимизни йуллаймиз.

Хурматли дустлар!

Хакик.атан х.ам, энг кадимий, илдизлари олис «Авесто» замонларига бориб туташадиган, уч минг йилдан зиёд тарихга эга булган Наврузи олам — шаркрна янги йил узининг янгиланиш, бахрр нафасини бошлаб келиши, халкимизнинг табиати, онгу тафаккури, к.алби шуурига чукур сингиб кетгани, хар к.айси сила, хар к.айси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг кадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир.

Бу дилбар фаслда диёримизда яшаётган хар бир инсон ён-атрофимиздаги табиатнинг накадар ранг-баранг ва гузал, кандай бетакрор ва жозибали эканини беихтиёр яна бир бор хис этади.

Офтоб ерни киздириб, куртаклар очилиб, бор лик. уйгониши билан одамзотнинг к.алби, бахри дили х.ам очилиб, унинг вужуди, к.он-к.они, суяк-суягига янги куч-к.увват, гайрат ва азму шижоат кириши табиийдир.

Бу шукухли айёмда ёшу к,ари, х.ар к.айси инсон узини муъжизакор табиатнинг узвий бир кисми эканини чукур англайди, табиий мухитни асраб-авайлаб, у билан х.амох.анг булиб, бу ссуда

хаётнинг хар бир кунининг кддрига етиб яшаш кераклигини яна ва яна бир бор идрок этади.

Бу кутлуг яшариш палласида еру кук багрида руи бераётган узгаришларни калбидан утказаётган одамларимизнинг дилларида кувонч, тилларида шукроналик хисси пайдо булади.

Шу мунаввар кунларда хар кайси инсон вужудида якинларига мехр-окибат курсатиш, табаррук карияларимизнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, бемор ва мухтож одамларга беминнат ёрдам ва кумак беришдай савобли, барчамизнинг юрак-юрагимизга сингиб кетган туйгулар узини ёркин намоён этади.

Айнан мана шундай халкимизга мансуб фазилатлар, багрикенглик ва ^амжщатлик, а?диллик ва узаро ?^урмат каби олижаноб к^адриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида муста^камланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий мухдтини ифода этаётганини кузатиш к,ийин эмас.

Айнан мана шундай маънавий иклим охирги йилларда мамлакатимизда кулга киритилаётган, узгаларнинг хавасини тортаётган ютук, ва марраларга эришищда, эркин х.аёт ва демократик жамият курищда, хеч шубх.асиз, энг кучли замин ва гаров булиб хизмат килмокда, десак, хакикатни айтган буламиз.



Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Халк.имизда «Яхши одам — кузидан, яхши йил — Наврузддан маълум» деган чукур мазмунли мак.ол бор. Бу йилги Наврузимизнинг х.ар томонлама хосиятли, кутлуг к.адамлар билан бошланаётганига хдммамиз гувох. булиб турибмиз.

Шу кунларда Ватанимизнинг бепоён худудларида, шах.ар ва к.ишлокдарида, сулим гушаларида Навруз сайилларини кексаю ёш — барча юртдошларимиз катта хурсандчилик ва баланд рух. билан утказаётгани бунинг якдол дараги ва тасдиги булгай, иншоолло.

Барчамизнинг тилагимиз — Яратганимизнинг узи эл-юртимизга, хар бир оила, х.ар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат берсин, дастурхонимизни тукин, ризкдмизни бутун килсин.

Дех.к.онларимизнинг омадини берсин, хрсилимиз мул, хирмонларимиз баланд булсин!

Юртимиз тинч, халкимиз омон булсин!

Наврузи олам барчамизга муборак булсин!

*2007 йил 20 март*

## ХОТИРА БО1дйЙДИР, КДДР - МУКДДДАС

**Президент Ислом Каримовнинг Хотира ва Кдцрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Хотира майдонида биддирган фикрлари**

Иккинчи жахрн урушидаги тарихий галабани таъминлашда юртдошларимиз курсатган жасорат ва хизматларнинг урни хамда ахамияти бекиёс. Ватанимиздан минглаб чакирим олисларда кечган беаёв жангларда куксини душман укига калкрн килган, юрт согинчи ва кадрдонлар дийдорини дилга тугиб курашларда жон олиб жон берган минглаб узбек углонларининг матонати калбимизда, юрагимизда мангу яшайди.

Фронт ортида мехнат килган, уруш туфайли ота-онасидан айрилган минглаб етим-есирларга бошпана берган, узи ва фарзандларининг ризку насибасини узгалар билан бахам курган мехри даре юртдошларимизнинг фидойилиги хеч качон унутилмайди.

Хотира ва Кддрлаш кунининг бу гал Ижтимоий химоя йилида нишонланаётгани унинг ахамиятини янада оширади. «Иккинчи жахрн уруши к.атнашчиларини рагбатлантириш тугрисида»



якинда эълон килинган фармон хам кекса авлодга курсатилаётган эхтиромимизнинг яна бир намунасидир.

Мух.ими, халкимиз, айник.са, ёшларимиз онгу шуурида утганларни ёд этиш, тирикларни к.адрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустахкам карор топмокда. Бугун биз тарихдан сабок. чик.ариб, утмишда йул куйилган хатоларни такрорламасдан, миллий узлигимизни англаган х.олда буюк аждодларимизнинг хеч кимдан кам булмаган авлоди эканимизни унутмай яшаяпмиз. Зеро, бу ёруг кунларга етиш учун курбон булганлар рух.ини шод этиш, муътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг кадрига етиш ва шукроналик туйгуларини хис этиш бизга катта кувват багишлайди, янгидан-янги бунёдкорлик ишларига чорлайди.

Мана шундай улуг кунда узининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда х.алок булганлар, бугунгидек тинч ва осойишта кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида х.амиша бош эгамиз. Айни пайтда орамизда яшаётган уруш к.атнашчиларини хар канча к.адрласак арзийди. Уларнинг дуолари эзгу ишларимизда бизга хамиша к.анот багишлайди.

Бугун иккинчи жахрн урушида фашизм устидан крзонилган галабанинг 62 йиллик байрами куни. Бу галаба жах,он халклари тарихида, х.еч

шубхасиз, абадий сакланиб крладиган санадир. Фашизм балосини ер юзидан супуриб ташлаш, тинчликпарвар эллар орзикиб кутган галабани таъминлашда бошка халклар катори узбек халки х.ам жуда катта хисса кушган.

Иккинчи жахрн уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз жангга кирган. Юртимизда уша пайтда карийб турт миллион ахрли истикрмат килганини инобатга олсак, бу жуда катта ракамни ташкил этиши аён булади. Турт юз мингдан зиёд ватандошимиз машъум уруш олови ёнган жойларда жон берган. Тахминан 130 минг киши бедарак кетган. Булар халкимиз учун жуда катта йукртиш эди.

Айни кучга тулган минглаб йигитларнинг курбон булгани, ногиронлик азобини тортганини тасаввур килишнинг узиёк. х.ар к.андай инсон калбини ларзага келтиради, юракларни изтиробга тулдиради. Шу уринда х.акли савол тугилади: бедарак кетганлар кимлар эди? Улар кимнингдир угли, отаси, бобоси, суюкли ери эмасмиди? Юрт тинчлиги йулида жон фидо килган бундай инсонларнинг номаълум такдири бизни доимо уйга толдиради. Улар хакидаги маълумотларни излаб топишимиз, тарихий х.акикатни тикламогимиз зарур. Бу иш олим ва зиёлиларимизнинг шарафли вазифасига аиланиши керак.



Биз фашизм устидан крзонилган галабага хисса куитганларни улуглашимиз, уларнинг номини абадийлаштиришимиз, бирор кишини х.ам эътиборсиз крлдирмаслигимиз шарт. Айнан мана шундай эзгу мак.садларни инобатга олиб, мана, саккиз йилдирки, 9 майни юртимизда Хотира ва Кддрлаш куни сифатида нишонлаб келмокдамиз. Бугун мазкур сана накадар чукур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини хис этиш кийин эмас.

Хотира ва Кддр тушунчалари мохиятан узаро богликдир. Зеро, бугунги эркин ва фаровон хаётни куз к.орачигидек асраш билан биргаликда Ватан озодлиги йулида курбон булган фидойи инсонларни ёдга олиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, сунмас жасоратини хотирамизда мангу саклаш, инсоннинг тириклигида к.адрига етиш биз учун хам фарз, х.ам к.арздир. Хотира ва Кддрлаш деганда, биз орамизда яшаётган инсонларни кдцрлаш, асраб-авайлаш, уларнинг хаётини, огирини енгил килишни назарда тутамиз. Бу икки тушунча, шубх.асиз, инсон акд-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир.

Инсон х.аёти абадий эмас, лекин хотира мангу, хотира бокий. Тарихий хотирасиз келажак йук.. Утганларини хотирламайдиган халкнинг эртаси ёруг булмайди. Агар миллат узининг келажагини порлок. курмокчи булса, унинг хотираси х.амиша

уйгок. булиши шарт. Боиси дар кандай халк. ва миллат кечаги хаётидан, узи босиб утган огир ва машакдатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоклар чикариши лозим.

Бу санани нишонлашдан максад аввало, галабанинг мохияти ва ахамиятини, тинчликнинг кандай буюк неъмат эканини яна бир бор чукур англашдан, одамзодни хамиша хушёр булишга, теварак-атрофдаги турли хавф-хатарлару бало-казолардан огщ булишга даъват этишдан иборат. Бугунги маросимни инсоният тарихида урушнинг бошка кайтарилмаслигига, бундай дахшатларни одамзоднинг хаётидан бутунлай учириб ташлашга ундайдиган тадбир сифатида кабул килишимиз даркор.

Афсуски, дунёнинг турли нукталарида хамон зулм ва зуравонлик хукмрон, уруш оловлари ёнмокда. Жах.ондаги нотинч вазият ва урушлар дунё ахлини ташвишлантираётгани сир эмас. Бизнинг минтакдмиз х.ам бундай тахдидлардан холи эмас.

Шу боис халк^шиз биз к;андай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшаётганимизни яхши англаши,вазиятга тугри бахр бера олиши керак. Энг мухими, огохлик ва хушёрликни кулдан бермай, атрофдаги вок.еаларга нисбатан бефарк. ва ло^айд булмаслигимиз зарур.

Ватанимизни, миллий кадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, юрт тинчлиги ва баркд-



рорлигининг кддрига етишимиз, уларни янада мустахкамлашимиз керак. Халк.имиз, айник.са, ёшларимиз узлигини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб була олаяпмизми?» деган ёндашув янада чукурлашиши, амалда намоён булмоги лозим.

Эртанги кун, хеч шубх.асиз, интеллектуал бойликка эга булган миллатники, ёшларникидир. Ёш авлодни миллий кадриятларга садокат рухида тарбиялаш билан бир каторда уларга замонавий билимларни эгаллашида таянч ва суянч булишимиз, уларга барча шароитларни яратиб беришимиз керак. Нега деганда, давр бизнинг олдимизга куяётган талабларни билиш, уни чукур англаш учун албатта замонавий билим зарур.

Мамлакатимизда уруш к.атнашчилари ва фронт ортида мехнат килганларга, урушда х.алок булганларнинг оилаларига пенсия ва нафакалардан ташк.ари х.ар йили турли куринишда ижтимоий ёрдам курсатилмокда. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниши, протез-ортопедия жихрзлари, ногиронлар аравачалари ва бошка тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортида бепул юриш х.амда коммунал хизматлар буиича компенсациялар олишига катта эътибор берилаётир.

Доно халкимиз «инсон ганимат» дейди. Дарх.акик.ат, биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимиз-

нинг хаёти ганимат. Афсуски, уруш катнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормокда. Вир йил мукаддам жоиларда шу кутлуг санани 22 минг 251 нафар уруш катнашчиси нишонлаган эди. Бу галги байрамгача уларнинг ун саккиз мингдан зиёдроги етиб келди. Кдриеи бор уйнинг парией бор, деган хикмат хам бежиз айтилмаган. Шундай экан, биз карияларимизни авайлаб-асрашимиз, уз хаётларидан рози булиб яшашлари учун кулдан келганича иззат-икром курсатишимиз зарур. Байрамлар билан кифояланмасдан, уларни шахарларга олиб бориш, бунёдкорлик ишлари билан таништириб, истиклол берган имкониятлардан завкланишига, бугунги замон билан утмишни киёслашига имкон яратишимиз даркор.

Бу мукдддас майдон, наинки Хотира ва Кдцрлаш куни, балки йил буйи зиёратчилар билан гавжум буладиган масканга айланган. Кишилар бу ерга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, утганларни ёд этадилар. Бу туйгу бугунги тинч ва осойишта хаётимизни, тирикларни кадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган хар бир инсон калбида шу табаррук юрт барчамизники, уни куз кррачигидек асраб-авайлаш мук.аддас бурчимиздир, деган эзгу туйгу жуш уради.

*2007йил 9 май*

## «МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАК,К,ИЁТИ ВА ХАЛКДМИЗНИНГ ХАЕТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ - БАРЧА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИК^ИСОДИЙ ИСЛО^ОТЛАРИМИЗНИНГ ПИРОВАРД МАК.САДИДИР» КИТОБИГА ЁЗИЛГАН СУЗ БОШИ

Бу йил биз халкимиз асрлар давомида орзикдб кутган истиклолнинг 16 йиллик куглуг байрамини кенг нишонлаймиз. Утган давр тарих учун гоят киска фурсат булса-да, шу вакт мобайнида биз уз олдимизга куйган юксак марраларга эришиш, эзгу максадларимизни амалга ошириш борасида халкимизнинг фидокорона мех.нати туфайли х.ар йили ун, балки юз йилларга тенг булган улкан тарихий йулни босиб утдик.

Бугун тула ишонч билан айтиш мумкинки, биз мустакил тарак.к.иёт йулида к.андай улкан ютук. ва натижаларни кулга киритган булмасак, х.еч шубх.асиз, буларнинг барчасига аввало Яратганимизнинг узи бизга берган куч-кувват, акл-заковат ва салохиятга таянган х.олда, халк.имизнинг хохиш-иродаси билан узимизга мое ва узимизга хос ривожланиш йулини катъий танлаб олганимиз х.исобидан эришмокдамиз. Шуро даврида амалда узини мутлакр окламаган, Узбекис-

тонни факат арзон хом ашё маконига айлантиришга каратилган бирёклама ва ночор ик.тисодиётдан, миллатимизнинг рухи ва табиатига бегона булган, унинг шаъни ва гурурини тахдирлаб келган мафкурадан бутунлай воз кечиб, замонавий таракдиёт сари дадил кадам куйганимиз бу ютукларнинг асосий мезони ва омили булмокда.

Шу утган давр мобайнида диёримизда тинчлик-осойишталик ва баркарорликни мустахкамлаш, давлат ва жамият курилиши, суд-хукук. тизими ва иктисодиёт сохасини эркинлаштириш, она заминимиз бойликларидан эл-юртимиз ва келгуси авлодлар манфаати йулида окдлона фойдаланиш, мамлакатимизнинг халкдро майдонда-ги обру-эътиборини юксалтириш буиича кулга киритган салмокли натижаларимиз нафакдг бугунги кун, балки ёруг ва фаровон келажагимиз учун пойдевор булиб хизмат к,илмокда.

Албатта, буларнинг барчаси х.ар томонлама фахрланиш ва гурурланишга етарлича асос беради. Эртанги истик;болимизга булган ишончимизни мустахкамлайдиган бундай улкан марраларга эришишда миллионлаб юртдошларимиз узининг х.алол ва самарали мехнати, фидоийли-ги билан муносиб хисса кушаётгани барчамизни кувонтиради. Бу х.акда гапирар эканмиз, аввало, ^ишнинг к^ахратони, ёзнинг жазирамасига к,арамасдан, йил ун икки ой ерга к,алб кури, мехрини бериб мул хрсил етиштираётган зах.маткаш дехдон ва фермерларимиз, замонавий саноат корхоналарида тер тукиб ишлаётган ишчиларимиз, кичик бизнес ва хусусий сектор сохасида фаолият юритаётган ишбилармон ва тадбиркорлар, ах.олининг онгу тафаккури ва маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда эркин ва мустак.ил фикрлаш мухитини шакллантиришда жонбозлик курсатаетган олиму зиелилар, муаллим ва укитувчилар, согликни саклаш ходимлари, маданият ва санъат ахди, жах.он майдонларида турли жабх.аларда катта галабаларни кулга киритиб, Узбекистон шухратини дунега тараннум этаетган минглаб угил-кизларимизнинг хизматлари бекиёс эканини мамнуният билан эътироф этамиз.



Табиийки, бундай кувончли натижаларга эришиш уз-узидан булаётгани йук.. Виз бу ёруг кунларга етиб келгунча бошимиздан кандай огир синов ва машакдатларни утказмадик, к.андай говтусикларни енгиб утмадик. Лекин х.ар к.андай кийин ва мураккаб вазиятда х.ам уз танлаган йулимиздан к.айтмадик.

Бугунги х,аётимиз, айник.са, кейинги йилларда эришган ютукдаримиз истиклолнинг дастлабки кунларидан биз танлаб олган таракдиёт йулининг х.ар томонлама тугри ва окилона эканини курсатмокда. Дунёда «узбек модели» деган ном билан

тан олинган бу йул замирида мужассам булган беш тамойил, яъни, иктисоднинг мафкурадан туда холи булиши, давлатнинг бош ислохртчи экани, крнун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохртларни боскичма-боскич равишда амалга ошириш билан боглик. принциплар хрзирги кунда узининг хар томонлама ижобий самарасини бермокда, юртимизда эркин ва фаровон хает асосларини барпо этишда мустах.-кам замин булиб хизмат кдлмокда.

Таъкидлаш жоизки, 90-йилларнинг бошида биз узимиз учун хаётий шиор сифатида белгилаб олган «Ислохртлар — ислохрт учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун», «Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг» деган крида-лар бугун хам фаолиятимизда мухим дастурил-амал булиб келмокда.

Бошкача айтганда, биз барча соха ва тармок.-ларда кенг куламли ислохртларни тадрижий ва изчил амалга ошириш жараёнида к,андай ютук,-ларга эришган булсак, инсон, унинг хаёти, ху^ук, ва эркинликларини энг олий ^адрият ва бойлик сифатида жамиятимиз х.аётида асосий уринга кутариш доимий эътибор марказимизда булиб келди ва бундан кейин хам шундай булиб к;олади.

Шу билан бирга, хаётнинг барча жабхаларини янада эркинлаштириш, фу^аролик жамияти



асосларини шакллантириш масаласи ижтимоий хаётимизда тобора мух.им ах.амият касб этмокда.

Бугунги кунда жамиятимиздаги янгиланиш ва узгариш жараёнларининг мохиятида шу заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан к;атъи назар, барча Узбекистан фукароларининг х.аётий манфаатларини таъминлашдек эзгу мак.сад мужассам эканини х.ар к.адамда куриш, кузатиш мумкин.

Юртимизда 2007 йилга «Ижтимоий химоя йили» деб ном беришда хам, аввало ана шу мак.-садлар назарда тутилгани шубх.асиз. Шу муносабат билан к,абул к.илинган давлат дастуридаги вазифаларнинг х.ам бир-бири билан узвий богланиб, пировардида халкимизнинг огирини енгил килиш, унинг турмуш фаровонлигини ошириш, энг асосийси, жамиятимизда узаро к.адр-киммат, мехр-окибат ва багрикенглик мух.итини мустах,-камлашга хизмат килишга к.аратилгани х.ам шундан далолат беради.

Бизнинг уз иш фаолиятимизга айнан ана шундай тамойил ва мезонлар асосида бахр беришимиз амалий иш услубига айланиб бораётгани айник.са эътиборлидир. Буни мамлакатимизнинг 2006 йилдаги иктисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари ва 2007 йилдаги устувор вазифалар мух.окамасига багишланган Вазирлар Махкамасининг мажлиси материаллари ва шу аснода хаёти-

мизнинг долзарб масалаларига дойр кабул килинган фармон ва кдрорлар дам тасдиклайди. Шу йил 19 мартда имзоланган «Адолини ижтимоий димоя килиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустадкамлашга оид чора-тадбирлар тугрисида»ги фармон бу борада олиб бораётган изчил ва катъий саъй-харакатларимизнинг яна бир ёркин мисоли ва ифодасидир.

Утган давр мобайнида амалга оширган ишларимиз тащили шуни курсатадики, 2006 йил юртимиз таракдиётида алодида боскич булиб крлади. Энг мудими — бугунги кунда кулга киритаётган барча ютукларимиз демократик жамият ва фаровон даёт куриш борасида давас киладиган натижаларга эришган Европа давлатлари, Япония ёки Жанубий Корея сингари мамлакатлар каторидан жой олишда биз учун янги уф^ ва имкониятлар очади.

Албатта, юксак демократик талабларни даётимизга тулик. жорий этиш, фукаролик жамияти барпо килиш, фаровон даётга эришиш — буларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боглик. ва узлуксиз давом этадиган жараён булиб, бун-дай даражага кутарилиш деч к.ачон осонликча кечмаслигини барчамиз яхши тушунамиз.

Биз кузлаган ана шундай эзгу мак,садларни, белгилаб олган якин ва узок.режаларимизни амалга ошириш вазифаси юртимизда мавжуд булган



барча салодиятлардан самарали фойдаланиш, дозирга к.адар ишга солинмаган купгина куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг мудими, белимизни мадкам боглаб, астойдил меднат килишимизни такрзо этади.

Бу йулнинг устувор йуналишлари дакида гапирар эканмиз, авваламбор куйидаги вазифаларга алодида эътибор беришимиз зарур.

**Биринчидан,** олдимизда турган юксак максад ва режаларни узимизга як.крл тасаввур килиш, уларнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз лозим. Президентдан тортиб дар бир фукарогача бу масалаларни даётга татбик. кдлишни узининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши, шу йулда жон куйдириши, бу жараёнда узини оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида дис этиши дал к.илувчи адамиятга эга.

**Иккинчидан,** кузлаган марраларимизга етиш учун шу юртда яшаётган, онгли фикрлайдиган дар кайси инсон уз масъулиятини чукур англаган долда меднат килиши даркор. Бу улугвор мак.садлар барчамиздан — масъул лавозимда утирган радбар ва мутасадди ходимлар, дедк.он ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва осойишта даётимиз посбонлари булмиш дарбийлар, лунда килиб айтганда, Ватанимизнинг ке-

лажаги билан уз даёти ва такдирини чамбарчас боглаган дар кдйси инсондан уз зиммасига олган вазифани далол ва сидкддилдан адо этишни талаб кдлади.

**Учинчидан,** шу мукаддас заминда биз деч кимдан кам булмаган эркин ва фаровон даёт барпо этиш учун азму карор килган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта медр-окибатлилик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва катъиятлилик каби олижаноб хусусиятлар калбимиздан, кундалик даётимиздан чукур жой олиши керак.

**Туртинчидан,** биз мустакилликка эришгандан кейин кайси сода ва йуналишда булмасин — бу щтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият курилиши буладими, таълим-тарбия, согликни саклаш ёки маданият ва маънавий даёт буладими — кулга киритган улкан ютукларимиз барчамизники ва уларни деч ким тортиб ололмайди.

Лекин, бу муваффакиятларга мадлиё булмасдан, ортикча манманлик ва мак^анчокликка берилмасдан, утган давр мобайнида эришган ютук;-ларимиз билан бир к^аторда йул ь^уиган камчилик ва нук;сонларимиз, бой берган имкониятларимизни дам холисона тан олиб, улардан тегишли сабок; ва хулоса чик;ариб, келгуси фаолиятимизда бундай долатларнинг олдини олиш учун барча чораларни куришимиз, керак булса, *оку крра*-



ни, дусту душманни ажратиб олишимиз, доимо сезгир ва огод булишимиз, *кдскр. кдлиб* айтганда, ён-атрофимизда дали-бери сакланиб ^олаётган хавф-хатарларга очик, куз билан к,араб, турли таддидларга буш келмасдан, охир-ок,ибатда узимизнинг эзгу ма^сад-муддаоларимизга эришишимиз шарт.

**Бешинчидан,** бизга дамиша маънавий куч-кувват берадиган миллий к;адриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг ь^олдирган бебадо мероси, дину диёнатимизни куз кррачищдай асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга булган ишонч туйгусини уз амалий ишларимиз билан янада мустадкамлашимиз лозим.

Бугун халкимиз, айник;са, ёшларимиз узлигини тобора чукуррок. англаб боргани сари барчамизнинг калбимизда «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб була оляпмизми?» деган даъваткор сузлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Хозирги шиддатли замоннинг реал да]щкати шундан иборатки, интеллектуал ва маънавий бойликка эга булган халк. ва миллат, деч шубдасиз, дакли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик к.ила олади. Биз ёш авлодимизни миллий кадриятларга садок.ат рудида тарбиялаш билан бирга, уларнинг умумбашарий таракдиёт ютукдари, замонавий билимларни дар томонлама чукур ва

пухта эгаллаши учун барча шарт-шароитни яратиб беришимиз лозим. Чунки хрзирги пайтда давр бизнинг олдимизга куяётган юксак талабларга жавоб беришга крдир булиб яшаш, турли-туман мураккаб муаммоларни уз вактида ва осилена ечиш учун албатта замонавий билим ва тафаккур сув билан хаводек зарур.

Ёшларимизни уз мустакил фикрига эга булган, барча сохаларда дунёдаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, биз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари, мард ва жасур, комил инсонлар килиб тарбиялаш — бу нафакат катта бахт, айни пайтда бу аввало узбек халкининг кадимий шухратини кайта тиклаш, унинг халкяро майдондаги обру-эътиборини янада юксалтириш, ривожланган давлатлар сафидан муносиб урин эгаллашининг асосий шарти ва гаровидир.

*2007 йил, май*

'

# УЛКАН САЛОХИЯТ ВА ИСТИК.БОЛИМИЗ КУЗГУСИ

**Президент Ислом Каримовнинг К,унрирот сода заводи меднаткашлари билан учрашув чогидаги**

*Узбекистан Республикаси Президенты Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-ицтисодий со^алардаги ислоу,отларнинг бориши, саноат тизимидаги кенг цамровли узгаришлар билан танишиш мацсадида 2007 йилнинг 17 май куни Кррацалпористон Республикасига ташриф буюрди. Давлатимиз ра%бари сафар чотда Кунгирот сода заводи ме^наткашлари билан учрашди ва нутц сузлади.*

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Мух.тарам ишчи-мух.андислар!

Бугун сиз азизлар билан, шу юртнинг фидойи инсонлари билан учрашув асносида к.орак.алпок. элида юз бераёттан янгиланишлар, иктисодиёт ва ижтимоий х.аётнинг барча жабх.аларидаги ютуклар, энг мухими, одамларнинг онгу шууридаги, турмушидаги узгаришлар х.акида гапиришимиз уринли, деб уйлайман. Бу узгаришлар Крракалпогистон ахлининг фидокорона мехнати эвазига эришилаётган ютукдарда, шах.ар, кишлок. ва овулларнинг киёфасида, ишлаб чикариш салохиятининг юксалиб бораётганида якдол кузга ташланмокда.

Мен бунга Кунгиротга ташрифимиз давомида яна бир бор ишонч досил килдим. Мана, йудда канча-канча дедкрнлар, оддий кишилар билан учрашдик. Улар уз даласида, корхонасида ишлаяпти. Ишлаганда дам жону дили билан мехнат килаяпти. Мен улар билан учрашганда, юзма-юз сузлашганда кузларига караб шуни сездим. Купчилик яхши билади, одамлар бир пайтлар мажбуран ишга чикарди, бугунги кунда эса уларнинг меднатга муносабати мутлакр бошкача. Бундай манзараларни куриб одам албатта хурсанд булади.

Бугун бу ерда эл-юртга хизмати сингган дурматли фахрийларимиз дам утиришибди. Уларнинг крракалпок. заминида эришилаётган ютукларни худдики узининг шахсий ютуги деб билиб, юрагидан утказиб, мана шу замонавий корхона билан танишгани Нукусдан узок, йулни босиб келиб, бугунги учрашувимизда иштирок этаётганлиги дам алодида маъно-мазмунга эга.

Мен як^инда, 9 май — Хотира ва кдцрлаш куни Тошкентда жамоатчилик вакиллари билан учрашганимда, Узбекистон фахрийларини хонадонларимиз фаришталари, дедим. Бундай дейишнинг боиси шуки, кайси узбек оиласида, к,орак.алпок. оиласида мана шундаи кексаларимиз, нуронийларимиз яшаса, бу уйда алох.ида хосият булади, кут-барака булади.



Узбекистон шимолида ястаниб ётган Устюрт сахроси багрида бу замонавий заводни куриб, ишга тушириб олганимиз бутун халкимиз к.атори к.орак.алпок. ахлининг дам мана шундаи кутаринки руд билан яшаётганидан гуводлик беради, десам, уйлайманки, бу фикримга сизлар дам кушиласиз.

Фурсатдан фойдаланиб, К,орак.алпогистондаги улкан узгаришлар, бунёдкорлик ишларига узининг меднати, муносабати, сузи ва дуоси билан дисса кушиб келаётган барча фахрийларимиз ва фаолларга алодида миннатдорлик билдирмок.чиман. Ва юзларингизга, кузларингизга к.араб айтмок.чиман: Мен Президент сифатида минг бора розиман, агар кррак,алпок. халки дам Узбекистон Президентидан рози булса, мен гоятда хурсанд булардим.

Кадрли юртдошлар !

Мамлакатимиз саноатида Кррақалпогистоннинг алодида урин тутишини барчамиз яхши биламиз. Бу ерда унлаб замонавий саноат корхоналари фаолият курсатмокда. Утган йил ёзида улар к.аторига кушилган Кунгирот сода заводи эса наинки мамлакатимиз, балки дунё бозорида дам юксак сифатли харидоргир мадсулот ишлаб чикарадиган, керак булса, эртага дар томонлама бойлигимизга бойлик кушадиган ноёб корхона дисобланади.

Шубха йукки, Марказий Осиёда ягона санал-ган, замонавий техника ва технология билан жихрзланган ушбу йирик завод нафакат *Крра*-к.алпогистон салох.иятини, айни чогда бутун мам-лакатимиз иктисодий имкониятларини янада кенгайтиради.

Шу нуктаи назардан к.араганда, к.арийб 60 гектар майдонни эгаллаган, мамлакатимиз сано-ати учун зарур хом ашё — йилига 100 минг тон-нагача кальцийнациялашган сода ишлаб чика-риш кувватига эга булган Кунгирот сода заводи Крракалпогистоннинг, бутун Узбекистоннинг бойлиги, таъбир жоиз булса, барчамизнинг гуру-римиз, ифтихоримиздир.

Ьцурилиш ишлари бошланган 1993 йилда купчилик к.орак.алпок. заминида, Кунгирот ша-роитида мана шундай ноёб корхона куриш мумкинлигига, очиги шубх.а билдирган эди. Уша вактда завод к.урилишини бир неча юз миллион АКШ долларига бах.олаган хорижий технология эгалари х.ам булди. Бу жуда катта маблаг эди. Боз устига, ун йил муддатга олина-диган ушбу кредит фоизи билан хисоблаганда икки баравардан купайиб кетарди. Биз хисоб-китоб ишларини окилона олиб бориб, етти улчаб бир кесиш натижасида 32,3 миллион долларлик замонавий технологияни жорий этиш эвазига хам сифатли, хам харидоргир махсулот



ишлаб чикарадиган корхона бунёд этишга му-ваффак. булдик.

Оролбуйидаги ушбу кудратли корхона мамла-катимиздаги энг йирик истеъмолчилар — «Кварц», «Узсаноаткурилишматериаллари» акци-ядорлик жамиятлари, «Фарм-гласс» ва «Разал-кент-ойна» кушма корхоналари, «Узкимёсано-ат», «Узбекнефтгаз», шунингдек, ёг-мой, кимё, металлургия саноати корхоналарига махсулот етказиб бермокда. 2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чикаргани, жорий йилда бу курсаткични 80 минг тоннага етказиш режалаш-тирилгани, бугунга кддар тук.киз миллиард сумликдан зиёд мах,сулот сотилгани унинг катта имкониятлари ва келажагидан далолат беради.

Юкррида айтиб утганимдек, ушбу корхона махсулоти — кальцийнациялашган содага мам-лакатимиз саноатида талаб жуда катта. Мутахас-сисларнинг хисоб-китобларига Караганда, бу эхтиёж йилига 65 минг тоннани ташкил этади. Айникса, шиша ишлаб чикаришда унинг ахами-яти бекиёс.

Ушбу корхонанинг иктисодий имкониятла-ри, улкан салохияти х.акида гапирар эканмиз, ноёб махсулотнинг хом ашё манбаи булган К^ора-к.алпок. замини х.акида, унинг бекиёс кон захи-ралари хусусида к.иск.ача тухталиб утсак, айни муддао булади, деб уйлайман.

Бу заминда Менделеев жадвалига кирадиган аксарият элементлар мавжудлиги илмий асосда исботланган. Шу нуктаи назардан Караганда, якин келажакда бу юртга келиб ишлашни хохловчилар, айник.са, хорижлик сармоядорлар янада купайишига шубха йук.. Хали бу юртнинг тупроги хам тиллога айланади.

Биргина мисол — сода ишлаб чикаришда фойдаланиладиган охактош 92 фоизлик софликка эга булиб, бу курсаткич дунё микёсида жуда юкрри хисобланади. Ушбу хом ашё Беруний туманидаги «Жамонсой» карьеридан ташиб келтирилади ва унинг кондаги захираси 10 миллион тоннани ташкил этади. Бу завод эхтиёжини 100 йилдан ортикрок. вакт мобайнида таъминлашга етади.

Шу уринда сизларга хом ашё таъминоти жараёнини лойихалаш билан боглик. бир фактни эслатиб утмокчиман. «Борсакелмас» туз конидан хом ашёни казиб олиб, бу ёкда ташиб келишни ташкил киладиган техник лойиха учун хорижий мутахассислар катта маблаг — 16 миллион АКД1 доллари талаб килган эди. Ушбу талабни асослаб беришни сураганимизда, гуёки бу кучли автоматлаштирилган, тутал цикл билан ишлайдиган мослама булади ва х.оказо, деган сабаблар курсатилди. Табиийки, бундай ёндашув бизга тугри келмас эди. Шу боне ишлар маълум муддат тухтаб



к.олди. Шундан сунг республика «Узбеккумир» акциядорлик жамияти мутасаддиларига ушбу масалани уз куч ва имкониятларимиз доирасида, мах,аллий мутахассислар иштирокида хал килиш юзасидан топширик. берилди. Биз хар жих,атдан мак.бул, окилона йулни танладик ва натижада уз кучимиз билан бу масалани ечдик. Мутахассислар яхши билишади — кимё саноатини ривожлантириш асосан ишлаб чикаришнинг экологик меъёрларини таъминлаган х.олда, уз хом ашё манбаларимизни янада туликрок. узлаштиришга асосланиши лозим.

Шу нуктаи назардан Караганда, ушбу заводнинг йиллик эхтиёжи 150 минг тонна охактош, 170 минг тонна техник туз ва 1000 тонна аммиакдан иборат. Техник туз «Борсакелмас» конидан олиб келинади. Аммиакни «Навоийазот» акциядорлик жамияти етказиб беради. Шу уринда, завод кршида ана шу хом ашёларнинг муайян муддатгача етадиган тегишли захирасини яратиш зарур, деб уйлайман. Мен бу х.акда мутахассислардан сураганимда, улар 7 кунга етадиган хом ашё захираси мавжудлигини айтишди. Менимча, бу етарли эмас. Завод омборида кам деганда 30 кун — бир ойлик захира сакланиши лозим. Демокчиманки, мураккаб иклим шароитига эга минтакада жойлашган корхона ишида узилиш булмаслиги керак.

Азиз биродарлар!

Устюртнинг кррли-буронли кишига, бахрр ва кузининг тузонли шамолига, ёзининг жазирама иссишга бардош бериш, кирк. чакирим жойга йул, электр энергияси, сув, табиий газ олиб келиб, чул багрида замонавий коммуникация ва инфратузилмани барпо этиш уз-узидан булмайди, албатта. Корхона билан бирга тегишли инфратузилмалар бунёд этилгани албатта эътиборга сазовор. Аммо мени бошка бир масала уилантиради: Элобод ишчилар шахарчаси нима учун заводдан бунчалик олис худудда курилган. Уни Нукус ва Кунгирот орасида барпо этса х.ам буларди-ку. Мухими, корхонада мехнат киладиган бир ярим мингга якин ишчи-хизматчи учун, уларнинг келажак хаёти учун муносиб шароит яратиларди. Бу одамларнинг такдири хакида ким кайгуриши керак? Мени, аввало, мана шу масала кизиктиради. Бу бир йиллик корхона эмас. Бу ерда мехнат килаётган кишилар шу ерни узларига ватан билиб келишган. Шу ерда илдиз отишни, палак ёзишни ният килишган.

Шу боне биз 50 йил, 100 йил кейинни кура билишимиз лозим. Ахир, бу ерда бизнинг болаларимиз, набираларимиз яшайди. Хали х.ам кеч эмас. Шу одамларнинг хаётини яхшилаш учун х.аракат к.илишимиз, Кунгирот билан ишчилар шахарчасини боглайдиган йул курилишини бошлашимиз лозим. К.орак.алпогистонни ободкилиш, к.орак,алпок. халкининг турмуш шароитини яхшилаш хакида, шу халкдинг келажаги хусусида к.айгурар эканмиз, аввало, унинг истик.боли булган коммуникация масаласига жиддий эътибор к.аратишимиз шарт.



Бизни доим коммуникация муаммоси уилантириб келади. Мен бу х.акда куп гапирганман. Ана шу ута мухим масалани х.ал этиш юзасидан мамлакатимизда жуда катта ишлар амалга оцщрилгани ва оширилаётганидан яхши хабардорсиз, деб уйлайман.

Фаргона водийсига утган К^амчик. довон йули, Навоий — Учкудук. — Султон Увайстог — Нукус, мамлакатимиз жанубида барпо этилаётган Тошгузар — Бойсун — Кумкургон темир йуллари бу борадаги имкониятларимизни янада кенгайтирмокда. Шулар к.аторида юртимизни Устюрт орк.али Европа билан боглайдиган 316 километрлик Кунгирот — Бейнов тезюрар автомобиль йулини х.ам эслаб утиш жоиз. Мухим стратегик ахамиятга молик ушбу иншоотлар заминимиздаги бехисоб табиий захираларни узлаштириш, улардан эл-юртимиз фаровонлиги йулида фойдаланишга хизмат килиши шубх.асиз.

Мамлакатимизни бошк.а давлатлар билан боглайдиган йул, нафакат йул, балки бугунги тарак.киётни ташкил этадиган барча-барча тармоклар

шу ердан утиши керак. Виз 10 йиллик стратегик давлат дастуримизда Куншрот — Бейнов автомобиль йули оркали Каспий денгизи сохилидаги Крзогистоннинг Угров бандаргохига чикишни кузда тутганмиз. Мен нима демокчиман: бу чукур уйланадиган, хар томонлама тарозига ташлаб куриладиган, аввало, бу ерда яшайдиган одамлар такдирини инобатга олиб, хулоса чикариладиган жиддий масала. Шундай экан, Крракалпогистоннинг тарак.киётини, келажагини хисобга олган хрлда, йулнинг бир щеми — Нукусдан Кунгиротгача, Кунгиротдан мана шу Элобод шахарчасигача булган 120 километрлик кисми курилишини тезлаштириш керак. Шу сабабли мазкур давлат дастурини мутахассислар иштирокида Тошкентда яна бир бор куриб чикишимиз, курилиш ишларини 2008 йилдан бошлашимиз лозим.

Виз бу ишга киришсак, ажратилган маблагларни тезрок. узлаштирсак, давлат дастурининг бир кисмини бажарган, керак булса, шу хисобдан анча-мунча масалаларни х.ал к.илган буламиз. Йул утган жойда таракдиёт, юксалиш булади. Одамлар учун зарур инфратузилмалар шаклланади. Йул борган жойга хает боради: Кунгирот ва Элобод шахарчалари оралигидаги 40 километрлик худудга жон киради. Кадимда Буюк Ипак йули утган кухна Кунгирот шахри замонавий асосда обод булади.



Шунинг учун ушбу йул курилиши юзасидан алох.ида дастур ишлаб чикишимиз ва уни шу йилнинг 1 сентябригача кабул килишимиз лозим. 2010 йилга мулжаллаган ишимизни икки йил илгари бошласак, уйлайманки, окилона йул тутган буламиз.

Мух.тарам ватандошлар !

Заводнинг такдири бу ерда мех.нат киладиган одамларга, яна хам аникроги, малакали кадрларга боглик.. Киме саноати Крракалпогистонда янги сох.а булгани учун тажрибали мутахассислар етишмаслиги табиий хрл. Щуни инобатга олиб, мен завод хузурида Тошкент кимё-технология институтининг укув-лаборатория базасини ташкил этиш х.ак.ида таклиф киритган эдим. Мана, бугун шу билим даргохида 200 га якин талаба ишлаб чик.арищдан ажралмаган х.олда турт ихтисослик буйича таълим олмокда.

Бу ерда яратилган шарт-шароитлар, таълим жараёни билан танишиб, ёшлар билан сух.батлашиб, уларнинг максад-муддаолари, эртанги х.аётга булган ишонч ва катьиятини, уз такдирини, келажагини мана шу завод, унинг истикболи билан боглаётганлигини куриб, шунга яна бир карра амин булдимки, танлаган йулимиз тугри булган экан. Интилиш, яхши ният инсонга к.анот багишлайди. Ушбу заводнинг бугуни ва келажаги х.ам айнан интилувчан ёшларнинг, билимли ва

тажрибали мутахассисларнинг кулидадир. Бу ерда мехнат килаётган юртдошларимиз, айникса, ёшларимиздаги ана шундай азму шижоат барчамизни кувонтиради.

Такрор айтаман, бундай заводлар канча куп булса, юртимизнинг, жумладан, Крракалпогистоннинг истикболи хам шунча юксак булади. Республикамизнинг узок, вохаларида барпо этилаётган юкрри технологияли замонавий корхоналар нафакат шу худуднинг иктисодий-ижтимоий ривожига катта таъсир курсатади, энг мух.ими, бу ерда мехнат киладиган инсонларнинг дунёкараши, интилиши, хаётга муносабати, керак булса, эртанги кунга ишончи бугунлай узгаради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай буюк ишларнинг ижодкори булган азамат халкимизга, шу заминда, шу тупрокда, очииши айтсак, мана шундай мураккаб шароитда яшаб мардона мех.-нат килаётган крракалпок. элига таъзим киламан. Ва шу минбардан туриб такрор айтмокчиман: «Виз х,еч к;ачон хеч кимдан кам булмаганмиз ва кам булмаймиз. Шонли тарихга эга крракалпок. халки х.ам х.еч кимдан кам булмаган, эртага х.ам кам булмайди!»

Сизларнинг барчангизга сих.ат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда омад тилайман.

-

.

.

## «УНИВЕРСИАДА - 2007» СПОРТ УЙИНЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз фарзандларим!

Мух.тарам устоз ва мураббийлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шахрида барча спорт ишкибозлари ва ихлосмандларининг, бутун Узбекистан ёшларининг эътиборини узига тортадиган катта бир вок.еа — «Универсиада — 2007» уйинларининг тантанали очилиши билан сизларни чин калбимдан самимий муборакбод этаман.

Виз мамлакатимизни янгилаш ва модернизация килиш, юртимизда эркин ва обод демократик жамият куриш, халк.аро майдонда муносиб урин эгаллашдек эзгу вазифани уз олдимизга куяр эканмиз, ана шу юксак максадларга эришиш йулида юртимизда яшаётган хар к.айси инсон, аввало, хаётга кириб келаётган ёш ва навкдрон авлодга нисбатан замоннинг талаби тобора ортиб бориши табиийдир.

Бугун сизларга уз багрини очаётган мухташам стадион ва спорт майдонларига тупланган сиз,

азиз фарзандларимиз ва барча тенгдошларингиз учун бу хак.икат яхши аён, деб уилайман.

Ана шундай вазият, дунё микёсида тобора кучайиб ва мураккаблашиб бораётган кураш униб-усиб келаётган авлоддан миллий ва умуминсоний кадриятларни, замонавий илм-фан ва технология ютукларини чукур узлаштириш, узининг бор кучи ва салохиятини эл-юртимиз манфаати ва келажаги йулида сафарбар этишни талаб килмокда.

Шу билан бирга, олдимизда турган буюк мак.-саддарга эришишда угил-кизларимизнинг ёшлик чогидан жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши, хар томонлама СОЕЛОМ ва бакувват булиб вояга етиши, хеч кимдан кам булмасдан юксак спорт чукдиларини эгаллаши алохдда урин тутади.

Айни шу мак.садда юртимизда истиклолнинг биринчи кунларидан бошлаб фарзандларимиз калбида спортга мехр ва х.авас уйготиш, бу сох.адаги барча ютукдарнинг пойдевори булмиш болалар спорти ривожи учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шахар ва кишлоьдгарда, мактаб, лицей ва коллежларда, олий укув юртлари кршида энг замонавий талабларга жавоб берадиган спорт мажмуалари ва иншоотлари барпо этиш масалаларига катта эътибор берилмокда. Ва бундай кенг куламли ишларимизнинг натижаси ва самарасини бугун хар кадамда курмокдамиз.



Бугунги кунда Руслан Чагаев ва Рустам Крсимжонов, Мухаммадкрдир Абдуллаев ва Армен Багдасаров, Дилшод Мансуров ва Абдулла Тангриев, Гузал Хуббиева ва Мафтуна Тухтасинова, Рустам Саидов ва Уткирбек Хайд аров х.амда уларнинг издошлари булган юзлаб шижоатли ёшларимиз энг нуфузли халкдро мусобак.аларда, жадон ва к.итъа беллашувларида ёрк.ин галабалари билан Ватанимиз шухратини тараннум этиб, дунё ахдини х.айратда к.олдирмокда.

Энг МУХ.ИМИ, ана шундай фидойи угил-кизларимиз тимсолида мамлакатимизнинг усиб-янгиланиб, кучли ва кудратли давлатга айланиб бораётгани яна бир бор намоён булмокда. Ёшларимиз шарафига баланд кутарилаётган Узбекистон байроги минг-минглаб спорт ихлосмандлари, халк.аро жамоатчилик томонидан кизгин олк.ишлар билан кутиб олинаётганининг узи шу юртда яшаётган х.ар к.айси инсонга чексиз гурур ва ифтихор бахш этиши шубхасиз.

Шу борада уч боскичдан иборат узлуксиз тизим — «Умид них.оллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт уйинлари бу йуналишдаги амалий ишларимизнинг якдол намунаси, десак, хеч к.андай хато булмайди.

Спортга ёшликдан ихлос куйиб, унинг сир-асрорларини урганиш, машак.к.атли машгулотларда ЧИНИК.ИШ, иродасини тоблаш, мардлик

ва матонат, уз-узини енгиш, уз олдига куйган максадларга эришиш учун бор куч-гайратини сафарбар этиш каби хусусиятларни камол топтириш айнан мана шу уч погонали ноёб тизимнинг мохиятини ташкил этиб, миллионлаб ёшларимиз учун майорат мактаби булиб хизмат килмокда.

Бугун бошланаётган, ана ту макгабнинг юкрри боскичи булган Универсиада уйинлари хам азму шижоат ва катьиятлилик, холислик ва хдлоллик, уз ракибига хурмах, бир суз билан айтганда, ралабага бутун борлиги билан интилиш ва багрикенглик туйгуларини намоён этадиган чинакам кураш майдони булади, десам, уйлайманки, барчангиз бу фикрга кушиласиз.

Сизларнинг мана шундай олижаноб фазилатларингизни, кескин ва муросасиз беллашувлар натижасида юксак шох.супаларга кутарилишингизни оила аъзоларингиз, тенгдошларингиз телевидение ва матбуот оркдли хаяжон билан кузатиб бориши, бу уйинлар барча спорт мухлислари, бутун халк,имизнинг эътибор марказида булиши табиий, албатта.

К^адрли угил-к^изларим!

Барчангизни багримга босиб, бугунги байрам билан яна бир бор кутлар эканман, сизларга сихатсаломатлик, галаба, бахт ва омад ёр булишини тилайман.



Уз акд-заковатингиз, билим ва тафаккурингиз, куч-гайратингизга, тогдек таянчингиз — буюк Ватанимизга суяниб, маррани катта олинг, азиз фарзандларим!

*Ислам КАРИМОВ, Узбекистан*
*Республикам Президенты*

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кдцрли дустлар!

Сиз азизларни — матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин калбимдан самимий муборакбод этаман.

Матбуот ходимлари, уларга хос хусусиятлар хакида гапирганда, биз, аввало, сезгирлик ва зийраклик аломатларини, хает узгариши, дарду ташвишларини чукур кузатадиган ва уз калбидан утказадиган, кенг дунёкараш эгаси булган, турли касб-хунар ва мутахассисликни узида мужассамлаштирган инсонларни узимизга тасаввур этамиз.

Бугун мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрамини нишонлар эканмиз, миллий матбуотимиз там ал тошини куйиб, журналистика сохаси тарак.киёти иулида канча-канча азоб-укубатлар, синов ва тазйик.-ларни бошидан кечирган, халк.аро майдонда



обру-эътибор крзонган узбек журналистика мактабининг фидойилари номларини миннатдорлик билан эслаймиз ва хрзирги вак.тда сафимизда мехнат к.илиб келаётганларни юксак кадрлаймиз.

Биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислох. килиш, инсон хукук. ва эркинликларини таъминлашни эзгу мак.сад сифатида белгилаб олган бугунги кунда оммавий ахборот воситаларимиз олдига х.аётнинг узи мураккаб, шу билан бирга, ута масъулиятли вазифаларни куймокда.

Авваламбор, суз эркинлиги, плюрализм, яъни фикрлар хилма-хиллигига, одамларнинг уз фикрини эркин баён к.илишга имкон яратиш ва бу йулдаги барча говларни олиб ташлаш, бугун чидаб булмайдиган эскича караш ва к.олдиклардан бутунлай воз кечиш масалаларини нафак.ат крнунларимиз, балки амалий х.аётимизда хам татбик. этиш — буларнинг барчаси долзарб вазифаларимиздан бири десам, уйлайманки, барчангиз бунга кушиласиз.

Жахрн мик.ёсида вок.еалар шиддат билан кечаётган бир пайтда замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологияларидан, Интернетнинг бек.иёс имкониятларидан кенг фойдаланишга тайёр булиш матбуот, ахборот ва медиа тармокдари, жумладан, телевидение ва радио

сохаларида хизмат килишга узини багишлаган, етук мутахассис булишга ахд килган ва бу сохада уз келажагини курмокчи булган оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаолият мезонига айланиши зарурлигини барчамиз сузсиз яхши англаймиз.

Хозирги кунда журналистика сохасида мех.-нат килаётган ва уз фаолиятида юксак натижаларга эришмокчи, жамоатчилик эътиборини крзонмокчи булган хар кайси матбуот ходими касб махрратини эгаллаш билан бирга, уз принципларига хам эга булиши, х.акикат учун курашишга тайёр туриши, шу йулда катьият ва шижоат курсатиши, лунда килиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг узи талаб к,илмокда.

Бугун мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини, биринчи гадда, матбуот ва матбаа тармокларини замонавий ахборот техника ва технологиялари билан жих,озлаш йулида сезиларли натижаларга эришмокдамиз. Бунинг тасдигини нафакат купгина марказий нашрлар, айни вактда вилоят ва туманлардаги газета-журналларнинг сифати ва замонавий куринишларига караб х.ам сезиш кийин эмас.

Бир суз билан айтганда, муштарийлар кулига етиб бораётган юзлаб номдаги газета ва журналлар наинки узининг маъно-мазмуни ва куриниши, балки сифати билан хам ажралиб туриши кувончлидир.

Айни пайтда жамиятимизни янада демократлаштириш ва суз эркинлигини таъминлаш зарурати матбуот ва матбаа тармоклари моддий базасини мустахкамлаш, бу сох.ада хизмат килаётганларнинг мех.натига муносиб бах.о бериб, уларни моддий ва маънавий рагбатлантириш, газета ва журналлар тахририятлари эркинлиги ва мустакиллигини, шу билан бирга, масъулиятини оширишни хам такрзо этади.

Уйлайманки, нафак.ат давлатимиз ва жамоатчилигимиз, балки нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг эътиборини х.ам шу масалага к.аратиш х.ар томонлама уринли булур эди. Бу борада узимизда ва таракдий этган давлатларда тупланган тажрибалардан фойдаланиш, узини оклаган ютук.-ларни жорий этиш оммавий ахборот воситаларини ислох. килиш йулидаги мух.им ах.амиятга молик вазифадир.

Сизларни бугунги кутлуг байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, ижодий муваффак.иятлар тилайман.

*Ислам КАРИМОВ, Узбекистан Республикаси Президента*

## УЗБЕКИСТОН РАЛЛАКОРЛАРИГА

Кддрли дустлар!

Барчангизни бугунги катта мехнат галабангиз — 6 миллион 250 минг тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этишга эришганингиз билан чин калбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу йил галлачилик сохасида кулга киритган натижа ва марраларимиз узининг юксак курсаткичлари, авваламбор мех.нат унумдорлиги ва хрсилдорлик даражасининг юкррилиги билан, хеч шубхасиз, барчамизга кувонч ва гурур-ифтихор багишлайди.

Мамлакатимиз буиича сугориладиган ерлардан хрсилдорлик гектарига уртача 48 центнерни ташкил этиб, утган йил га нисбатан карийб 4 фоизга усгани бунинг яккрл тасдигидир. Айник.-са, хрсилдорлик даражаси Андижон вилоятида — 60 центнер, Кдшкадарё, Самарканд ва Фаргона вилоятларида эса 50 центнердан ортик. булгани, Олтинкул ва Кургонтепа, Вобкент ва Пайарик., Сариосиё ва Денов, Кува, Китоб ва Яккабог каби туманларда эса 55—60 центнердан ошгани миришкор дех.к.онларимизнинг фидокорона мех.на-



ги ва бекиёс мах,оратининг ёрк.ин далили, десак, уилайманки, бутун халкимизнинг дилидаги гапни айтган буламан.

1^ишлок. хужалигида камдан-кам учрайдиган бу улкан муваффак.иятни таъминлаган омиллар \ак.ида гапирганда, унинг негизида биринчи галда сох.ада амалга оширилаётган ислох.отларнинг асосий х.аракатлантирувчи кучи булган дехдон ва фермерларимизнинг эгалик х.иссиёти, уларнинг мехнатга, хаётга фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйгуси, дахлдорлик х.исси кучайиб бораётганини алохида таъкидлаш жоиз. Бу йилги етиштирилган мул хрсилнинг 100 фоизи фермер хужаликлари томонидан тайёрлангани бунинг якдол ифодасидир.

ТТТу билан бирга, кишлок. хужалигига замонавий технологиялар, илгор агротехника ютукларини жорий этиш, уругчилик ишларини тугри йулга куйиш, зараркунандаларга карши курашиш билан боглик. чора-тадбирларнинг уз вак.тида амалга оширилгани х.ам бу ютукда эришишда асосий омил булганини к.айд этиш уринлидир.

Айни пайтда ишни ташкил килиш, дех.к.он ва фермер хужаликларини моддий-техник ресурслар, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, уларга хизмат курсатадиган вазирлик ва идораларнинг уз вазифасини масъулият билан бажаргани, хрсилни нест-нобуд килмасдан конвейер усулида юк.ори

суръат билан уриб-йигиб олиш, галлакорлар меднатини муносиб рагбатлантириш дам бу борада дал кдлувчи адамият касб этгани шубдасиз.

Сиз, азиз дедкрнларнинг пешона тери, азму шижоатингиз билан етиштирилган галла досили дар кайси хонадонда тукчилик белгиси булиб, эл-юрт дастурхонини тулдириб, одамларнинг кунглида эртанги кунга ишонч туйгусини мустадкамлаши ва бутун халкимиз Аллод берган бу бебадо неъмат учун шукрона келтириб, уни юксак кадрлаб, сизларнинг шаънингизга чукур миннатдорлик билдириши табиийдир.

